

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМЛИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 726.04:726.2:72.033:72.033.3...8

МУРТАЗАЕВ ТЕМУР УКТАМ ЎҒЛИ

ЎРТА АСР МЕЪМОРЧИЛИГИДА ЭПИГРАФИКА

5A151202 – Санъат асарлари ва меъморий ёдгорликларни таъмирлаш

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация

**Илмий рахбар:
Архитектура фанлари
номзоди, доцент
З. Ш. Досметова**

Тошкент - 2019

Мазкур тадқиқот иши “Бадий кулол ва таъмирлаш” кафедрасида бажарилган. Ушбу кафедранинг 2018 йил _____ даги _____ - сонли мажлисида ҳамда Амалий санъат факультетининг 20_____ йил _____даги _____сонли факультет кенгашида муҳокама этилган ва ҳимояга тавсия этилган.

Такризчилар: Ички такризчи: а.ф.д. доцент Ш.З.Нурмухаммедова

Ташқи такризчи: а.ф.д. доцент Т.Ш.Маматмусаев

Магистратура бўлими бошлиғи:

Н.Алиева

**Бадий кулол ва меъморий
обидалар безагини таъмирлаш
кафедраси кафедраси мудири:**

Д.Хайтметов

Диссертация илмий раҳбари:

а.ф.н, доц. З.Ш.Досметова

Ҳимоя 2019 йил ____июль соат____да Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмасининг анжуманлар залида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Ш.Рашидов кўчаси, 40-уй.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

Амалий санъат факультети	Магистратура талабаси: Муртазаев Темур Уктам ўғли
Бадиий кулол ва меъморий обидалар безагини таъмирлаш кафедраси	Илмий раҳбар: а.ф.н., доц. З.Ш.Досметова
2018-2019 ўқув йили	Мутахассислиги – 5A151202-Санъат асарлари ва меъморий ёдгорликларни таъмирлаш

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги. Мавзунинг долзарблиги шундаки, тарихчи олимларимиз томонидан бугунги кунга қадар меъморий обидалар эпиграфик ёзувлари ҳақида қатор асарлар ёзилиб илмий таҳлилдан ўтказилганлиги бизга маълум. Ушбу ёзувларни бадиий хаттотлик санъати гултожи дея баҳолаш мумкин ҳамда бу сабаблар ёзувнинг нақадар муҳимлиги ва унинг ўрганилишини талаб этади.

Мавзунинг мақсад ва вазифалари. Диссертациянинг мақсади – Ўрта асрлар меъморчилигида эпиграфик ёзувларнинг қўлланилишини бадиий жиҳатдан ўрганиш, қўлланилган хат турларини таҳлил этиш, ашёларда бажарилиш техникалари ва композицион ечимларини кўриб чиқиш, миллий меъморчилигимизнинг тарихий ютуқлари ҳамда мавқеъини ўрганиш ва аждодларимиз амалга оширган ишларни кенг илмий жамоатчиликка етказиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти қилиб Ўрта асрлар меъморий обидаларидаги эпиграфик дурдоналар танлаб олинди ва тадқиқотнинг предмети қуйидагича тизимлаштирилган ҳолда ўрганилди:

- Меъморчиликда қўлланилган хаттотлик хат турлари
- Ашёларда бажарилиш техникалари
- Эпиграфиканинг композицион ечимлари ҳамда жойлашуви

Тадқиқот услубияти ва услублари. Тадқиқот объектининг характерига кўра мазкур диссертацияга тарихий-манбавий ҳамда таҳлилий методлар асос қилиб олинди.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси. Мазкур тадқиқотнинг янгилиги шундан иборатки:

Биринчидан, илк марта бадиий нуқтаи назардан янгича қараш, эпиграфик безакларни бадиий таҳлил этиш, яъни уларнинг композицион ечимлари ҳамда ашёларда бажарилиш техникаларини ўрганиш меъморий обидалар безакларини таъмирлаш соҳасида муҳим ўринни эгаллайди.

Иккинчидан, эпиграфик безакларни бадиий таҳлил этиш уларнинг маъно мазмунларини янада чуқурроқ ва аниқроқ ўрганишга хизмат қилади. Яъни эпиграфик композицияларнинг қандай тузилганлигини таҳлил этиш, композицион ечимга қараб ҳарфларнинг шаклан ўзгариши, кетма-кетликда қандай жойлашуви ҳамда бошқа хусусиятларини аниқлаш орқали матнларнинг тўлиқ ва аниқ ўқилишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва татбиқи. Тадқиқотнинг амалий натижалари меъморий обидалар бадиий безакларини таъмирлаш соҳаси эпиграфик безакларни таъмирлаш ишларида янада аниқликка эришиш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Иш тузилиши ва таркиби. Магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, хулоса, атамалар луғати, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова каби қисмлардан иборат.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. Ишнинг асосий натижаларини Ўрта асрлар меъморчилиги эпиграфикасини бадиий таҳлил этган ҳолда тарихий обидалардаги эпиграфик безакларни янада аниқлик билан таъмирлашга эришиш мумкин.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси. Умумий хулоса қилиб айтганда меъморчиликда эпиграфиканинг қўлланилиши тўғрисидаги илмий тадқиқотлар асосида таъмирлаш соҳасида эпиграфикага алоқадор алоҳида йўналиш очиш лозим. Қолаверса, К.Беҳзод номли МРДИнинг Амалий санъат факултети “Меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш” йўналиши бакалавриат ўқув режаларига “меъморчиликда эпиграфиканинг қўлланилиши”ни мутахассислик фанларидан бири сифатида киритиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Илмий раҳбар:

(имзо)

Магистратура талабаси:

(имзо)

REPUBLIC OF UZBEKISTAN
MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALIZED EDUCATION

NATIONAL ART AND DESIGN INSTITUTE
NAMED AFTER IS KAMOLIDDIN BEHZOD

Faculty of Applied Art

Master student: Murtazaev Temur
Uktam Ugli

Art ceramics and restoration
department

Scientific supervisor: c.a.s. docent.
Z.Sh.Dosmetova

2018-2019 academic year

Specialty - 5A151202 - Repair of works
of art and architectural monuments

ANNEXATION OF THE MAGISTRATE'S DISSERTATION

The relevance of the topic. The relevance of the topic is that historians have written and scientifically analyzed epigraphic works of architectural monuments so far. These writings can be regarded as fictional artistic calligraphy, requiring the importance of writing and its learning.

Objectives and tasks of the subject. The aim of the dissertation is to study the use of epigraphic writing in the Medieval architecture, to analyze the types of letters used, to examine the techniques and compositional solutions in the objects, to study the historical achievements and achievements of our national architecture and to convey the work of our ancestors to a large scientific community.

Object of object and research. The object of the research was selected as the epigraphic masterpiece of the medieval architectural monuments, and the object of the study was structured as follows:

- Types of calligraphy used in architecture
- Techniques for the production of goods
- Composition solutions and location of epigraphy

Research Methods and Techniques. Based on the nature of the research object, this dissertation was based on historical and analytical methods.

The Scientific Evaluation of Research Results. The novelty of this research is as follows:

Firstly, for the first time in the artistic perspective, the artistic analysis of epigraphic decorations, ie the study of their compositional compositions and the objects of the artwork, plays an important role in the repair of architectural monuments.

Secondly, the artistic analysis of epigraphic decorations helps to study their meaning more deeply and accurately. That is, the analysis of how the epigraphic composition is structured, serves to make the texts accurate and precise by means of a compositional alteration of the letter shape, the sequence and the other features of the sequence.

The practical significance and application of research results. The practical results of the research can be used to achieve greater accuracy in repairs of epigraphic artwork in the field of architectural artifacts repair.

Business structure and structure. The master's thesis consists of three chapters, conclusions, glossary of terms, a list of references, and applications.

The main results of the done work. The main results of the work can be achieved by more accurate repairs of epigraphic patterns in historical monuments, by artistic analysis of Medieval architecture epigraphy. A brief overview of conclusions and recommendations. In the field of architecture, scientific research on the use of epigraphs requires a special focus on epigraphy in the field of repair. The introduction of "epigraphy in architecture" to the Bachelor's curriculum in the "Architectural monuments restoration" section of the Applied Arts Faculty of the K. Behzod Institute of Science is a good idea.

Scientific advisor:

(signature)

Master degree student:

(signature)

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ МЕЪМОРЧИЛИКДА ЭПИГРАФИКАНИНГ РИВОЖЛАНИШИ	
1.1 Эпиграфиканинг келиб чиқиш тарихи.....	9
1.2 Меъморчиликда эпиграфика.....	20
1.3 Марказий Осиё меъморчилиги эпиграфикаси.....	29
I боб бўйича хулоса.....	36
II БОБ МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАР ЭПИГРАФИКАСИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ	
2.1 Ўрта асрлар меъморчилигида эпиграфиканинг тутган ўрни ва аҳамияти.....	37
2.2 Ўрта асрлар меъморчилигида эпиграфик безакларнинг экстерьерда қўлланилиши.....	46
2.3 Ўрта асрлар меъморчилигида эпиграфик безакларнинг интерьерда қўлланилиши.....	58
II боб бўйича хулоса.....	64
III БОБ ЁДГОРЛИКЛАРДАГИ БИТИКЛАРНИНГ БАДИИЙ ТАҲЛИЛИ	
3.1 Ўрта асрлар меъморчилиги эпиграфикасининг композицион ечимлари.....	65
3.2 Эпиграфик композицияларда ислимий ва геометрик нақш элементларининг қўлланилиши	73
3.3 Ўрта асрларда меъморчилигида эпиграфиканинг ашёларда бажарилиши (мозайика, майолика, терракота, кундаль, ёғоч ва ганч ўймакорлиги).....	84
III боб бўйича хулоса.....	92
ХУЛОСА	93
АТАМАЛАР РЎЙХАТИ	95
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	100
ИЛОВАЛАР	103

КИРИШ

*“Биз ўтмишдаги тарихий қийматга эга бўлган
қадриятларимизни рағбатлантиришимиз
ҳамда улар орқали бутун дунёга
бағрикенгликни тарғиб қилишимиз зарур”¹*

Шавкат Мирзиёев.

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг, миллий қадриятларимиз, айниқса, миллий меъморчилигимизнинг беқиёс намуналарини ўрганишга бўлган эътибор янада кучайди. Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган етти мингдан зиёд моддий ва маънавий обидаларнинг тўрт мингтаси жаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз ҳазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмаларгача бизнинг буюк маънавий бойлигимиз ҳисобланади. Бундай катта меъросга эга халқ дунёда камдан-кам топилади. Ана шу меросни чуқур ўрганишимиз ва улар асосида халқимиз маънавиятини янада юксалтиришимиз, қолаверса келажак авлодга етқазишимиз зарур.²

Меъморий обидаларимизнинг эпиграфик ёзувлари алоҳида бир соҳа ва у тадқиқотчи мутахассислар ҳамда олимлардан жуда кўп изланиш ва машаққатларни талаб қилиши шубҳасиз. Бунинг учун тадқиқотчи мутахассислар ва олимлар бир неча тилларни мукаммал билишлари фойдадан ҳоли бўлмайди. Кейинги пайтларда жадал ривожланаётган тарихий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқи. Остона. 10.09.2017

² Islom Karimov “Tarixiy xotirasiz – kejalak yo’q” T-1998. 27-bet.

даврда қатор халқларнинг илмий, моддий ва маданий меросини қиёсан ўрганишга олимлар ўз эътиборларини қаратган. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб эълон қилина бошланган мақола ва рисоаларда ҳам обидалардаги битикларга жиддий назар ташланганини кўришимиз мумкин.³

Тарихчи олимларимиз томонидан бугунги кунга қадар меъморий обидалар эпиграфик ёзувлари ҳақида қатор асарлар ёзилиб илмий таҳлилдан ўтказилганлиги бизга маълум. Ушбу ёзувларни бадиий хаттотлик санъати гултожи дея баҳолаш мумкин ҳамда бу сабаблар ёзувнинг нақадар муҳимлиги ва унинг ўрганилишини талаб этади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти қилиб Ўрта асрлар меъморий обидаларидаги эпиграфик дурдоналар танлаб олинди ва тадқиқотнинг предмети қуйидагича тизимлаштирилган ҳолда ўрганилди:

- Меъморчиликда қўлланилган хаттотлик хат турлари
- Ашёларда бажарилиш техникалари
- Эпиграфиканинг композицион ечимлари ҳамда жойлашуви

Бундан ташқари мавзуга бевосита алоқадор бўлган Ўрта асрлар меъморчилигига, араб хаттотлигига оид китоблар, илмий рисоалардан кенг миқёсда ва қўшимча адабиётлар сифатида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Диссертациянинг мақсади – Ўрта асрлар меъморчилигида эпиграфик ёзувларнинг қўлланилишини бадиий жиҳатдан ўрганиш, қўлланилган хат турларини таҳлил этиш, ашёларда бажарилиш техникалари ва композицион ечимларини кўриб чиқиш, миллий меъморчилигимизнинг тарихий ютуқлари ҳамда мавқеъини ўрганиш ва аждодларимиз амалга оширган ишларни кенг илмий жамоатчиликка етказиш.

Бу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш мақсадга мувофиқ деб топдик:

- Эпиграфика бўйича маълумот йиғиш;

³ Эргашев С. М “Самарқанд меъморий ёдгорликлари (тарихий-манбавий) таҳлили” (Музейшунослик, консервация ва бадиий ёдгорликларни сақлаш) диссертация. Самарқанд-2016.

- Меъморчиликда эпиграфиканинг қўлланилишининг ўрганилганлик даражасини чуқур таҳлил этиш;
- Меъморчиликда эпиграфиканинг қўлланилишидан кўзланган асосий мақсад ва вазифаларни аниқлаш;
- Ўрта асрлар меъморчилиги эпиграфик дурдоналарини жамлаш ва уларни бадиий жиҳатдан бажарилиш жараёнларини ўрганиш;
- Эпиграфикани янада оммалаштириш масалалари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Мазкур тадқиқотнинг янгилиги шундан иборатки:

Биринчидан, илк марта бадиий нуқтаи назардан янгича қараш, эпиграфик безакларни бадиий таҳлил этиш, яъни уларнинг композицион ечимлари ҳамда ашёларда бажарилиш техникаларини ўрганиш меъморий обидалар безакларини таъмирлаш соҳасида муҳим ўринни эгаллайди.

Иккинчидан, эпиграфик безакларни бадиий таҳлил этиш уларнинг маъно мазмунларини янада чуқурроқ ва аниқроқ ўрганишга хизмат қилади. Яъни эпиграфик композицияларнинг қандай тузилганлигини таҳлил этиш, композицион ечимга қараб ҳарфларнинг шаклан ўзгариши, кетма-кетликда қандай жойлашуви ҳамда бошқа хусусиятларини аниқлаш орқали матнларнинг тўлиқ ва аниқ ўқирилишига хизмат қилади.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқотнинг асосий масаласи Ўрта асрлар Марказий Осиё меъморчилигида эпиграфиканинг қўлланилиши бўйича илмий изланишларни амалга оширишдир. Тадқиқотнинг бош фарази меъморчиликда эпиграфиканинг қўлланилишини ўрганишда Ўрта асрларда бунёд этилган обидаларнинг ўрни ниҳоятда катта. Айниқса, темурийлар даври меъморчилиги бадиий безаклари ўзининг мураккаб композицион ечимлари ва безакларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси. Манбаларда эпиграфик ёдгорликлар деб қадимий битиклар назарда тутилади. Уйғониш даврида антик ва шарқ тарихига умумий қизиқиш кучайиши оқибатида вужудга

келган. Дастлаб эпиграфика фақат Италия, Греция, Шимолий Африка ва Фаластинда топилган қадимий ёзувларни ўрганган (Палеография). Шунингдек, қадимий туркий тилларга оид ёзма ёдгорликлар ҳам ноёб эпиграфик ёдгорликлар сирасига киради. Бу ўринда “Ўрхун Енисей” ёдгорликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.⁴

XVIII асрда туркий халқлар ёзувлари ҳақида дастлабки маълумотлар пайдо бўла бошлади. Лекин ёзувлар қайси халққа мансуб эканлиги муаммолигича қолаверди. Чунки бу ёзувларни ҳеч ким ўқий олмасди. 1691 йилда ўз даврининг йирик олими, Москвадаги Голландия элчихонаси аъзоларидан бири сиёсатчи, картограф олим Николай Видзен (1641-1717) Верхотур шаҳридан унча узоқ бўлмаган жойда номаълум алифбода ёзилган битиктошларни топди. Н.Видзеннинг бу соҳага қизиқишига Сибир вилояти бошлиғи И.Головин сабабчи бўлган эди. 1696 йилда Тоболслик бояр ўғли архитектор, картограф, тарихчи, рассом ва ёзувчи Семен Ремезов (1641-1721) ҳам Сибир ерларининг ҳаритасини чизаётиб, бир пунктига Ўрхун тоши деб белги қўяди. Номаълум ёзув битилган бу тош ҳаритада чегара вазифасини ўтай бошлайди. Бундай ёзувлар ҳақида 1710 йилда асирликка тушган швед зобити Филипп Иоганин Страланберг (1676-1747) тўлиқроқ маълумот беради.

Юртимиз меъморий обидалари эпиграфик ёзувларини ўрганиш анча олдин бошланган бўлсада, лекин бу изланишлар собиқ иттифоқ даврида бир ёқлама олиб борилган. Хаттотларимизнинг Қуръони карим, ҳамда Ҳадислардан олинган илмий, диний-фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашлари чекланган тарзда бўлса ҳам, ҳар ҳолда ўрганилган. Аммо битикларнинг ҳақиқий баҳосини белгилаш, мазмун-моҳиятини очишда мустақиллик йилларида алоҳида катта аҳамият берила бошланди. Меъморий обидалар эпиграфикасининг катта қисми мустақилликдан кейин архив ҳужжатлари асосида қайта тикланди. Аجدодларимиз қурдирган меъморий обидалар эпиграфик ёзувларида ахлоқ-одоб, илм-фан, тартиб-интизом, хуллас комил

⁴ Н. Рахмон «Турк хоқонлиги» Тошкент, 1993 йил

инсон тарбияси алоҳида ўрин тутган. Ўрта асрлар меъморчилиги эпиграфик ёзувларини ўрганиш асносида ўтмиш давр маданий меросимизни илмий-тарбиявий соҳада алоҳида ўрин тутганлигининг гувоҳи бўламиз.⁵

“Uzbekistan Today” ахборот агентлиги томонидан нашр қилинган “Ўзбекистон обидаларидаги битиклар” туркум китоблари бу йўналишдаги илмий изланишларнинг том маънодаги гавҳари бўлди десак муболаға бўлмайди.

Тадқиқотнинг методологик асоси ва тадқиқ усуллари. Тадқиқот обектининг характерига кўра мазкур диссертацияга тарихий-манбавий ҳамда таҳлилий методлар асос қилиб олинди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти меъморчиликда эпиграфиканинг қўлланилишини бадиий ва илмий томондан тадқиқ этишнинг ўзига хос йўллари бирма-бир кўриб чиқиши ва бу ишни кенг жамоатчиликка тақдим этилиши билан белгилаш мумкин. Натижада, Ўрта асрлар меъморчилиги эпиграфикасини ўрганишда янгича услуб шаклланиши ва ривожининг умумий ҳолатига назар солиш имконияти вужудга келади. Тадқиқот натижаларидан таъмирлаш соҳасида, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари тизимида маъруза ва амалий машғулотларни ўтказишда, илмий мақолалар ёзишда фойдаланиш мумкин. Қолаверса, замонавий қурилишда хаттотлик композицияларининг жойлашув ўрнини тўғри танланилишини таъминлайди.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши, ҳажми ва тили. Ушбу тадқиқот иши ўзбек тилида ёзилган бўлиб, мундарижа, кириш, уч боб ва хулосалар (ҳар бир боб 30 бет), адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Қолаверса, мазкур диссертация фото материаллар, чизмалар ва лойиҳаларни ўз ичига олади.

Магистрлик диссертацияси натижаларининг эълон қилинганлиги.

⁵ Ш.С. Ғаффоров, М.А. Юнусов, С.И. Шарипов, М.М. Саидов “Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари тарихи” Самарқанд-2011.

1. Муртазаев. Т. У “Ўрта аср меъморчилигида эпитафиканинг қўлланилиши” // Санъат ёшлар нигоҳида VI конф: тезис. – Тошкент, 2018 - 145-бет.

2. Муртазаев. Т. У “Хаттотлик санъатининг меъморчиликда тутган ўрни” // Марказий Осиё китобат санъати ва миниатюраси илмий-амалий конф: мақола. – Тошкент, 2018 - 197-бет.

3. Муртазаев. Т. У “Ўрта Осиё меъморчилигида хаттотлик санъатининг қўлланилиши” // Замонавий архитектура таълими ва интеграция илмий-амалий конф: мақола. – Тошкент, 2018 - 29-бет.

4. Муртазаев. Т. У “Ўрта аср меъморчилигида эпитафиканинг ашёларда бажарилиши” // Санъат ёшлар нигоҳида VII конф: тезис. – Тошкент, 2018 - 128-бет.

I БОБ. МЕЪМОРЧИЛИКДА ЭПИГРАФИКА

1.1. Эпиграфиканинг келиб чиқиш тарихи

Инсоният тарихида ёзув жуда қадим замонлардан бери мавжуддир. Ибтидоий жамоа даврида одамлар ўз фикрлари, хоҳиш-истакларини, бирор воқеа-ҳодиса ҳақидаги хабарни турли хил нарса-предметлар ёрдамида ифодалаганлар (етказганлар). Лекин бу ҳали ёзув ҳисобланмас эди. Маълум муддат вақт ўтганидан кейин у ёки бу фикрни билдира оладиган шартли белгилар пайдо бўлган. Бу шартли белгилардан кейин биз ёзув деб атайдиган ва маълум тизимга эга бўлган белгилар вужудга келган.

Умуман, инсоният тарихи ёзувнинг тўрт қадимий турини билади:

1. Пиктографик ёзув. Бу истилоҳ латинча «пиктус»-расм, сурат; «графо»-ёзаман қисмларидан иборат бўлиб, расм ёзув демакдир. Бу ёзувнинг дастлабки шакллари мезолит ва неолит даврида пайдо бўлган. Одамлар ўз фикрларини, ҳис-туйғуларини, хоҳиш-истакларини турли расмлар, суратлар орқали бир-бирларига етказганлар. Одамларнинг ўзи чизган бу суратлар ҳарбий юришлар, урушлар, тўқнашувлар, мажбуриятлар, ультиматумлар, севги-муҳаббат борасидаги хабарларни бир жойдан иккинчи жойга етказиш учун хизмат қилган. Ёзувнинг бу тури жуда катта ҳудудда ва узоқ муддат ишлатилган.

2. Логографик ёзув. Бу истилоҳ латинча «логос» - сўз, мантиқ ва «графо» - ёзаман сўзларидан шаклланган. Жамият ривожланишда давом этар экан, ҳар бир предмет ёки ҳар бир тушунча шу предмет ёки тушунчанинг сурати ёрдамида ифодалана бошлаган. Демак, ёзувнинг бу турида ифодаланган шакл билан ифодаланиши керак бўлган предмет ёки тушунча ўртасида мантиқий боғлиқлик мавжуддир. Шунинг учун бу ёзув логографик ёзув деб ном олган. Бу ёзувда масалан, иккита қўлнинг сурати «жангчи», «аскар» маъносини ифодалаган. Агар бир қўлда қалқон, иккинчи қўлда найза сурати бор бўлса, бу «жанг» ёки «жанг қилмоқ» сўзларини билдирган. «Кўрмоқ» феълини билдириш учун иккита қўз сурати хизмат қилган.

«Бахиллик», «очкўзлик» маъносини тимсоҳнинг сурати билдирган. Битта оёқнинг расми «қадам ташламоқ» маъносини ифодаласа, иккита оёқнинг сурати «юрмоқ», «бормоқ» маъноларига тўғри келган. Ёзувнинг бу тури идеография деб ҳам аталади.

3. Бўғин ёзуви. Эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликнинг ўрталарида ва биринчи минг йилликнинг бошларида илгариги ёзувга нисбатан қулайроқ ва соддароқ бўлган ёзув шакли шакллана бошлаган. Бу ёзувда сўзлар ҳамда айрим содда жумлалар бўғинларни билдирувчи белгилар ёрдамида ифодаланган. Шунинг учун бу ёзув бўғин ёзуви деб аталади. Ёзувнинг бу тури илгариги ёзувлардан қулайроқ бўлган, лекин унинг ҳам ўзига яраша нуқсони бўлган. У ҳам бўлса, бу ёзув асосан сўзлар бир ёки икки бўғиндангина иборат бўлган тиллар учун қулай бўлган.

4. Ҳарфий ёзув. Ёзувнинг бу турида тилдаги ҳар бир товушга биттадан ҳарф ёки белги тўғри келади. Бу тизимдаги ёзув ҳеч бир истисносиз финикийлар, сурияликлар ва фаластинликлар ижод этган сомий ёзувга бориб тақалади. Эрамиздан аввалги VI-IV асрларда Қадимги форс давлати девонхоналарида давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар оромий тилида олиб борилган ва бунда финикийлар алифбосининг оромий вариантыдан фойдаланганлар.

Бундан ташқари эроний ва Ўрта Осиёдаги Муқаддас китоб учун махсус Авесто ёзуви яратилган. Бу ёзув оромий-эроний ёзуви асосига қурилган бўлган. Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) империяси қулаганидан кейин, Ўрта Осиёдаги давлатлар, шунингдек Парфия, Хоразм давлати, Эрон ўз мустақилликларини қайта қўлга киритганлар. Эронда Сосонийлар династияси давлат тепасига келгач, ўзларининг қадимги муқаддас китоблари бўлган «Авесто»ни қайта тиклаш масалаласи кўтарилган. Маълумки, ўн икки минг мол терисига ёзилган бу китобни А.Македонский ўз юртига олиб кетган. Унинг фойдали томонларини ўз файласуфларига таништириб, сўнг уни йўқ қилиб юборган эди. Бироқ «Авесто» китоби ёзилган ёзувни ҳеч ким билмагани ва биладиганлардан ҳеч

ким ҳаёт эмаслиги сабабли, бу китобни тиклаш мумкин эмас эди. Шу сабабли эрамиздан аввалги VI-III асрларда Эронда мазкур «Авесто» ни қайта яратиш мақсадида янги ёзув ижод қиладилар ва бу ёзув тарихга «Авесто ёзуви» номи билан кирган. Кейинчалик бу ёзув паҳлавий ёзуви билан бир қаторда маҳаллий аҳоли томонидан қўллана бошлаган. Бу ёзувда тилда мавжуд бўлган қисқа ва чўзиқ унлилар грек ёзувида қандай ифодаланса, шундай ифодаланган.

Европада эса, бу ердаги тиллар учун грек ёзувининг турли вариантлари, хусусан, лотин ёзуви қўлланилган. IX-X асрдаги грек қўлёзма алифбосининг яна бир варианты славян тиллари учун мослаштирилган ва шу тариқа қадимги рус алифбоси-кириллица вужудга келган.⁶

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, **“эпиграфика”** (юнонча – ёзув) қаттиқ жисмлар тош, металл, сопол ва бошқалардаги асосан қадимий ва ўрта асрларга оид ёзувлар (битиклар)ни тўплаш, нашр этиш ва шарҳлаш билан шуғулланувчи ёрдамчи тарих фани ҳисобланади. Манбаларда эпиграфик ёдгорликлар деб қадимий битиклар назарда тутилади.

Шунингдек, қадимий туркий тилларга оид ёзма ёдгорликлар ҳам ноёб эпиграфик ёдгорликлар сирасига киради. Бу ўринда *“Ўрхун Енисей”* ёдгорликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.⁷

XVIII асрда туркий халқлар ёзувлари ҳақида дастлабки маълумотлар пайдо бўла бошлади. Лекин ёзувлар қайси халққа мансуб эканлиги муаммолигича қолаверди. Чунки бу ёзувларни ҳеч ким ўқий олмасди. 1691 йилда ўз даврининг йирик олими, Москвадаги Голландия элчихонаси аъзоларидан бири Николай Видзен Верхотур шахридан унча узоқ бўлмаган жойда номаълум алифбода ёзилган битиктошларни топди. Н.Видзеннинг бу соҳага қизиқишига Сибир вилояти бошлиғи граф И.Головин сабабчи бўлган эди. У Сибир бўйлаб саёҳат қилиб юрганида Об дарёсининг ўпирилган жойидан одам суяклари сақланган ёғоч қути, кумуш болдоқ, идишлар топади.

⁶ **ПАЛЕОГРАФИЯ** (маърузалар матни) . НАМДУ.Наманган. 2004

⁷ Н. Рахмон «Турк хоқонлиги» Тошкент, 1993 йил

Бу топилмаларни у Н.Видзенга совға қилади. Лекин бу топилмалар ва Ёзувлар қайси халққа тегишли эканлиги номаълум бўлган. Орадан 5 йил ўтгач 1696 йилда Тоболсклик бояр ўғли Семен Ремезов ҳам Сибир ерларининг ҳаритасини чизаётиб, бир пунктига Ўрхун тоши деб белги қўяди. Номаълум ёзув битилган бу тош ҳаритада чегара вазифасини ўтай бошлайди. Бундай ёзувлар ҳақида 1710 йилда асирликка тушган швед зобити офицер Филипп Иоганин Страланберг(1676-1747) тўлиқроқ (1730 йилда яратилган “Россия ва буюк татар” ҳаритаси ва “Европа ва Осиё шимолий-шарқий қисмининг тарихий географик қисми” китоби орқали) маълумот беради. Асирликда у 13 йил яшаб номаълум ёзувнинг жадвалини ҳам чизиб олади. Унингча бу Ёзувлар *рун* ёзувлари деб атала бошланди. Рун деб аталишига сабаб гот ёзувига ташқи жихатдан ўхшашлигидир. Рун - сир маъносини билдиради. Қадимги олмонларнинг рун ёзуви милодий II-III асрларда келиб чиққан. Туркий ёзувлар эса Ғарбдаги рун ёзувлари пайдо бўлгунга қадар ҳам мавжуд бўлган.⁸

1716 йил Пётр I (1672-1725) Дантсиг(ҳозирги Гданьск шаҳри. Шимолий Полша)да профессор И. Ф. Брейннинг табиёт тарихи музейини бориб кўради. Шундан сўнг олимдан бу соҳада иқтидорли киши беришни илтимос қилади. Брейн ўзининг дўсти, тиббиёт фанлари доктори немис олими Даниел Готлиб Мессершмидт(1685-1735)ни тавсия қилади. У тарих, жуғрофия, ботаника соҳасида ҳам билимдон бўлган. Орадан кўп ўтмай Д. Мессершмидт Петербургга чақирилади. Унга Сибирнинг физик тасвирини яратиш топширилади. У етти йил тинимсиз ишлади.⁴

Қадимий туркий ёдномаларнинг илк тўпловчиси ва тадқиқотчиси бўлган Ф.И. Страланберг нинг фаолияти ҳам Д. Г. Мессершмидт номи билан боғлиқ. Улар 1720 йили Тоболск шаҳрида танишади. Мессершмидт ҳукуматдан уни ҳам ўз экспедициясига киритишни илтимос қилади. Улар икки йил давомида бирга ишлашади. 1730 йилда улар Любенда “Оврўпа ва Осиёнинг шарқий ва шимолий қисмининг тарихий ҳамда жуғрофий тасвири”

⁸ Н. Рахмон «Турк хоқонлиги» Тошкент, 1993 йил

китобини нашр этдилар. Бу китоб икки олимнинг кундаликларидан иборат бўлиб, унда дунё аҳамиятига молик фикрлар баён қилинган. С. Хундан сўнг Енисей ёзувлари ҳақидаги илк мунозаралар бошланган. Бу ёзувларни шаклига қараб, гоҳ славян, гоҳ келтларга ва юнонларга нисбат берганлар. Бу назария тарафдорларининг фикрича - *“туркий халқлар Сибирнинг ерли ахолиси эмас, шунинг учун бу ёзувларнинг Туркий халқларга тегишли эканлиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас”*⁹.

1891 йилда рус олими Н. Ядринцев Унгин дарёси бўйидан яна бир битиктош топади. У фанда Унгин битиктоши деб атала бошланади. Кейинчалик Еттисувдан ҳам битиктошлар топилади. Улар шакл жихатидан Ўрхун ёзувларидан бир оз фарқ қилган.

Ёзувларни ўқиш даниялик олим В. Томсон ва россиялик олим В. Радъловлар зиммасига тушди. 1893 йил баҳорида Томсон Ўрхун дарёси бўйидан топилган ёзувларни ўқиганлиги ҳақида Дания қироллиги Фанлар академияси йиғилишида ахборот беради. Унинг бошқа халқлар ёзувини дешифровка қилиб ўқишда қўллаган тажрибаси Ўрхун ёзувларининг калитини очишда ҳам қўл келади. У ёзувлардан турли белгиларнинг қандай товуш ифодалашини билиб олгач, унга таянган ҳолда, Ўрхун ёзувларидаги бутун алифбони аниқлайди ва биринчи марта “Тангри”, “Турк” сўзларини ўқийди. Бу битиктошларнинг туркий халқларга мансублигини аниқ исботлаб беради.

Қозоғистонлик олим А.С. Омонжуловнинг фикрича, туркий алифбо мил. авв. I минг йилликда шаклланиб бўлган. 1970 йил Олма-отадан топилган (Иссикдан) ашёвий далиллар буни исботлади. Бу ердан топилган четларига туркий – руний ёзувларига ўхшаш белгилар битилган кумуш косача ҳамманинг диққатини тортади. Қазилма ашёвий далиллар жойлашган қабр мил.авв. V – IV асрларга тегишлидир. 1960 йилда Туркистон шаҳрига яқин бир жойда лойга битилган битиктош топилади. Учта белгини ҳисобга олмаганда битик Ўрхун ёзувига мансуб. Бу лой битик ўзига хос тумор

⁹ Н. Рахмон «Турк хоқонлиги» Тошкент, 1993 йил

бўлган. Хўш бу янги белгилар қайердан келди? Бу белгилар ижодкори номаълум, лекин, бу белгилар ўша давр билан шуғулланувчи олимларнинг айтишича юнон алифбосидан олинган.¹⁰

Рус олими Э.Д. Паливанов Турк – Юнон ёзувларини туркий муҳитнинг ўзида пайдо бўлганлиги ҳақидаги фикрни билдиради:

- *Қадимги Туркий ёзуви 38 ҳарфдан иборат бўлиб, 4 ҳарф унли, қолган 34 ҳарф унсиздир. Яна баъзан а – э, о – у, у – ю ҳарфлари учун бир ҳарф қўлланилган. Бу қадимги ёзув ўнгдан чапга қараб ёзилган ва сўзлар орасига икки нуқта (:) қўйилган.*

Қадимги Туркий битиктошларнинг Ўрхун ёзувида битилган йирик намуналари қуйидагилар:



1.1.Расм. Ўрхун-Енисей битиктошлари.

Тунюқуқ битиктоши иккинчи турк хоқонлигига асос солган Элтариш хоқоннинг маслаҳатчиси ва саркардаси Тунюқуққа бағишланиб, 712–716 йиллари тошга ўйиб ёзилган. Тунюқуқ бу битикни ўзи ҳаётлигида ёздирган. Битиктош Улан-Батордан 66 км. жанубий шарқидаги Баин Цокто деган жойдан топилган. Битиктошни Элизавета Клеменц 1897 йил шимолий Мўғулистон сафарига борганда топган. Тунюқуқ битиктоши Култегин ва Билга хоқон битиктошидан мазмунан фарқ қилади.¹¹

Битиктошда туркийларнинг душман қабилаларига қарши кураши, Тунюқуқнинг халқ олдидаги хизматлари хикоя қилинади.

¹⁰Н. Рахмон «Турк хоқонлиги» Тошкент, 1993 йил

¹¹ Н. Рахмон «Турк хоқонлиги» Тошкент, 1993 йил

Тунюқуқ Турк хоқонлиги Хитойга бўйсундирилган вақтда (630 – 680 йиллар) Хитойга кўчиб кетган Турк оиласида туғилган. Фақат қайси туркий уруғга мансублиги аниқланмаган. Кейинчалик турклар хитойликлардан мустақилликка эришган пайтда Элтариш қутлуғ хоқон томонига ўтиб, Билга хоқон даврида ҳам Турк хоқонлигида биринчи вазир ва ҳарбий қўмондон вазифаларида қолган. Тунюқуқ Тош ёдгорлиги Тула дарёсининг юқори оқимидан, Култегин ва Билга хоқон ёдгорликлари атрофидан топилган. Фақатгина ёдгорликнинг қайси йили ўрнатилганлиги аниқланмаган.

Култегин битиктоши Билга хоқон битиктоши билан бир вақтда пайдо бўлган. Бу битиктош мрамарга ўйилган, қалинлиги 41 см, баландлиги 3 метр 15 см, туб қисмининг қалинлиги 1 м. 24.см. Мрамар тош ўртасида бош бурчакли қалқон бор. Унга баландлиги 64 см, кенглиги 40 см. бўлган лавҳа ўйилган. Лавҳада архар сурати нақшланган. У хоқонлик тамғаси хисобланган. Орқа томонга битиктошнинг ўрнатилиш тарихи, ҳаттот ёзувида битилган. Унинг олд томонига 40 сатр, ўнг ва чап томонига 13 сатрдан ёзув битилган. Баъзи жойларида ёзув ўчиб кетган. Бу мрамартошга ёзиш ишини Юллий Тегин исмли киши бажарган.



1.2. Расм. Тунюқуқ битиги.

Билга хоқон битиги – Билга хоқон 734 йил 25 ноябрда ўз яқинлари томонидан ўлдирилади. Унинг ўғли Ичан хоқон 735 йили отасининг хотираси учун Култегин битигидан 1 км узоқликда битилади. Бу Ёзувни ҳам Билга хоқоннинг амакиси Юллий Тегин ёзган. Битиктош ағдарилиб 3 бўлакка бўлинган, шунинг учун ҳам ёзувларнинг маъноси унчалик тушунарли эмас.

Битиктош Билга хоқоннинг тахтга ўтиришидан бошланади. Битиктошда Билга хоқоннинг хоқонлик йиллари, давлатни адолатли бошқарганлиги айтилади. Битиктошнинг сўнгги мисраларида Билга хоқоннинг ўз халқига қилган насихатлари акс этган: *“халқ хоқонидан, ер-сувидан (яъни ватанидан) айрилмаса, эзгулик кўради, бахтли, беташвиш яшайди”*.

Билга хоқон битиктошини ҳам Хитой усталари ўрнатган. Битиктош охирида эса унинг муаллифи Юллик Тегиннинг исми келтирилади:

“Турк Билга хоқоннинг сўзларини бу тош устига мен ёздим, Хоқоннинг жияни мен Юллик Тегин, бир ой 4 кун ўтириб ёздим...”

Хоқоннинг вафоти санаси битиктошда қуйидагича кўрсатилган: *“Отам хоқон ит йили учинчи ойнинг йигирма олтисида вафот этди. Тўнғиз йили бешинчи ойнинг йигирма эттисида дафн маросимини қилдирдим”*. Бу ит йили 734 йилга тўғри келса керак.¹²




1.3. Расм. Билга хоқон битиктоши.

Қадимги туркий ёзувлар тарқалган ўлкалар орасида Ўзбекистон ҳудудларининг ҳам алоҳида ўрнига эга эканлиги қатор топилмалар орасида исботланмоқда. Масалан, Фарғона водийсидаги *Исфара*дан топилган туркий битик, А.Н. Бернштам эълон қилган Фарғона туркий битиги, *Қува*да топилган хум сиртидаги туркий битик, С.Т. Кляшторний ўқиган Фарғонадан топилган бронза узугига ёзилган битик ва бошқалар бу фикрни тасдиқлайди.

¹² Н. Рахмон «Турк хоқонлиги» Тошкент, 1993 йил

Тадқиқотлар Ўзбекистон ҳудудида янги туркий битиклар топилишига олиб келмоқда. 1986 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институти томонидан Андижон вилоятининг Марҳамат туманида жойлашган *Лунбитапа ёдгорлиги*да қазилар ишлари бошланган эди. Бу ёдгорлик майдони 60х90 метр, баландлиги 8 метр келадиган тепа бўлиб, V–VIII асрларга оид бўлган мустаҳкамланган қўрғон эди. Бу ёдгорликда кўплаб ашёвий далиллар катори қадимги туркий ёзувига дахлдор муҳим обида топилди. Бу обида бўйи 20 см.дан сал ортиқроқ, қорин қисмининг кенг нуктаси 16 – 17 см, бўйин қисми тор хумча бўлиб, унинг оғзи лабидан елкасига бирлашувчи бир ёклама ушлагич банди бор. Унинг банди сиртига пастдан юқорига йўналган қадимий туркий битик ўйиб туширилган.

Битик идиш хумдонда пиширилишидан олдин битилган. Бу хумча ёдгорликнинг VI–VII асрларга оид қатламидан чиққан. Хумча боғида қуйидаги ёзув мавжуд:



1.4. Расм. V-VIII асрларга тегишли хумча белбоғидаги ёзув.

Андижон вилояти.

Бу ердаги биринчи ва олтинчи ҳарфлар “к” ҳарфини ифодалар экан. Ҳар икки ўринда ҳам ҳарфлар Ўрхун - Енисей ёдгорликларидагига қараганда бир оз фарқлидир. Буни биз бу ёзув мутахассис бўлмаган бир қизиқувчан киши томонидан ёзилган бўлиши мумкин деб изоҳлаймиз. Тўртинчи ҳарф “м” деб ўқилган. Тунюқуқ битиктошида шу ҳарфни бирлаштирувчи чизиғи тўғри ёзилган бўлса, бу ерда қиялатиб ёзилган. Қолган ҳарфлар номланиши қуйидагича: “к, и, а, м, и, к, ч”. Турк хатининг товушлар уйғунлиги (сингармонизм) қонунига мослашганлиги, бу эрда сўзларнинг қаттиқ ёки юмшоқ ўзакли эканлигини аниқлашга имкон беради. Шунга асосан фикр юритадиган бўлсак, биринчи сўз юмшоқ ўзаклидир, чунки у “к” товуши

билан келган. Туркий сўзларда биламизки, икки унли ёнма-ён келмайди. Демак, сўз чегараси ҳам шу ерда бўлади: “и” биринчи сўзга, “а” ҳарфи иккинчи сўзга тааллуқли бўлади. Бешинчи белги “и” қаттиқ (вариантини) ундан кейинги белги эса юмшоқ “к” ни ифодалайди. “и” олдинги, “к” эса охириги сўзга тегишлидир. Шундан келиб чиқиб битикни уч сўзга ажратиш мумкин: Ўртадаги қаттиқ, икки ёндагиси эса юмшоқ ўзакли сўзлардир. Энди сўзларни ўқиб чиқишга ҳаракат қиламиз: 1 ва 2-ҳарфи биринчи сўзга бирлашади, уларнинг олдида қадимий туркий имло қондасига кўра тушириб қолдирган юмшоқ “Е” товушини кўшсак, “ёки” - деб ўқиш мумкин бўлади. Қадимги туркий талаффузда икки сўзи *ки* тарзида ишлатилган. Ҳарфларнинг иккинчи гуруҳини (а, м, н) “*амин*” - деб ўқиш мумкин. В.Радловнинг туркий лахжалар бўйича луғатида бу сўзга “*яшамоқ, турмоқ, туриш, ҳаёт, макон*” дея таъриф берилган.

XIX аср 70 - йилларида Британия шарқшуноси А.Сейс қадимги шарқда фақат иккита Оссурий - Бобил ва Миср маданияти ва ёзуви ҳам бўлибгина қолмай, қадимда ўзига хос цивилизацияга эга бўлган бу халқни *Хеттлар* деб атаган эди. Бироқ унинг баёнотида совуқ муносабатда бўлганлар, А.Сейсга эса “*хеттлар ихтирочиси*” деган лақаб белганлар.

“Хетт” халқининг номи инжилда ҳам келтирган. Унда, жумладан : “Иброҳим давридаёқ хеттлар Хананни эгаллаган”, дейилган. Бироқ XVIII охири XIX аср олимлари тарихий маълумотлар манбаи сифатидаги инжилга ишончсизлик билан қараганликлари бу далилга жиддий муносабатда бўлишга ҳалақит берган, ҳолбуки қадимги шарқ айна шу вақт чинакамига кашф этилган. Бу даврда археология ва тилшунослик жадал ривожланган. Иероглифлар ва миххатлар ўқилган, изоҳлаб берилган.¹³

Янги ёзувга эътибор беришга мажбур қилган биринчи топилма *Ҳама тошлари* бўлган. Бу тошлар жами тўртта бўлиб, Суриянинг Ҳама шаҳридаги бозордан топилган. Тошларнинг учтаси деворга ўрнатилган, тўртинчиси эса майдонда ётган экан. Майдон марказидан топилган тўртинчи тош

¹³ В. Дравчук “Ёзувлар ўтмиш сирлари шохиди” Тошкент 1970й.

“шифобахш” кучга эга бўлганлиги айтиб ўтилган, бод касалидан азоб чекувчи киши унинг устига бироз чўзилиб ётса, “бир зумда соғайиб кетаркан”.

Қисқа вақт ичида Олд Осиёнинг бир-биридан узоқ масофадаги турли жойларидан яна хетт ёзма ёдгорликлари топилади. Бу А.Сейсга хеттлар олимлар ўйлаганидек кам сонли Шимолий Сурия қабилалари бўлмай, катта халқ бўлган, деган хулоса чиқаришга ёрдам берган.

1900 йил юзлаб номни ўз ичига олган хетт ёзувлари руйхати нашр этилган. Қадимги Шарқда учинчи буюк далаат бўлганлиги ҳақидаги фикрни тасдиқловчи бошқа ишончли далиллардан бири сифатида аввало Миср фиръавнлари архивларида сақлаётган мактубни кўрсатиш мумкин, бу хеттлар подшоси Суппилулиумнинг мактубидир. Мактубда хетталар подшоси Миср фиръавни Аменхотопнинг тахтга ўтирганлигини маълумот учун қабул қилганлиги айтилган. Мактуб ҳушмуомалалик ва ифтихор билан ёзилган. Мавқеи тенг кишигина шундай ёзиши мумкин эди. Рамзес II нинг хеттлар ҳукмдори устидан “ғалаба” қозониши муносабати билан унинг номига айтилган мадҳиялар ҳам Хеттлар қудратли ва дахшатли рақиб бўлганлигидан дарак беради. Бироқ бу қандай халқ бўлган? Қачон пайдо бўлган, қайси тилда сўзлашган, қандай сиёсий ва иқтисодий тизимга эга бўлган? Бу саволарнинг ҳаммасига жавоб бериш керак эди.¹⁴

Рус олими Б. Грозний биринчи жаҳон уруши олдида Хетт миҳхатидан нусха кўчириш билан шуғулланади. Олим ишни хетт қонунлари ёзлган текстларни изоҳлашдан бошлаган. Қонунларнинг параграфларида жумлаларнинг тузилиши бир тартибда бўлган : *“агар кимда – ким шундай – шундай қилса, у шундай тўлайди”*. Олим тилнинг грамматик тузилишини жуда тез ўзлаштирган. Унинг Олд Осиёдаги кўпгина қадимий тиллар сингари, *сомий тили* бўлмай, *хинд-европа тили* бўлиб чиқиши олимни таажублантиради, бир сўзнинг ўзгариб бориши, яъни турловчи қўшимчанинг

¹⁴<http://library.ziyounet.uz/uploads/books/652/5b14d43519f5f.pdf>

алмашиб туриши аниқ билиниб туради, сўзлар турланишининг бутун системаси, гарчи аккад сўзлари ва сўз бирликлари кўп бўлсада, бунинг хинд – европа тили эканлигидан далолат беради.

1.2. Меъморчиликда эпиграфика

Меъморчилик санъатига эпиграфиканинг кириб келиши антик даврларда бошланган бўлиб, қадимги Рим ва Юнонистонда лотин ёзувида бажарилган. Лотин ёзуви дунёдаги энг қадимги ёзувлардан бири ва мил. авв. VII – VI асрларда тўлиқ шакллана бошлаган. Дастлабки даврларда қоғознинг етишмаслиги туфайли асосан сопол, тахтача, тошларга ва металллар сиртига ёзганлар. Шу жумладан, лотин ёзувлари ҳам пайдо бўлганидан то узоқ вақтларгача қаттиқ буюмларга ёзилган.

Бизгача етиб келган энг кўп эпиграфик ёдгорликлар бу қабртошлардир. Император Август шарафига ёзилган ёзув ҳам бизгача етиб келган. Бундай ёзувларни яна кўрғошин ёки бронза лавхаларга ёзиш мумкин бўлган. Бундай материалларга ҳарф (белги)лар ўткир кескич билан ёзилган. Римда кундалик ёзувлар учун юзига мум суртилган тахталалардан фойдаланилган. Мум қатламига ўткир учли чўп «стиль» билан ёзилган. Ёзув ўз вазифасини ўтаб бўлгач, «стиль» нинг тўмтоқ учи билан мум қатлами текисланган ва зарур пайтда яна ёзилган. Римликлар бундай тахталаларни даста-дастаси билан белларига боғлаб юришган, бинобарин, уларда дафтарча вазифасини ўтаган. Ҳарфларни қамишдан ясалган учли перо билан, VI асрдан бошлаб эса қуш патидан ясалган қалам (перо) билан тирнаб ёзиш мумкин бўлган. Бу хилдаги «перо» (қалам) дан узоқ вақтгача фойдаланилган, ўтган асрдагина унинг ўрнини металл перо эгаллаган.

Бундай ёзувлар аста–секинлик билан меъморий обидаларда ҳам қўлланила бошланган. Ибодатхоналар, саройлар, ҳокимият биноларида бино қурилишига оид маълумотлар, буйук шахсларнинг исмлари тош панноларга ўйиб туширила бошланган. Ана шундай лавха ёзувларида исмдан кейин албатта ўша шахснинг уруғи номи ва вазифаси кўрсатилган. Кўпгина

холларда римликлар мансабларни ўзлари тушунадиган холда қисқартириб ёзганлар. Шунинг учун бу тур ёзувларни ўқиш анча қийинчиликларни туғдиради. Ёзувлардаги мансаблар бизга ўша шахс ҳақида, шахснинг қайси табақага оид эканлиги ҳақида тўлиқроқ маълумот беради. Умуман латин эпиграфикасининг вазифаси лавҳалардаги қисқартирилган ёзувларни тўлалигича ўқишдан иборатдир.

Масалан, республика давридаги сенаторнинг исми ва мансабини кўриб чиқамиз:

«Гаи Мари, Гаининг ўғли, еттинчи бор консул бўлди, претор, халқ трибуни, квестор, авгур, Ҳарбий трибун».

Бу ёзувда машҳур саркарда Гаи Марии ҳақида сўз боради, унинг еттинчи консуллиги бор-йўғи бир неча кун давом этган холос. У мил. авв. 86 йил январда вафот этган. Император давридаги сенатор исми ва унвонлари ҳақида қуйидагича ёзув мавжуд:

«Луций Дасуми Тулли Туск, Публиининг ўғли, Стелатина воҳасидан, Август маслахатчиси, авгур, жамоат ишлари раҳбари, Юқори Германия ва Юқори Паннония претори ходими, давлат хазиначиси Африка провинцияси ҳукмдори ҳузуридаги ходим, император Антони Август Пий Квестори. Тўртинчи Флавий легиони Ҳарбий трибуни, олтин, кумуш ва мис тангалар зарб қилдирган.»

Бу ёзув 161 йили император Антони Пий шарафига ёзилган. Императорлар исми ва унвонлари ёзилган лавҳалар ҳам қизиқарлидир. Императорлар исмлари ёзилганда анъанавий исм унвон «Император Цезарь Август» қўшиб ёзилган. Лавҳаларда ушбу император халқ трибуни ва консуллигига нечанчи маротаба сайланганлиги кўрсатилган. Бундай маълумотлар император унвонларини аниқ белгилашга хизмат қилади. Император унвонини ёзишда фахрий «Ватан отаси» унвони қўшиб ёзилган. Бундай фахрий унвонлар асрдан – асрга ўтиб келган. Юлий Клавдий оиласи императорлари фақат Германия лақаби билан ёзилган. Император Граян (98-

117) эса Германча, Данияча ва Парфияча лақаблар билан эслатилган. Диоклетианда эса (-284 – 305) бундай лақаблар ўнлаб бўлган.

Император вафот этгандан кейин - divus (илоий) унвонини олганлар, ўлдирилган императорлар хурмат ва эхтиром билан тилга олинганда, илохий деган унвон берилмаган.

Энг оддий ва қисқа унвон Октавиан Августда бўлган:

«Император Цезарь Август, илохий ўғил (Юлий Цезарнинг), 11 марта консул, 8 марта император, халқ трибуни 6753 йил»

Бу ёзув мил. авв. 23 йили император Август 11 марта консулика ва 8-март император лавозимига сайланганда 1 июль куни 1-март халқ трибуни лавозимига сайланганда ёзилган.

Миср ёзуви асоси эътибори билан идеографик хат бўлиб, унда ҳар бир тушунча муайян тасвир белги иероглиф билан ифодаланади. —Иероглиф юнонча сўз бўлиб, луғавий маъноси **“Муқаддас белги”**.

Миср ёзуви системасида уч хил белги ажралиб туради:

1. Хис туйғу билан идрок этиладиган нарсаларни тасвирловчи идеограммалар. Бунда бирор сўзни ифодалаш учун айнан шу сўзни ифодаловчи буюм ёки предметнинг ўзини расми чизилади.
2. Хис туйғу билан идрок этиладиган ҳаракатлар. Бунда бирор ҳаракатни белгиларда ифодаламоқ учун айнан ўша ҳаракат расми чизилади. Масалан, —учмоқ сўзини ифодалаш учун, кушнинг қанот қоқиб кетаётган расми чизилади, —йиғламоқ сўзини ифодалаш учун, кўз ва кўздан ёш оқаётганлиги тасвири туширилади ва хоказо.
3. Мавхум тушунчаларни тасвирий йул билан ифодалаш. Масалан, —кексалик сўзини ифодалаш учун, одамнинг хассага суянган расмидан фойдаланишган, —топмоқ сўзини ифодалаш учун эса лайлакнинг энгашган холда, тумшуғида қандайдир нарсани ушлаб турган холатидан фойдаланилган ва хоказо.

Юқорида айтиб ўтилган **“детерминативлар”** ёки **“очқич белгилар”**, гарчи талаффуз этилмаган бўлсада жуда катта аҳамиятга молик деб

хисобланган. Улар битта белги билан ифодаланган омонимларни бир - биридан фарқлашга хизмат қилган. Миср белгиларининг аксарият кўпчилиги детерминативга эга. Масалан, жинс детерминативи : эркак кишининг исмидан кейин эркак билан боғлиқ бўлган ифодадан сўнг ўтирган эркакни тасвирловчи белги ва аксинча, аёл киши исмидан кейин ёки алоқадор ифода охирида аёлни тасвирловчи белги қўйилган. Мамлакатлар детерминативи – катталиги чекланган бир парча ер, вақт детерминативи – қуёш гардиши, иш ҳаракатлар детерминативи - бирон юмуш билан боғлиқ қўл, мавхум тушунчаларники – қўлёзма ўрами билан ифодаланган.

Исм ва номлар **“ребус”** услубида ёзилган, бироқ бу ёзувларда унли товушлар йўқ. Мисрликлар тилида бир ундош ва унлилардан таркиб топган бир бўғинли сўзлар бўлган, лекин унли товуш ёзувда кўрсатилмаганлиги сабабли, бир бўғинли сўзлар ҳарфга ўхшаш шаклда ёзилган. Юқорида биз Миср ёзувини иероглиф деб атадик. Аслини олганда бундай дейиш тўғри эмас, ёзув тушунчасининг маъноси кенгрок. Гап шундаки Мисрликлар уч хил: **иероглиф**, **иератик** ва **демотик** ёзувлардан фойдаланганлар.

Иероглифика ёзуви асосан хашаматли ёдгорликларда қўлланилган. Иератика (ёки китоб) ёзуви белгиларининг оддийлиги билан ажарлиб туради; бу ёзув ўзининг расмлик хусусиятини бироз йўқотган. Иератика белгилари папирус қоғозига тушириш жараёнида шакланган ва дунёвий китоблар ҳамда хат-хабарлар учун қўлланилган.

Демотика Юнонча —демос| сўзидан олинган бўлиб, халқчил маъносида ёки тезхат. Бу хат белгиларнинг шаклини тобора содда-лаштириш жараёнида мил. авв. VII асрда шаклланди.

Бизга маълумки, Миср дунёнинг энг қадимги маданият ўчоқларидан биридир. Бу ерда мил.авв. IV мингйилликда давлатлар пайдо бўлган. Мил.авв. III минг йилликда бу ерда фиръавнлар мақбаралари – эҳромлар қурила бошлаган. Ана шу эҳромлар ичида тошларга ўйилган ёзувлар мавжуд.

Бундан 3,5 минг йил аввал, яъни мил.авв. XVI асрда Нил бўйидаги буюк мамлакатда Хатшепсут исмли фиръавн аёл ҳукмроллик қилган. Унинг

гўзал сиймоси Карноқдаги Дайр-ал-Бахри эхромида ҳам акс этган. Эхром унинг макбараси бўлиши керак эди. Шунинг учун ҳам унга катта эътибор берилган. Унинг айвони хушбуй Мирра дарахтидан ишланган. Мисрда эса бундай дарахт бўлмаган. Шу каби, бошқа дарахтларни, қимматбаҳо махсулотлар ва олтин олиб келиш учун Хатшепсут беш кемадан иборат савдо экспедициясини ташкил этади. Карвон денгиз ортидаги Пунт мамлакатига йул олади ва зафар билан қайтади. Бундай юришларнинг ҳар қадами ҳақида эхромнинг деворида ёзувлар ва суръатлар мавжуд.

Улардан биридаги иероглиф бундай хикоя қилади:

—Кемалар Пунт мамлакатининг ажойиб нарсалари турли ўсимликлар, мирра ва обнус дарахтлари, фил тишлари, тоза олтин ва бошқа нарсалар билан тўлдирилади.

Рус олими В. С. Голенищев 1888-89 йилнинг қишида Мисрда саёҳат қилади. Мана шу саёҳат давомида у мил. авв. 3 минг йиллик охирига оид Ахмимдаги ёзма ва тасвир ёдгорликлари ҳақида тадқиқот олиб боради. Унинг у ерда олиб борган тадқиқотларидан ёдгорлик сифатида олиб келган ёдгорлик буюмлари 1911 йилдан буён А.С. Пушкин музейида сақланади. Бу қуйи Мисрдан топилган ёдгорлик асосан бир ҳарбий раҳбарнинг қабр тошидаги ёзувлар ҳақидадир. Бу қабр тош тахтадан тайёрлаган қалинлиги 2 мм дан 3,5 мм гача, эни 10-20 см гача, баъзи жойлари 30-60 см. тахта ёдгорликнинг узунлиги 1м 80 см. қабр тош чўл юлғунидан тайёрланган. Шу юлғундан алоҳида тахта михлар ҳозирланган ва шу михлар ёрдамида қабр тош деворига қоқилган. Тахтадаги ёзув иероглифлар ва зангори рангда берилган. Олим тахтачани текшираётиб бир сўзни ифодаловчи икки хил иероглифга эътибор берган. Яъни қадимги Миср омочини икки шакли айна бир сўз —севмоқ¹ ни ифодалаган. Биз юқорида айтганимиздек Мисрда уч хил ёзув бўлган. *Иероглиф, демотик, иератик*. Ана шу мисол ёзув уч турининг исботидир. Тахтада жангчи сўзи қурол ушлаб турган одам қиёфасида берилган. Ҳарбий бошлиқ эса қурол ушлаб юриб кетаётган жангчи сифатида кўрсатилган.



1.5. Расм. Дайр-ал-Бахри эхромни иероглифлар.

1798-99 йиллари Наполеон Банопарт Мисрга экспедиция уюштилади. Ана шу экспедиция даврида жажон аҳамиятига молик воқеа руй берди. 1799 йил 2 августда французлар инглизларнинг денгиз томонидан бўлаётган хужумини даф этиб, сохилни қўлда сақлаб қолдилар. Розеттадан етти мил наридан Қадимий Рашид қалъасини химоя қилаётган аскарлар ҳандак казиётиб, аллақандай ёзувлар битилган қоп - қора тошни топиб олганлар. Маълумки, Наполеон армиясда бирмунча маълумотли кишилар тўпланган эди. Силлиқланган бу қора базальт тоши устига ёзувлар битилган экан. Силлиқланган бу қора базальт тошидаги ёзувлар уч тилда ёзилган-лигини зобитлар бир назар ташлашдаёф фахмлаб олганлар. Уч тўрт сатрлик юқоридаги ёзув иероглифдан иборат ; Анча яхши сақланган ўртадаги ёзувни офицерлар Сурия ёзувига ўхшатганлар (лекин бу ёзув Миср демотика ёзувининг бир тури бўлиб чиққан); Пастки ёзувнинг эски усулдаги ҳарфлар юнон ҳарфлар билан ёзилган юнон хати эканлигини зобитлар ўша захотиёқ аниқлашган.

Олимларнинг орзулари ушалди. Ахир улар иероглифларни ўқишга узок йиллар уриндилар ва нихоят билингда —икки тилдаги|| ёзув; иероглиф ва европаликларга тушунарли тилдаги ёзув топилсагина бу соҳада муваффақиятга қозониш мумкин, деган хулосага келдилар. Бу ерда эса бир йул, —Уч тилдаги ёзув|| - трилингва топилди. Розетта тоши дастлаб Қохирага

жўнатилди, кейинчалик Мисрда Франциянинг мағлубиятидан кейин Британия музейига келиб қолган.

Қадимги замонларда Мисрдан Римга сиртига иероглифлар чизилган ёдгорлик тошлар олиб келишган. XVII асрда иезуит А. Кирхер ана шу тошларни ўрганишга киришган. У қанчалик қаттиқ уринмасин Миср иероглифларини ўқий олмайди. У қадимги Миср тилидан келиб чиққан копт тилини билмасдан туриб иероглифларни ўқиб бўлмайди деган хулоса чиқаради.

Розетта тоши топилгандан кейин француз шарқшуноси С.де Саси бу ёзувлар устида жуда кўп бош қотирган. У дастлаб демотик текстни чуқур ўрганиб чиқиб, юнонча текстдаги Птоломе Епифан, Александр ва бошқа исмларига тўғри келадиган белги группалари борлигини аниқлаган. Лекин, барибир, у иероглифларни ўқий олмаган ва ошкора сурагда: —муаммо нихоятда чигал ва уни илмий жихатдан ечиб бўлмайди! деган. Лекин у ўз тахлилларини швед археологи, келт тилини билимдони Д. Окерبلادга жўнатади. У демотик текстни юнонларга оид қисмидаги барча атоқли отларни мустақил равишда таниб - билиш ва ўқишга муяссар бўлди, шу билан бирга айрим Мисрча сўзларни (ибодатхона, юнонлар ва бошқаларни) ҳам ўқий олган. Бироқ с.де Саси ҳам, Окберлад ҳам Миср тилида унли товушлар тушиб қолишини ҳисобга олмаганлар.

Шундан кейин Миср ёзувини ўқишни инглиз олими Т. Юнг давом эттирди. У демотик ёзув иероглифларнинг ёзиладиган варианты эканлигини исботлаб берди. Т. Юнг иероглифлар жумбоғни демотик ёзув ёрдамида ечиш мумкин деган хулосага келган ва 70 дан ошиқ иероглиф ёки иероглиф гурухларининг маъносини аниқлашга муваффақ бўлган. У текстдан Птоломей ва малика Береникаларнинг исмларини излаб топган.

Лекин олим демотик ёзувда ҳам, иероглифда ҳам фонетик белги бўлмаган деган нотўғри йулга тушиб қолади ва ишини охирига етказа олмайди.

Кейинчалик Миср иероглифларининг ўқиб чиқиш француз олими Ж.Шампольонга насиб бўлди. У узоқ изланишлардан кейин 1821 йил 23 декабрда айти туғилган куни олимнинг миясига Розетта тошидаги иероглиф белгилари билан юнонча текстдаги сўзларни санаб чиқиш фикри келади. Ёш олим узоқ изланишлардан кейин Мисрда учинчи ёзув тили – иератик ҳам бўланлигини исботлайди. Бунгача олимлар Мисрда икки хил ёхув бўлган деб хисоблаб келар эдилар.

Ёш олим иероглифларни санаб кўриб ҳайратда қолади:

486 та юнонча сўзга 1419 та иероглиф тўғри келади. Иероглиф ёзувида эса 166 та белги. Ана шундан кейин Х. Шампольон иероглифлар фақат белги сўзлардангина, идеограммаларгина бўлмай, улар товуш ҳам эканлигига ишонч ҳосил қилади. У ишни бошлаб юборади. Дастлаб матндаги подшоҳ Птоломей Елифанни ўқийди. Тошда подшо исми рамка картуша ичига олинган бир неча белгидан иборат эди. Бу ерда саккизта белги бўлиб, унда подшо исми ёзилган эди. Лекин бунга далил керак эди. Ўша йиллари топилган —Фале ёдгорлиги¹ деган осори атиқа топилиб, унда икки хил – иероглиф ва юнонча ёзув ёзилган эди. Бу билингвада Розетта тошидагидек подшо Птоломей исми Картуша ичига олинганди.

Рус олими В. С. Голенищев 1888-89 йилнинг қишида Мисрда саёхат қилади. Мана шу саёхат давомида у мил. авв. 3 минг йиллик охирига оид Ахмимдаги ёзма ва тасвир ёдгорликлари ҳақида тадқиқот олиб боради. Унинг у ерда олиб борган тадқиқотларидан ёдгорлик сифатида олиб келган ёдгорлик буюмлари 1911 йилдан буён А.С. Пушкин музейида сақланади. Бу қуйи Мисрдан топилган ёдгорлик асосан бир ҳарбий раҳбарнинг қабр тошидаги ёзувлар ҳақидадир. Бу қабр тош тахтадан тайёрлаган қалинлиги 2 мм дан 3,5 мм гача, эни 10-20 см гача, баъзи жойлари 30-60 см. тахта ёдгорликнинг узунлиги 1м 80 см. қабр тош чўл юлғунидан тайёрланган. Шу юлғундан алоҳида тахта михлар ҳозирланган ва шу михлар ёрдамида қабр тош деворига қоқилган. Тахтадаги ёзув иероглифлар ва зангори рангда берилган. Олим тахтани текшира-ётиб бир сўзни ифодаловчи икки хил

иероглифга эътибор берган. Яъни қадимги Миср омочини икки шакли айна бир сўз —*севмоқ* ни ифодалаган. Биз юқорида айтганимиздек Мисрда уч хил ёзув бўлган. *Иероглиф, демотик, иератик*. Ана шу мисол ёзув уч турининг исботидир. Тахтачада жангчи сўзи қурол ушлаб турган одам киёфасида берилган. Ҳарбий бошлиқ эса қурол ушлаб юриб кетаётган жангчи сифатида кўрсатилган.

Энди Ахмимдаги қабртош ҳақида. Қабртош тахтачанинг қопқоғи — бу тахтача ҳар бири қалинлиги 3 мм бўлган кёдр фанеридан тайёрланган. Қопқочани узунлиги 196,5 см, эни 44,7 см, қалинлиги 7,8 см. бу тахтача яхши сақланган бўлиб, ёзув остидан ва устидан оқ чизиклар тортилган. Бу оқ чизикнинг ёзувдан узоклиги 0,9 см дир. Иероглиф қаторнинг баландлиги эса 7 см. қабр тошидаги ёзувлар қуйидагилардир.

—*Подшо ва Анубис, Ср.Хокими худо ибодатхонасига бошчилик қилувчи, илтифот қилувчи ва чақирувчи, дунёга ажойиб бир хокимлик қилиш учун жўнатилган, қабристонда ўзининг мақбараси бор, у худонинг олдида ҳақиқий подшоҳ, осмон хокими.*‖

Кўндаланг кесилган тахта фрагментнинг кенглиги 4,5 см, баландлиги (қанчалик сақланиб қолган бўлса шунча) 29,8 см қалинлиги тахминан 5 см, охири емирилган бўлиб 3,2 см ташкил этади. Фанерларнинг қалинлиги 1,2-3,5 мм ни ташкил этади. Тахтачанинг охридан бошига қараб 45 градусда емирилган. Ўнг ён бошдаги тахтачанинг узунлиги 196,5 см, баландлиги 52,5 см, қалинлиги (фанерасиз) — 5,2 см. бу тахтачанинг охиридан бошлаб ичкарисигача 45 градус емирилган. Ёзувнинг остки ва устки қисмида 1 см қалинликда оқ чизик ортилган. Иероглифлик қаторнинг баландлиги 6,7-7 см. тахтача икки қаторли ёзувлардан иборат :

Биринчи қаторда:

—*Подшо ва Анубис, ўзининг богида жойлашган, ибодатхона-лар мамлакат хокими, илтифотли ва хайр эхсонли, худонинг ҳақиқий ва буюк дўст и, осмон хокими, сағанаси қабрдадир*‖

Иккинчи қаторда:

—Фиръавн ва Аноубис, худо ибодатхонасининг хокими, унга хайр эхсонлар булсинким, у қабрда Куйи Миср подшоосининг ягона дўст и, ота онасини жондан севувчи, Ҳарбий бошлиқ ётибди.

Демак, бу қабр тош Миср фиръавни ҳарбий қўмондони Аноубисга тегишлидир. Ёдгорлик аслида ўтган аср охирида В.С. Голенишев томонидан юқори Мисрдан, яъни Ахмимдан топилган ва ҳозирда А.С. Пушкин номли давлат санъат музейида сақланмоқда. Бу ёдгорлик орқали биз Ҳарбий қўмондонлар ҳам юксак мавқега эга бўлганлигини билиб оламиз. Қабртош мил.авв. III минг йиллик охирига, яъни биринчи ўтиш даврига мансубдир.

1.3. Марказий Осиё меъморчилиги эпиграфикаси

Марказий Осиё меъморчилигида эпиграфиканинг қўлланилиши бевосита Ислом динига боғлиқ. Араблар истилоси ва ҳукмронлиги ватанимиз ҳудудида яккахудолик ғояси, илғор ижтимоий-сиёсий, фалсафий қарашларни ўзида мужассам этган ислом дини ва таълимотининг ўлкамизда аста-секин илдиз отиб бориши улуғ аجدодларимиз ҳаёти ва тафаккурида катта аҳамиятга эга бўлди. Бутун араб дунёсини бирлаштириш, унинг маънавий қудратини кучайтиришда етакчи омил ролини ўйнаган ислом дини ва унинг муқаддас китоби - «Қуръони Карим» ғоялари ва оятларининг маҳаллий халқларнинг онги, шуурига сингиб, уларнинг турмуш ва фикрлаш тарзининг ажралмас қисмига айланиб бориши, шубҳасиз, уларнинг маънавий оламига сезиларли ҳаётбахш таъсир кўрсатди ҳамда юксак моддий ва маънавий маданият намуналарини ижод қилиб боришларида янги уфқлар очиб берди. Ислом дини ва мусулмончилик тамойилларининг Ўрта Осиё ҳудудида тарқалиши, чуқур илдиз отиши баробарида ўлкамиз халқлари кенг мусулмон олами билан туташиб, унинг бой диний ва дунёвий маданияти, илм-у урфони билан яқиндан ошно бўлиб борди. Айни чоғда, азалдан илм-у маърифат ўчоғи бўлиб келган кўҳна юртимиз бағридан бу даврда жаҳонга доврўф солган, дунё маданияти ва сивилизатсияси хазинасига салмоқли ҳисса

кўшган кўплаб номдор алломалар, буюк муҳаддис олиму уламолар етишиб чиқди. Бу даврларда ҳаттотлик халқ санъатининг муҳим ва кенг тарқалган соҳаларидан бирига айланган. Ҳали китоб босиш кашф этилмаганлиги, кўлёзма китоблардан нусхалар хаттотлар томонидан фақат кўлда кўчирилиши туфайли хаттотлик санъати анча ривож топган. Турли услубда хуснихат билан битилган хаттотлик намуналари меъморий нақшларда ҳам ҳаётий мазмун ва эстетик завқ берувчи безак сифатида ишлатилган.

Аммо меъморий иншоот, макбара ёхуд уй-рўзғор буюмларидаги хат фақат матнгина бўлиб қолмай, балки ёдгорлик учун хос зийнат ҳам ҳисобланади. Улардаги ҳикматлар ёрқин тимсол ўлароқ ёдгорликни музайян этиб, кишида ўзига хос кайфият пайдо қилади ҳамда ҳар бир обидага бўлган эҳтиромни янада оширади. Бунда турли шакл ва услубдаги ёзувларга дуч келар эканмиз, уларнинг ёдгорлик безакларига ҳамонанг тарзда уйғунлашиб, нақш ва матн оралиғидаги ҳолатни ҳосил қилганини кўришимиз мумкин. Хаттотлар ёзувни бинонинг беағига айлантиришга интилган. Айнан шунинг учун ҳам бу ёзувларни ўқиш анчагина мураккабликни келтириб чиқаради. Мусаввирга наботий ёзувлардан бири асосида вужудга келган араб алифбосида ёзиш услуби шундай имконият яратиб берган. Бу ёзувнинг фазилати – ундаги ҳарф ёки унинг унсурлари тик, чўзиқ шакллардан иборат эканлигидадир. Шу боис бу ёзувлар ўта нафис бўлиб, ўз шаклини осон ўзгартирган. Диакритик (ҳаракатли) нуқталар ва бошқа (қисқа унлини ифодаловчи) белгилар ҳам ёзувнинг нақш хусусиятини ўта жозибадор даражага етказиш имконини берган.

Мусулмон оламининг ёзув санъати тараққиётига Ўрта Осиёлик мусаввир, хаттот ва усталар ҳам алоҳида ҳисса қўшишган. Ислом оламининг монументал ва майда нафис эпиграфикасида Марокаш, Қоҳира, Қуртуба (Кордоба) ва арабистонга хос услублар қаторида Самарқанд, Бухоро, Ҳирот, Хоразм, Тошкент, Қўқон услублари ҳам кенг маънода шуҳрат топди.¹⁵

¹⁵ O'zbekiston obidalaridagi bitiklar. Birinchi kitob Toshkent — 2011.

Қуйида меъморчиликда қўлланилган хаттотлик хат турлари ва бошқа хат турларига батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

28 ҳарфдан иборат бўлган араб алифбосининг дастлабки шакли “*Хатти маъқалий*” деб аталган. Маъқалий хати куфий хатигача бўлган қадимий ёзувлардан бўлиб, унинг ҳарфлари бутунлай текис – ёйиқ, тик чизиқлар билан ифодаланган бўлиб, ҳеч бир ҳарфида думалоқ шакл бўлмаганлиги билан куфий хатидан ажралиб туради. Бу хатни “маъқалий” дейилишига сабаб шуки, милодий 623 йилда да шу ном билан аталувчи икки шахс яшаган – бири Маккада Маъқал ибн Синон ал-Асжий, иккинчиси Басрада Маъқал ибн Ясор ал-Музанийларнинг бирига нисбат берилганлигини билдиради. Аммо мазкур хат узоқ истеъмолда бўлмаган, шуҳрат қозона олмаган. VII асрдан бошлаб унинг ўрнини араб ёзувининг энг қадимийси ва энг машҳури хисобланган хатти куфий эгаллайди.

الكوفي - Куфий хати. Араблар фатҳ қилинган ерлардаги девонларни араблаштирув ва тартибга солишдан аввал барча мусулмонлар учун ўқишга осон бўлган ёзувни танлаш устида бош қотирадилар. Оқибатда куфа аҳли ўрганган хат турининг аниқ ва чиройлироқ бўлгани сабаб бошқа шаҳарларда жорий хат турларидан кўра ушбу хат турини танлайдилар. Шундай қилиб, куфий хати давлатнинг барча ноҳияларида қўлланиладиган ёзув турига айланиб қолди. Бу хат нуқталардан холи бўлиб, ўзининг соддалиги ва безаклардан холилиги билан ажралиб туради.

Бу ёзув тури геометрик шаклларга асосланган бўлиб, ёзувида фақат тўғри ва доиравий чизиқлар қўлланади. Бу хат туридан асрлар давомида бошқа турли хил араб хатлари вужудга келган. Ҳар асрнинг куфий хати турлича ўзгариб, турли вилоятларда унинг турли хил шакли қўлланганлиги ҳамда у ишлатилган аср ва минтақага қараб, унга турли номлар берилган (масалан, V аср куфийси, VII аср куфийси, мамлуклар куфийси, андалус куфийси). Шу заминда ундан етмишдан ортиқ шу турдаги хат тарқалади.

Куфий хати деб номланиши ҳақида бир неча фикрлар бор:

- Куфа шахрида ижод этилгани учун Куфага нисбати берилиб «куфий» дейилган;
- Замонамиз олимларидан Бухоролик машхур хаттот Абдулғофир Раззоқ Бухорий эса бу ҳақда шундай деганлар: “Икки дунё саодати бўлмиш Қуръони карим ҳам мана шу хатда битилган.

Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу бошчилигида Қуръон китобат қилинди ва бир неча нусхада кўчиртирилди. У зот Қуръонни мана шу асл нусхадан кўчиришни буюрдилар. Шулардан бир нусхаси Куфа шахрига юборилган. Кейинчалик Ироқ, Хуросон, Ўрта Осиё халқлари мана шу Куфа шахрига юборилган Қуръондан нусха кўчирганлари учун у “Куфий Қуръон” ва “Куфий хати” деб атала бошлади ва шундай қилиб, “куфий” атамаси хат оламига кириб қолди.

Хат санъати ҳақидаги барча рисолаларда хабар қилинишича, хатти маъқалий ва куфий хати асосида араб ёзувининг санъаткорона яратилган олти хил асосий хат услуби шаклланди. Улар:

ثُلُث - сулс хати – Ўрта асрларда бу ёзув мусулмон оламининг барча ҳудудларида энг кенг тарқалган ёзув турларидан эди. Бу ёзувни муҳаққақ ёзуви билан қиёсласак, муҳаққақ ёзувида тантанаворлик, улуғворлик акс этиб турса, сулс ёзувида эса, ўзига хос майинлик, нозиклик устун туради. Бу ёзувда ҳарфлардаги йўғон ёзиладиган қисм билан ингичка ёзиладиган қисм ўзгача бир нозиклик билан алмашинади. Бу ёзувда чизикларнинг учдан бир қисми тўғри чизикдан ва учдан икки қисми эгри чизик ва думалоқ шаклдан иборат бўлгани учун бу ёзув «сулс»- » деб аталган. (арабчада бу сўз «учдан бир» маъносини билдиради). Ўрта аср анъаналарига биноан, ҳукмронларнинг расмий кўрсатмалари, фармонлари шу ёзувда битилган. Шунингдек, кўлёзмаларнинг титул варақлари, охирги саҳифаси сулс ёзувида амалга оширилган. Меъморий ёдгорликларда безак ўрнида ишлатилган сулс ёзувларини ҳам учратиш мумкин. Бундан ташқари сулс ёзувида хаттотлик ёзуви намуналари ҳам яратилган.

نسخ – **насх хати** «Насх» сўзининг луғавий маъноси «йўқ қилиш, бекор қилиш, чизиб ташлаш»дир. Термин сифатида у «бошқа хат турларини бекор қилувчи» маъносида қўлланилган. Бу ёзув ҳозирги кунгача ҳам бутун мусулмон Шарқида энг кўп тарқалган ва энг оммабоп ёзув туридир. Ҳозирги кунда босма усулда чиқаётган барча китоблар, журналлар, газеталар ва ҳақозолар насх ёзуви базасида нашрдан чиқади. Бу ёзувнинг бу даражада кенг тарқалишига сабаб унда ҳарфларнинг аниқ, равшан, ўзаро мутаносиб равишда бир-бирига уланиши ва энг асосийси, уни ўзлаштиришнинг нисбатан осонлигидир. Бу ёзув тури ҳарфлар шакл ва ҳажмининг ўзаро мутаносиблиги қондаси асосида шаклланган. Насх ёзуви X аср охиридан бошлаб ишлатила бошлаган. Кейинги икки ярим асрлик муддат ичида ундан «насхи эроний» деб аталадиган варианти вужудга келган. Бу эса машҳур хаттот ва олим Ёкут Мустаъсимий фаолияти билан боғлиқдир. XIII-XIV асрларда мўғўллар босқини билан боғлиқ ҳолда бу ёзув бир оз эътибордан четда қолган бўлса ҳам, у Эрон ва Ўрта Осиёда XVII аср охири-XVIII аср бошларигача ҳукмронлик қилган. Уни машҳур хаттот Аҳмад Найризий бир оз ўзгартирган ва уни настаълиқ ёзувига яқинлаштирган.

محقق – **муҳаққақ хати** - Бу ёзув тури аббосийлар ҳукмронлигининг бошланишида-VII асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган. У Ироқ ҳудудида пайдо бўлгани сабабли хатти ироқий деб ҳам аталади. Бу ёзув турида ҳарфлардаги эгри чизиклар билан тўғри чизиклар ўртасидаги пропорция 1,4 ва 3,4 га тўғри келади. Муҳаққақ ёзуви катта ҳарфлар билан ёзиладиган матнларга мўлжалланган. Шунинг учун у катта ҳажмдаги Қуръон нусхаларини кўчиришда ишлатилган. Бундан ташқари бошқа битикларда ҳам, агар ҳарфлар воситасида улуғворлик, тантанаворлик ифодалаш зарур бўлган ўринларда шу ёзув туридан фойдаланилган. Эрон хаттотлари томонидан шу ёзув турида яратилган Қуръон нусхалари ўша даврларда катта шухрат қозонган. Хусусан, Амир Темурнинг набираси Бойсунқур Мирзо (ваф.837-1434й.) жуда катта ҳажмдаги Қуръон нусхасини шу ёзувда кўчириб, китоб яратган. Бу Қуръоннинг ҳар бир варағи 170-101 см ҳажмга эга бўлган.

ريحاني – райхоний хати – Ҳозиргача шарқ палеографиясида бу ёзув турига аниқ таъриф берилмаган. Бир хил олимлар райхоний ёзуви билан муҳаққақ ёзуви ўртасидаги фарқ райхоний ёзувидаги чизикларнинг фақат ингичкалиги ва гўзаллигидан иборат, бундан бошқа улар ўртасида фарқ йўқ десалар, бошқаларнинг фикрича, агар муҳаққақ ёзувидаги ҳарфларнинг ўзаро мутаносиблиги қонун-қондасига риоя қилган ҳолда насх ёзуви билан бир хил ҳажмда ҳарфлар ёзилса, бу райхоний ёзуви бўлади. Яна учинчи тоифа олимларининг фикрича, муҳаққақ ёзувида айрим ҳарфларни ташкил этувчи доиралар квадратга яқинроқ туради. Райхоний ёзуви ҳам муҳаққақ ёзуви билан бир хил функцияни бажарган ва XVII асрнинг ўрталарига келиб, ўрнини насх ёзувига бўшатиб берган ва истеъмолдан чиқиб кетган.

توقيع – тавқеъ хати – Бу ёзув тури хатни тез ёзишга мўлжалланган, ҳарфларнинг шакли думалоқ бўлган ёзувдир. Ўрта аср хаттотларининг фикрича, бу ёзув сулс ёзувидан келиб чиққан ва унинг модификациясидир. Бу ёзув турида ҳарфларнинг ҳажмидаги ўзаро мутаносиблик сулс ёзувидаги мутаносиблик билан бир хил бўлса-да, уларнинг бир-бирига уланиши сулс ёзувидан фарқ қилган. Чунки бу ёзув турида элементларнинг олтидан бир қисми тўғри чизикли элементлардан иборатдир. Шундай қилиб, тавқеъиё ёзуви мавжуд бўлган етти ёзув тури ичида энг тез ёзиладиган ёзув ҳисобланган. Бу ёзувда ҳарфларнинг барча элементлари бир хил йўғонликда ёзилади ва унда йўғон элементларнинг ингичка ёзувлар билан алмашилиш ҳодисаси учрамайди. Бунга эса-қамишқаламнинг учини бошқачароқ чиқариш йўли билан эришилган. Тавқеъ ёзувида нафақат бир сўз ичидаги ёзувлар, балки айрим сўзлар ҳам қўшиб ёзилган. Ислоҳ оламида бу ёзувдан ҳукмронлар у ёки бу фармонга, кўрсатмага имзо қўйишда фойдаланганлар.

رقاع – риқоъ хати – Бу ёзув тури тавқиё ёзувининг кичрайган шакли бўлиб, у ҳам сулс ёзуви базасида вужудга келган. У ҳам ҳукмронларнинг фармон ва ёрлиқларини ёзишда қўлланилган. Риқо ёзуви ўзининг хусусиятлари билан тавқиё ёзувидан фарқ қилмайди. Фақат риқо тавқиёга қараганда майдароқ ва ингичкароқ ёзилади. Қисқа қилиб айтганда бу ёзув

ҳам тез ёзишга мўлжалланган, ҳарфлари думалоқ шаклли ёзувдир. Бу ёзувнинг тараққиётини кузатган олимларнинг фикрича, бу ёзув кичкина қоғоз varaқчаларига ёзиладиган шахсий мактубларни ёзишга мўлжаллаб яратилган ёзувдир. Шунинг учун ҳам бу ёзув риқоъ- кичкина қоғозга ёзилган хат демакдир. Кейинчалик бу ёзувда кўнгилоҷар мазмундаги қисқа-қисқа ҳикоячалар ҳам ёзила бошлаган. Шунингдек, Қуръон, ҳадислар ва дунёвий мазмундаги қўлёзмаларнинг титул varaғи ва охири саҳифаси ёзилган ва бунда қўлёзманинг кўчирилган жойи, санаси, хаттотнинг исми, асарнинг номи, баъзан қўлёзmani кўчиришга буюртма берган шахснинг исми ва ҳоказолар ёзилган. Тавқиъ билан риқоъ ўртасидаги ўхшашлик охири-оқибатда шунга олиб келганки, кейинчалик риқоъ термини остида ҳам тавқиъ ёзуви, ҳам риқоъ ёзуви тушунила бошлаган.

.Бундан ташқари Темурийлар даврида Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳудудларида вужудга келган ёзув турлари ҳам мавжудки, уларнинг асосийлари «таълиқ», «шикастайи таълиқ», «настаълиқ» ва «шикастайи настаълиқ» ёзувларидир.

Юқоридаги араб хаттотлиги хат турлари орасида дастлаб куфий хати меъморчиликда қўлланила бошланди. Кейинчалик сулс хати ҳам биноларнинг тарз қисмларида эпиграфик безак сифатида қўлланила бошланди. Кейинчалик, кошинкорлик санъати ривожланиб боргани сари мазкур хат турлари орқали бажарилган эпиграфик композициялар ҳам мукамал кўриниш ола бошлади. Дастлаб бу хатлар алоҳида комозияларда қўлланилган бўлса, кейинчалик икки хатнинг мутаносиблигида мураккаб тузишли эпиграфик композициялар яратила бошланди. Бундай композицияларда асосан Қуръони Карим оятлари, ҳадислар ва узун мисрали шеърӣ байтлар битилган.

I боб бўйича хулоса

Юқорида бериб ўтилган маълумотлар ва ўрганилган тарихий манбаларга тайанган ҳолда шуни таъкидлаб ўтишимиз жоизки, эпиграфиканинг келиб чиқиш тарихи туркий халқлар билан боғлиқ. Яъни битиктошлардаги матнлар ўрганилиб тарихий маълумотлар билан солиштирилганда, айнан тошлар топилган ҳудудларда туркий халқлар яшаганлигига, матнларда ҳам айнан уларга тегишли маълумотлар берилганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Эпиграфиканинг ривожланиши, аста-секин меъморчиликка кириб келиши ва архитектурада ўз ўрнига эга бўлишини ўрганиш жараёнида шуниси маълум бўлдики, айнан Марказий Осиё меъморчилигида битиклар нафақат маълумот манбаи, балки безак сифатида қўлланила бошланган. Қадимги Миср Юнонистон ва Римда меъморий обидаларда шунчаки қисқа маълумотлар (иншоот ким томонидан қачон қурилганлиги ҳақида) тасвирланган бўлса, мусулмон архитектураси, хусусан, Марказий Осиё меъморчилигида араб алифбосида ёзилган битиклар меъморий безак даражасигача кўтарилиб, уларда қисқа маълумотлардан ташқари Қуръони Карим оятлари, шеърӣ байтлар ва тегишли даврларнинг буюк сиймолари сўзлари ҳам тасвирлана бошланган. Меъморчилик ривожланиб боргани сари эпиграфик безаклар ҳам мукаммал кўриниш олиб бораверган. Хаттотлар ва рассомларнинг биргаликда ишлашлари мукаммал композицион ечимли эпиграфик безакларнинг яратилишига сабаб бўлган.

II БОБ МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАР ЭПИГРАФИКАСИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

2.1. Ўрта асрлар меъморчилигида эпиграфиканинг тутган ўрни ва аҳамияти

Шарқ “Ренессанс”и дея таърифланадиган Ўрта асрлар яъни Темур ва темурийлар даврига келиб эпиграфик композицияларнинг сони ҳам, сифати ҳам ортиб борди. Саройлар, мажидлар ва мадрасаларнинг ташки ва ички безакларнинг катта қисмини ана шундай композициялар эгаллади. Мусаввир, хаттот ва усталарга эркин ижод қилиш имкониятлари яратилгандан сўнг, бу хат турлари сафига ғубор, райхоний, насх ва баъзи жойларда настаълик хатлари ҳам қўлланила бошланди.

Амир Темур ва темурийлар даврида айниқса, ўз даврида улкан марказлашган дақлатнинг пойтахти бўлган Самарқанд шаҳрида алоҳида юқори босқичга кўтарилган. Айнан пойтахт мақоми мусулмон оламининг, асосан, ўша даврлардаги Хоразм, Бухоро, Кеш (Шахрисабз), Эрон ва Хуросоннинг моҳир усталарини ўзига жалб этган. Турли жойлардан келган усталар ўз санъатларини намоёиш этишган. Бинокорликнинг мисли кўрилмаган кўлами меъморий эпиграфиканинг ҳам беназир тараққиётига сабаб бўлган. Чунончи Шоҳи Зинда меъморий мажмуаси Темур ва темурийлар давридаги эпиграфика ва наққошлик санъати тараққиётининг ёрқин намунаси ҳисобланади. Айнан шу даврда мармартошга ўйиб ёзиш (сангтарошлик) санъати намуналарида намоён бўлган Самарқанд эпиграфикаси мактабига асос солинган.

Амир Темур даврида қурилган меъморий обидаларнинг кўриниши мазмунига шу қадар катта аҳамият қаратилганки, уларнинг ҳар бири катта санъат асари бўлиб, кўрган кишининг эътибори ва ҳавасини ўзига тортмасдан қолмайди. Улуғ бобосидаги хислатлар Мирзо Улуғбекка ҳам кўчиб, унинг қурдирган Самарқанддаги мадрасаси ўзида унинг самовий қизиқишларини акс эттиради.

Самарқанд эпиграфикасининг яна бир ўзига хос жиҳати, бу бинолардаги ажиб сўзлар битилган китобаларидир. Дастлаб обидалардаги

битиклар иморатнинг бош безакларидан бири ҳисобланиб, диний-ахлоқий ҳамда эстетик аҳамиятга эга бўлган. Битикларда, обида қурилиши ҳақидаги маълумотлар, насихат сўзлари, илоҳий китоблардан парчалар ва машҳур адибларнинг шеърларидан парчалар келтирилган. Демак, обидалар ўша давр кишилари, қайсидир маънода шу биноларда яшаганларнинг ахлоқий-маънавий қарашларини замон талабларига мос ҳолда ифода этган.

Самарқанд меъморий ёдгорликлари ўзининг ранг-баранг кошнлари, бетакрор безаклари, нақшлари, улкан гумбазлари билан Ўрта Осиё меъморчилигининг ноёб ёдгорликларидан бўлиб, асрлар давомида инсонлар онги ва қалбида маданият, илм-маърифат ва маънавиятни юксалтирувчи, тарбияловчи бешик вазифасини ўтаб келган.

Шоҳи Зинда Афросиёб тепалиги жанубида жойлашган қабристондаги мақбаралардан ҳамда масжид, минора ва мадрасадан иборат ансамбл бўлиб, уларнинг энг қадимийси Қусам ибн Аббос мақбараси, халқ орасида Шоҳи Зинда (тирик шоҳ) номи билан машҳур. Даставвал, бу ерда фақатгина XI асрнинг 2-ярмида Самарқанддаги илк қорахонийлар даврида қурилган «тирик шоҳ»нинг мақбараси бор эди. Бу жойга илгари ҳам, туб аҳоли зиёратлар уюштиришган. Кейинчалик худди шу ерга 1066 йили Тамғач Бўғрохон мадрасаси қурилган ва унга туташ бир қатор туркум мажмуа юзага келган. XI-XII асрларда серҳашам безатилган бошқа мақбаралар вужудга кела бошлаган. Археологлар улардан бир нечасини XIV аср иншоотларининг ғарб томонидаги йўлакдан қазиб топганлар. Улар безаклари билан Темур даври мақбараларидан фарқ қилган. Ўша даврда ҳам, Қусам ибн Аббос мақбараси «муққадас» ҳисобланиб зиёрат қилинган. Баъзи даҳмалар, XI-XII асрларга оид мақбараларнинг харобалари устига қурилади. XV аср бошларида бинолар Хўжа Аҳмад мақбарасидан Ҳазрати Хизр масжидига борадиган йўл бўйлаб қурилади. Темур даври меъморчилиги, безак беришнинг янги техникалари билан яъни, қирқма кошнлар билан янада бойитилган. Мақбаралар иккитадан, ташқи ва ички гумбазли, баланд цилиндр барабанли қилиб қуриладиган бўлди.

Ансамбл бир-бири билан йўлак орқали боғланган 3 гуруҳ бинолардан иборат. Қуйи гуруҳдаги иншоотлар Улуғбекнинг ўғли номидан қурдирган Абдулазиз чортоғи (1434—35), унга шимолидан Давлат қушбеги мадрасаси (1812-1813) туташ, унинг қаршисидаги айвонли масжид нақшлар билан нафис безатилган. XV асрда тик зинапоя (37 та) ўрталиғининг чап томонида зиёратхона ва гўрхонадан иборат қўшгумбазли мақбара жойлашган.

Шоҳи Зинда меъморий мажмуасига Асосий кириш эшигининг тепасида сулс хатида тарих битилган. В.А. Шишкин мақоласи асосида аксарият ёзувлари қисман тикланган бу хатда: Биноларнинг хайрлиси ва зийнатлиси бўлган (бу бино) тартибли ҳолда ва диққат билан асл маъно коъринишини жамлаб “ ... Абдулазиз Баҳодир Сул(тон ибн) Султон ... Улуғбек Кўрагон томонидан 838/1434-1435 йили қурилди.”¹⁶

Улуғбек норасида ўғли Абдулазиз номидан қурдирган бу пештоқ Шоҳи Зинданинг қарийб тўрт аср давомидаги шаклланиш тарихига хотима бўлди. Пештоқ нафис ишланган. Сайқал берилган оддий ғишт фонида терма рангли ғиштлар жилваланади. Ёзувлар кошин-бурунж (мозайика) техникаси асосида ишланган. Ҳарфлар оқ, ҳаворанг фон устида ёхуд ҳаворанг ҳарфлар сарғиш ранг устида битилган.

Пештоқда куфий ва сулс хатларида тикланган ёзувда Қуръони каримдаги “Оли Имрон” сурасининг 3:169-ояти акс этган. Тепасида куфий хатида сариқ ҳарфлар билан – “Аллоҳни поклаб ёд қиламан”, “Аллоҳга мақтовлар бўлсин”, “Аллоҳ – буюк”, – калималари такрорий тарзда битилган. Бундай калималар барча исломий маданият таъсирида бўлган давлатлар мафкуравий қарашлари асоси бўлиб келган. Темурийлар давридаги барча меъморий иншоотларда бундай ёзувларни кўплаб учратамиз.

Пештоқ фризида ҳам куфий банноий хатида “Боқийлик Аллоҳга хос”, “Аллоҳга мақтовлар бўлсин”, – калималари такрорий тарзда битилган. Китобанинг икки ён томонида квадрат ичида куфий хатида “Эй, қарамли

¹⁶ O'zbekiston obidalaridagi bitiklar “Samarqand Shohi Zinda me'moriy majmuasi” 3-kitob. T-2012. 35-bet

зот”, “Эй жуда раҳмли зот”, – калималари келтирилган ва Аллоҳнинг гўзал исмлари (Ал-Асма ал-хусна) битилган¹⁷.

Эшик устидаги китобада сулс хатида ҳадис битилган. Ушбу ҳадис Қусам ибн Аббос гўрхонаси мажмуасидаги зиёратхона дарвозаси устида ва гўрхона панжарасида ҳам учрайди. Аммо Қусам ибн Аббос вафоти санасида хатога йўл қўйилган. Пайғамбар алайҳиссалом: “Инсонлардан тузилиши ва хулқи жиҳатидан менга энг ўхшаши – Қусам ибн Аббос”¹⁸, – дедилар. Ҳаммага маълумки, араблардан бўлган Қусам – пайғамбар алайҳиссаломнинг амакиваччалари. У киши Самарқандда бўлгани учун Самарқанддаги бу маҳалла унинг исми билан юритилган. У саркарда ва фотиҳ эди. Ислом динини ёйиш мақсадида бизнинг ҳудудларда тарғибот ишлари билан ҳам шуғулланган. Ҳижрий эллик олтинчи (56/675)¹⁹ йили вафот этган.

Шоҳи Зиндадаги икки гумбазли мақбара айвонли масжид шимолий томонида Афросиёб қалъасининг девор этагидан бошланиб қурилган улкан зина ёнида. Баъзи олимларнинг тахминига коъра, Мирзо Улугъбекнинг устози ва сафдоши, таниқли мунажжим Қозизода Румий мазори устига XV асрда қурилган. Маҳаллий аҳоли ўртасида тарқалган ривоятларга кўра, бу ерда Амир Темурни ўз сути билан боққан энагаси Ўлжахотун ва унинг қизи Биби Сенаб дафн этилган. Мақбара икки хонадан, яъни зиёратхона ва гўрхонадан иборат. Унга жануб томондаги пештоқдан кирилган. Зиёратхона биносининг деворлари –равоқли. Улар баланд гумбаз билан ёпилган. Гумбаз тоқи дарчаларидан ёругъ тушиб турадиган деворларда оқ фонга ишланган кўк рангли нақшлар қисман сақланиб қолган. Сирли безаклар билан йўл-йўл

¹⁷ Ko'rsatilgan adabiyot. 37-bet

¹⁸ Hadislarda Qusam ibn Abbosning payg'ambarimizga o'xshashi to'g'risida kam rivoyat qilingan. Biroq Abu Abdulloh al-Hokim “Tarixi Nishopur” kitobida: “U (Qusam ibn Abbos) payg'ambar(s. a. v.)ga o'xshar edi. U payg'ambarimizga kichik zamondosh ham edi”, – deyiladi. Ummu Fazl rivoyat qilgan hadisda ham juda ko'p sanadlar bilan bu haqda aytilgan (Qarang: Az-Zahabiy. Siyar a'lom an-nubalo). Shuningdek, mana bu zotlar ham payg'ambarimiz(s. a. v.)ga o'xshash bo'lishgan: Ja'far ibn Abu Tolib, Hasan ibn Ali ibn Abu Tolib, Qusam ibn Abbos ibn Abdulmutallib, Abu Sufyon ibn Horis ibn Abdulmutallib va Soib ibn Ubayd ibn Abduyazid ibn Hoshim ibn Mutallib ibn Abdumannof.

¹⁹ Qusam ibn Abbosning qabrida hijriy 57/melodiy 676 yil bitilgan. Islom tarixi, sahobalar va tobeinlar tarjimai hollariga bag'ishlangan barcha tabaqot kitoblarida ham 57/676 yil zikr etilgan (Qarang: Az-Zahabiy. Siyar a'lom an-nubalo. 3-jild. – B. 440; Ibn al-Asir. Usud ul-g'oba fi ma'rifat as-sahoba. 4-jild. – B. 392; Ibn al-Asir. Al-Kamil fit-ta'rix. – B. 644; Ibn Hajar al-Asqaloni. Al-Isoba fi tamyiz as-sahoba. 3-jild. – B. 245; Ibn Abdullarr. Al-Isti'ob fi ma'rifat al-as'hob. 3-jild. – B. 1304; Ibn Sa'd. At-Tabaqot al-kubro. – B. 1337).

килиб ишланган олти қиррали сопол плиталардан иборат панеллар қадимги қолдиқларга қараб таъмирланди. Зиёратхона билан бир қаторда бўлган кичкина гўрхона ичида сағана мавжуд. Гўрхонанинг ғоят баланд гумбази мураккаб нақшли муқарнаслар билан безатилган. Бу мақбара шакли ва безалиши жиҳатидан Шоҳи Зинданинг кичик шинам мақбараларидангина эмас, балки бошқа машҳур меъморий ёдгорликларидан ҳам алоҳида ажралиб туради. Бу мақбара Самарқандда Бибихоним масжиди, Гоъри Амир мақбарасининг улуғвор гумбазлари қад кўтарганидан кейин қурилган. Лекин бу иншоотларнинг ҳеч бирида Қозизода Румий мақбарасидагидек баланд гумбаз йўқ. Бу ёдгорлик тепаликнинг ён бағрида қад ростлаган. Бироқ у шундай тарҳ билан бунёд этилганки, зиёратхонанинг юксак гумбази шаҳар деворининг энг баланд еридаги мақбаралар гумбазлари билан бир чизикда туради.

В. А. Шишкин архив фотосуратига таяниб, ўз мақоласида ўша даврда қисман сақланган араб тилида битилган тарихий ёзувни келтиради. Ёзув ҳозиргача сақланмаган жанубий пештоқнинг равоғида темурийлар даврига хос бўлган сулс хатида битилган эди. "... Шариат ва имон ҳимоячиси, султоннинг пешқадами"²⁰ ... Ҳақиқий ... дўст ..."²¹ Ушбу битикдан хулоса шуки бу жойда ҳукуқий тартиблар ҳимоячиси, маслаҳат бобида улуғ инсон кўмилган

Шоҳи Зинда ансамбилидаги Амирзода мақбараси (XIV аср) Туғлу Текин мақбарасининг рўпарасида жойлашган. У мақбараларнинг ўрта мажмуасини бошлаб беради. Бу мақбарада дафн этилган шахснинг асл исми маълум эмас. Бинонинг пештоқида фақат: -Ушбу биноси баланд, кўрғони мустаҳкам иморатни барпо қилишга улуғ ва муҳтарам амир кўрсатма берди. ... ҳижрий 788/1386 йилнинг Аллоҳ муборак этган шаввол ойи (2 – 30 ноябр).” -вафот этгани қайд қилинган. Пештоқ равоқларида кўк фонда оқ

²⁰ V. A. Shishkin فقام – kalimasini “oldingi sulton” deb tarjima qiladi va shunga asoslanib, bu maqbara Qozizoda Rumiya tegishli, degan M.Massonning xulosasini tasdiqlaydi (maqolaning 13-beti). Ammo, nazarimizda, bu dalil mazkur fikrni tasdiklash uchun yetarli emas.

²¹ O'zbekiston obidalaridagi bitiklar “Samarqand Shohi Zinda me'moriy majmuasi” 3-kitob. T-2012. 81-bet

харфлар билан тарихий матнлар битилган. Аммо уларнинг бир қисмигина чап устуннинг пастида сақланиб қолган.

Шу ёзувнинг тепасида *هل للملك* – “Мулк – Аллоҳники”, – калимаси куфий хатида такрорий тарзда келтирилган. Харфлар сарик рангда акс эттирилган. Кўриниб турганидек барча пешток ёзувларининг фақат тепа қисмида Аллоҳ номи тилга олинган. Бу ерда юқорида тилга олганимиздек нафақат мулк балки, ҳокимият, мол-давлат назарга тутилмоқда.

Шоҳи Зинда меъморий мажмуасининг ёълагидаги чортоқнинг шарқ томонида бу ердаги иншоотларнинг ўрта гуруҳига оид Туғлу Текин мақбараси мавжуд. Бу ерда Амир Темур саркардаларидан бири Амир Ҳусайннинг онаси Туғлу Текин дафн этилган.

В. А. Шишкин мақоласи асосида пештоқдаги ёзув бино 1376 (ҳижрий 777) йили қурилганлиги тикланган. Унда: “Унинг уйи, Амир Хожамнинг қизи Туғлу Текин. У (Туғлу Текин)нинг ўғли ва кўзининг қорачиғи, саодатли шаҳид Амир Ҳусайн ибн Қароқутлуғ. Аллоҳ унинг жаннатдаги жойини (Кавсар) сувидан сероб айласин. У (Амир Ҳусайн) етти юз етмиш еттинчи йилнинг зулқаъда (1376 йил, март-апрел) ойида шаҳид бўлди.”²² Бу ёзув нафақат бу ерда дафн этилган киши ҳақида, балким шу даврда бўлиб ўтган тарихий воқеадан ҳам дарак бермоқда. Шаҳид (араб. — гувоҳ) — 1) исломда дин йўлида ҳалок бўлган шахс. Ҳадисларда айтилишича, ўз обрўси ё мол-мулки ёки жони ёхуд дини, шунингдек, аҳду оиласининг ҳимояси йўлида қурбон бўлганлар ҳам шаҳиддир. Бошқа бир ҳадисда вабодан, ички хасталик билан, ғарқ бўлиб, том босиб ўлганларни шаҳид ҳукмида ўлганлар дейилади. Шаҳидлар дафн этилишидан олдин ювилмайди. Ўзини ўзи портлатиш, ўзига ўзи ўт қўйиш, ўзини ўзи бошқа усулларда ўлдириш шаҳид ҳукмида бўлмайди. Қуръонда «ўзларингизни (бир-бирингизни) ўлдирманг!» (Нисо сураси, 29-оят) деб, ўзини ўзи ўлдириш шариатда йўқ эканлиги билдирилган. Шу билан бирга Ватан уруши учун ёки ҳаққоният йўлида қурбон бўлган, жонини фидо қилган одам ҳам шаҳид ҳисобланади.

²² O'zbekiston obidalaridagi bitiklar “Samarqand Shohi Zinda me'moriy majmuasi” 3-kitob. T-2012. 121-bet.

Ёзувнинг охирида китоба ичида ҳадис битилган: “Дунё – охират кўприги”. Яъни бу ерда қилган қилмишга қараб инсониятнинг ҳисоби олинишига шаъма бўлса керак.

Ўзига хос меъморий ечимга эга ва эпитафик безакларга бой бўлган мажмуалардан бири бу Гўри Амир ёки Гўри Мир (Мир Саййид Барака) деб номланиб келинаётган меъморий ёдгорликдир. Дунё аҳли биладики, бу мақбарага темурийлар сулоласига мансуб Амир Темур, унинг пири Мир Саййид Барака, ўғиллари Умаршайх, Мироншоҳ ва Шохрух, набиралари Муҳаммад Султон, Улуғбек Мирзо дафн этилган. Амир Темур мақбараси Ўрта Осиё меъморчилигининг ноёб асари сифатида эътироф этилади. Бу бино, дастлаб 1401 йили Амир Темурнинг невараси ва вориси Муҳаммад Султоннинг буйруғи билан мадраса сифатида асос топган эди. Аммо тарихий адабиётлардан маълумки 1403 йили Муҳаммад Султон Кичик Осиё соҳилларига қилган узоқ сафаридан қайтиб келаётганда тўсатдан касал бўлиб, вафот этади. Шу муносабат билан мадраса қайта қурилиб, унинг жасади шу ерга қўйилган. Амир Темур тарихчиси Шарафиддин Али Яздий бу бинони: “Осмон каби баланд гумбаз, деворларининг пастки қисми зарҳал ва ложувард билан безатилган мармар тошдан қилинган”, - деб таърифлайди. 1405 йилда Амир Темурнинг ўзи ҳам шу ерга дафн этилган. Шохрух Мирзо буйруғи билан Мирзо Улуғбек даврида гўрхона биноси тугалланган ҳамда Амир Темур ва темурийлар хилхонасига айлантирилган. Дастлаб мақбарага шимолий эшикдан кирилган. Мирзо Улуғбек томонидан шарқий эшик 1425 йилда очилган, чунки Мир Саййид Бараканинг бош томонларидан киришни Мирзо Улуғбек ҳурматсизлик деб ҳисоблаган.

Амир Темур мақбараси кириш пештоқида ҳам ёзувларни учратамиз. Мирзо Улуғбек даврида мақбарага кириш учун қурилган эшикнинг ёни ва тепалари нафис безатилган. Илгари эшик тепасида: «Бу шавкатли Амир Темурнинг қабри...» деб ёзилган кошинли лавҳа бўлган (бу плита ҳозир Санкт-Петербургдаги Давлат Эрмидажида сақланади). Мақбарага қатор гумбазли галереядан ўтиб кирилади.

Мақбара кириш пештоқининг тепа қисми китобасида куфий хатида Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳадислари ёзилган. (Пайғамбар) алайҳиссалом: “Бешиқдан қабргача илм изланг”, – дедилар.²³

Бундай мазмундаги даъватларни Самарқанднинг бошқа меъморий обидалари пештоқ ёзувларига ҳам учратишимиз мумкин. Илм олган киши ҳаётда оғир дамларида ҳам ўзлигини йўқотмайди. Юнон файласуфи Сукротнинг делфия ибодатхонасидаги ўғитида ҳам “Ўз-ўзингни англагин ва билгин” деган ўғитини кўплаб шахслар ўзига шиор этганлар. Инсон ўзлигини билиши учун авваламбор илмли бўлиши лозим. Чунки илм чашм гавҳари ҳисобланиб шарқ донишмандларининг асосий қарашларида аксини топган.

Мақбара пештоқида сулс хатида оқ рангда Қуръони каримдаги “Оли имрон” сурасининг 3:104-ояти битилган. Унда Аллоҳ таборак ва таоло деди: “104. Сизлардан яхшиликка даъват этадиган, амри маъруф ванаҳий ишларини олиб борадиган бир уммат бўлсин. Айнан ўшалар нажот топгувчилардир. Буюк Аллоҳ тўғри сўзлагувчидир.” Мусулмон оламида барчага маълумки, намоздан сўнг амри маъруф қилинади. Бу анъанавий тадбирга айланган. Унда намозга йиғилганлар орқали бошқа жамоа вакилларига ҳам панд-насихатлар қилиниб, барчани инсоф, диёнат, ор-номус, она Ватанга ҳурмат қабилаарга даъват этилади. Шунингдек амри маъруф асосида разилат, зулм ҳамда ёмон ишлар ботқоқидан инсониятни қайтариб, уларнинг амалларини тўғрилиқка йўналтирадилар.

Гўри Амир мақбараси пештоқ ёзувларида асосий эътибор Нафс ва димоғбаландлик, кибру-ҳаводан сақланишга қаратилган. Чунки у инсониятни жаҳолатга бошлаши мумкинлиги таъкидланган. Қай пайт бўлишидан қатъий назар инсониятни бу йўлдан қайтиб тавба қилиши кераклигига даъват этилгани турмуш фалсафаси талқин этилганига ёрқин далилдир. Шуни таъкидлаш лозимки мақбара девор ва пештоқларида Қуръони каримнинг “Мулк” сурасидан ўғитлар келтирилиб, Аллоҳ барчага бу дунёда ақлни

²³ O'zbekiston obidalaridagi bitiklar “Samarqand Amir Temur va temuriylar davridagi majmua va ziyoratgohlar” uchinchi kitob Toshkent — 2012. 25-bet

ишлатиб иш юритишни, дўзахийлар ичида бўлмасликка даъват этганлиги таъкидланганлигида ҳам жамиятда шахсинг адолат мезонларига риоя қилишга чақирган.

Ўрта асрлар меъморий иншоотларида турли шакл ва услубдаги ёзувларга дуч келар эканмиз, асосан Жоме масжиди ёзувларида кишиларни иймон-эътиқодли бўлишга даъват этилганини кўрамиз. Мисол, учун Бибиҳоним жоме масжиди кириш эшигида - “бу дунё бир лахзадир. Уни тоат-ибодат билан ўтказ” иборасида адолатга ҳам чақирилаётганининг гувоҳи бўламиз.

Масжиднинг шарқий томонидаги панжара устидаги “Илм ўрганиш – ҳар бир муслимга фарз”, келажак авлод учун ҳаёт мактаби вазифасини ҳам ўташи аниқ. Хаттотлар ёзувни ёдгорлик беағига айлантиришга интилган.

Тарихдан бизга маълумки XV аср барча меъморий обидаларида Аллоҳ, унинг расули Муҳаммад мадҳ этилиб борилган. Бу битикларни Мирзо Улуғбек мадрасаси кириш пештоқининг ички равоқ китобаси тепа қисмида ҳам кузатишимиз мумкин. Мисол, куфий хатидаги –“Буюклик Худога хос”, “Куч-қудрат Худоникидир”, – калималари, пастида сулс хатида битилган: “Ёлғиз Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ, унинг шериги йўқ. Бутун мулк ва ҳамд У учундир. У зот тирилтиради (ҳаёт беради) ва ўлдиради, ва у зот доимий тирикдир, ўлмайди. Яхшилик унинг кўлидадир ва у ҳар бир нарсага кодирдир²⁴” -“Тавҳид” калималарида бунга гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Мадраса пештоқидаги катта куфий ҳарфлар билан битилган ёзувдан: “Бу ер у билан безалган ва кўк унинг учун эгилган бинодир. ...Баланд бино осмондадир. Унинг қурилишини ... (?) сиёсат ва ҳукмда энг яхшиси, салтанат ва миллатни жам қилган .. Аллоҳ унинг Ер юзидаги халифалиги ва асарларини абадий айласин! Унинг бахтли бобоси ... (?) саккиз юз йигирма

²⁴ O'zbekiston obidalaridagi bitiklar „Samarqand Registon me'moriy majmuasi“ birinchi kitob Toshkent — 2011. 25 bet

учинчи йилларда (1420)..”²⁵ - қуриб битказилган ҳижрий санаси бинонинг тарихий даври ҳақида бизга маълумот беради.

2.2. Ўрта асрлар меъморчилигида эпиграфик безакларнинг экстерьерда қўлланилиши

Мўғуллар истилоси даврида Марказий Осиё меъморчилигида сезиларли даражада пасайишлар кузатилган. Мўғуллар томонидан амалга оширилган босқинчилик урушлари оқибатида Бухоро, Самарқанд. Термиз ва Урганч каби йирик шаҳарлар вайрон бўлган. Мўғуллар босқини нафақат меъморчилик балки, бошқа санъат турларининг ҳам ривожланишига тўсқинлик қилган.

XIV аср ўрталарида соҳибқирон Амир Темурнинг катта сиёсий саҳнага чиқиши ва Мовароуннаҳрни мўғуллардан озод этиши натижасида мамлакатдаги моддий-маданий ҳаёт қайта тикланган. Меъморчилик ва бошқа санъат турлари яна ривожлана бошлаган. Архитектурада янгича услублар вужудга кела бошлаган. Йирик шаҳарларда архитектура ансамбллари (Самарқандда Шохи Зинда, Регистон ансамбллари, Бухорода Лаби ҳовуз ансамбли) вужудга кела бошлаган. Монументал бинолар анъанавий тарзда пишиқ ғиштдан қурилиб, кошин ва ўймакор безаклар билан безатилган.

XIV аср охирларида Самарқандга турли шаҳарлардан ташриф буюрган меъмор усталар, наққошлар, рассом ва хаттотларнинг биргаликда меҳнат қилишлари натижасида Самарқандда ўзига хос меъморчилик услуби шаклланган.

Амир Темур ва темурийлар даврида (XIV – XVI асрлар) меъморчиликда кошинкор безаклардан кўп фойдаланилган бўлиб, иншоотларнинг экстерьер қисмлари асосан кошинкор (мозайика ва майолика) безаклар билан безалган. Нақшинкор композициялар билан бир қаторда эпиграфик композициялар ҳам катта ҳажмли безакларда кўпроқ қўлланила бошланган. Қуйида айнан эпиграфик композицияларнинг

²⁵ Ko'rsatilgan adabiyot. 27-bet

обидалар ташқи қисмларидаги жойлашуви ҳақида ҳудудлар кесимида батафсилроқ тўхталамиз:

Эпиграфик безакларнинг кенг қўлланилишига назар солсак, шубҳасиз Самарқанд бу ўринда етакчилик қилади. Темур ва темурийлар даврида Самарқанд шаҳри марказлашган давлатнинг пойтахти бўлгани учун ҳам мазкур шаҳарда меъморий иншоотлар юксак дид ва маҳорат билан бунёд этилган. Самарқанд Ўрта Шарқ ва Марказий Осиёнинг энг мохир меъморлари йиғилган марказга айланган. Маҳаллий ва четдан келган меъморлар ва курувчи-усталарнинг жамоавий меҳнати Мовароуннахр меъморчилигининг энг сара анъаналари негизда меъморчиликда бадий ижодиётнинг гўзал намуналарини дунёга келтирган сифат жиҳатдан янги, мураккаб йўналишларни яратди.

Курилиш ихтисосларига мувофиқ равишда усталар ўртасида меҳнат тақсимоти амал қилган. Касб ва малака синовлари аник-тиник фарқланишга эга бўлган: *Ғиштинкор* - девор, пешток ва гумбазлар ғиштини терувчи уста; *гилкор* - сувоқчи; *ганчкор*, *наққош*, *сангтарош* - меъморий безакларни пардозловчи усталари ишлаган. Улар барчаси курилиш ихтисослари малакасига эга, лойихалаштиришни ва хандасавий тузилишни мукаммал билган меъмор, мухандислар бўлган. Кўп сонли усталар ва курилиш ишчилари меъморбоши раҳбарлигида ишлаганлар. Йирик иншоотларда ишлар обдон пишитилган меъморий *мусавадда*- қораламалар, тарқлар ва андозалар асосида яритилган. Хажмий-фазовий тузилишни текшириш учун бино макет-нусхаси кам ясалган. Улар қаторида ҳаттот ва рассомларнинг ҳам бунёдкорлик ишларига кенг миқёсда жалб этилиши меъморий безакларнинг янгидан-янги турлари яралишига хизмат қилган. Меъмор, рассом ва ҳаттотларнинг биргаликдаги самарали фаолияти натижасида мукаммал композицион ечимли меъморий эпиграфик безаклар вужудга келган.


Шоҳи Зинда (*Тирик Шоҳ*) меъморий мажмуаси. Шоҳи Зинда номи Муҳаммад пайғамбарнинг амакиваччалари Қусам ибн Аббос номи билан боғлиқ. Ғиёсиддин Жавҳарийнинг ёзишича, ҳазрат Қусам ибн Аббос

Муҳаммад (с.а.в.)ни вафот этгандан сўнг, ювганлардан биридир. Ўша чоғда Қусам 8 ёшда бўлган. Пайғамбаримизни ҳадисларида айнан у киши тўғрисидаги қуйидаги сўзлари Қусам ибн Аббосни кириш эшикларини пештоқида ёзилган: *“Қусам ибн Аббос ўз хулқлари ва ташиқи кўринишлари билан менга ўхшайдиган шахслардандир”* дейилган. Ҳазрат Қусам имом Хасан билан эмишган ака-укадур.

Шоҳи Зинда меъморчилик мажмуаси уч қисмдан иборат қилиб қурилган. Мажмуага улкан ўймакор дарвозадан кирилади. Пештоқ равоғининг ғарбий деворида унинг Абдулазиз Баҳодир ибн Улуғбек ибн Шохрух ибн Темур томонидан ҳижрийнинг 838 йилда (1434-1435) бунёд этилгани ёзилган. Мажмуага назар соладиган бўлсак, бу ерда жойлашган обидаларнинг экстерьер эпиграфик безаклари асосан сирланган терракотада бажарилган. Турли нақшинкор композициялар билан эпиграфик дурдоналар ўзаро уйғунлашган ҳолда бетакрор санъат асарларига айланган.

Шоҳи Зинда мажмуасининг бош равоғи пештоқнинг тепа қисми ҳамда равоқнинг атрофида айлантириб қуфий ва сулс хатларида матнлар берилган. Пештоқ тепасида жойлашган китобада Қуръони Карим “Оли Имрон” сурасининг 170- ояти ёзилган:

Равоқ атрофидаги матн эса қуфий хатида майоликада бажарилган бўлиб, нақшинкор безакларни йиғиб яхлит композиция ҳосил қилган.



2.1. Расм. Шоҳи Зинда (*Тирик Шох*) меъморий мажмуаси.

Самарқанд. XI – XV асрлар.

Мажмуада жойлашган ўзига хос меъморий ечимга эга иншоотлардан бири бу Али Насафий мақбарасидир. Мақбара тўғритўртбурчак шаклида бунёд этилган бўлиб, экстерьер безаклари маҳаллий услубдаги сопол кошинлар билан ишланган.



2.2. Расм. Али Насафий мақбараси.

Самарқанд. XIV аср.

Ушбу безак услуби (Эроний) Шахрисабзда топилган чигатойлар ва илк темурийлар даври иншоотларида учрайди ва мураккаб геометрик гирихлар ҳамда ёрқин ранглари билан ажралиб туради. Бу усулни мутахассислар “туркий гиламчилик услуби” дея таъриф беришади. Бинонинг ташқи безакларига аҳамият берадиган бўлсак, равоқ атрофи нақшинкор кошинлар ва эпиграфик безакларнинг уйғунлигида безалган.

Равоқ атрофи ўнгдан чапга қараб такрорий узун ва қисқа саккиз қиррали юлдуз билан ўралган бўлиб, юлдузлар ичида алоҳида эпиграфик композициялар бажарилган. Мақбаранинг кириш эшиги тепасидан эса кичикроқ ҳажмли китоба жой олган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар бир эпиграфик композиция ўта мураккаб кўринишга эга.

Яна бир эътиборга молик жиҳати шундаки, мақбара тарҳининг икки ён томонларида ҳам геометрик гирихли эпиграфик безаклар туширилган. Бундай ўзига хос ёндашувни бошқа меъморий мажмуаларда учратиш анча мушкул. Мақбара гумбази асос қисмида ҳам худди шундай эпиграфик безаклар такрорланган.

Амир Темур жоме масжиди ва Бибихоним мақбараси (1399-1404).

Мазкур масжид халқ орасида Бибихоним номи билан ҳам машҳур бўлиб, афсоналарга кўра Амир Темур бу иншоотни ўз рафиқасига бўлган мухаббатининг рамзи сифатида барпо эттирган. Масжидга кираверишдаги маҳобатли пештоқ икки томондан 50 метрли миноралар қўшилган. Масжид ва минораларнинг девор сатҳи майолик безакли куфий хатида бажарилган маҳобатли эпиграфик композициялар билан безатилган. Равоқларнинг ички қисмлари ҳам йирик геометрик композициялар билан безатилган бўлиб, геометрик шакллар ичи қисқа матнлар билан тўлдирилган. Иншоот гумбазининг асос қисмида куфий хатидаги маҳобатли битиклар айлантириб ёзилган. мазкур эпиграфик композициянинг бироз юқори қисмида эса ихчамроқ ҳарфлар билан сулс хатида матн туширилган.




2.2. Расм. Амир Темур жоме масжиди ва Бибихоним мақбараси.

Самарқанд. XIV аср.

Гўри Амир мақбараси (1401-1405). Мазкур мақбара равоқларидаги эпиграфик композициялар бироз бошқачароқ кўринишда, яъни, алоҳида китобалар кўринишида бажарилган. Мақбарага кириш пештоқи тепа қисмида куфий ҳамда сулс хатларида битилган китоба туширилган бўлса, кичик пештоқ тепасида худди шу икки хатда битилган ва ислимий нақш элементлари билан тўлдирилган эпиграфик композиция жойлаштирилган.

Мақбара гумбази ва миноралар сатҳи Бибихоним масжиди каби майолик безакли куфий хатида бажарилган маҳобатли эпитафик композициялар билан безатилган.



2.3. Расм. Гўри Амир мақбараси.

Самарқанд. XV аср.

Регистон майдони. Регистон майдонини Самарқанд шаҳрининг тарихий рамзи дея эътироф этсак муболаға бўлмайди. Майдоннинг бугунги кўринишини темурийлар даврида қурилган уч мадраса Улуғбек мадрасаси (1417-1420), Шердор мадрасаси (1619-1617) ва Тиллакори масжид-мадрасаси (1647-1660) ташкил этади. Мазкур уч мадраса нисбатан яқин даврлар оралиғида қурилгани боис уларнинг экстерьер қисмларидаги эпитафик безаклар композицион жиҳатдан бир бирига ўхшаб кетади. Девор сатҳлари одатий йирик ҳажмли майолик гирихлар билан безатилган ва геометрик шакллар ораси куфий хатидаги қисқа матнлар билан тўлдирилган. Уч мадрасанинг ҳам бош равоқлари атрофи куфий хатида бажарилган матнлар билан ўралган. Мадрасалар ҳовлисидаги равоқ ва пештоқлар атрофида эса сулс хатида бажарилган китобаларни ҳам учратамиз Гумбаз ва миноралар сатҳлари ҳам худди шу услубдаги эпитафик композициялар билан безатилган. Фақатгина Шердор мадрасаси гумбаз асосининг тепа қисмида сулс хатидаги матн туширилган.

Ўрта асрлар Маарказий Осиё меъморчилигида ўзига хос ўринга ега шаҳарлардан бири бу Шахрисабздир. XIV асрда Шахрисабзни бошқариш

хукуки Амир Темурга ўтгач шаҳар янада гуллаб яшнаб, мамлакатнинг иккинчи пойтахти номини олди. Буюк саркарда ва давлат арбоби ўзи туғилиб ўсган шаҳрида Темур ва темурийлар даврининг энг йирик иншоотини барпо эттирди.



2.4. Расм. Шердор мадрасаси.

Самарқанд. XVI аср.


Оқ-Сарой (1380-1404). Шахрисабзнинг шимолий шарқидаги бош майдонда жойлашган. Бугунги кунда иншоотнинг бош пештоқининг икки устунни сақланиб қолган. Бalandлиги 70 метр бўлган дея эътироф этиладиган мазкур устунларнинг ҳозирги бalandлиги 40 метрни ташкил этади. Оралиқ йўлак 22,5 метрни ташкил қилади. Тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра пештоқ аркаси тахминан 200 йил муқаддам қулаб тушган. Оқ Сарой кўзинчоқлашган тўғритўртбурчакли бино бўлган, шимолий фасаднинг бутун юзаси мозайик сербўёқ нашли безаклар билан безатилган. Турли гулларнинг хандасавий нақшларидан тузилган ажабтовур композициялари арк гиламларига ўхшаб кетади²⁶. Машҳур реставратор олим Л.И.Ремпелнинг таърифларига кўра тўқ кўк, қарийб бинафша ранг, думалоқ миноралардаги кўшалоклаштиритлган ромблар ва эпиграфик композицияларни ҳамда бош пештоқ равоғини қоплаган. *“Бу... ранг катта арка – равоқнинг ёнбош деворлари безатилишида асосий фон бўлибхизмат қилади. Кейин – энгилаштирилган оч кўк ранг қаносларда ва қисман битикларда учрайди. Оқ*

²⁶ O'zbekiston obidalaridagi bitiklar "Qashqadaryo viloyati"/ Uzbekistan today. T-2012. 41-bet

ранг фақат ҳарфли орнаментларда ва битикларда ишлатилган”²⁷. Қора ранг эса эпиграфик безаклар ичида фақат айрим китобаларда ишлатилган. Ток устунларнинг манглай ва ёнбош қисмларининг кенг текис юзлари пойдевор висмига, текис деворга ва фризлар – изоралар билан бўлинган текис равоқларга тақсимланган бўлиб, фризларнинг ўзида ҳам турли хатлар билан эпиграфик композициялар ёзилган²⁸.

Майолика Оқ Сарой декорининг асосий безак усули бўлиб, пешток манглай деворларининг аркасимон равоқлари майолика билан безатилган. С.К. Кабанованинг қайд этишича, бу ерда ишлатилган майолика ҳам ўзининг тозалиги ва тонлари жилоси билан, ҳам расмларнинг нафислиги билан декорлашнинг мазкур тури дурдонаси саналади. Зарҳал югуртирилган нафис наботий новдачалар, барглар ва гуллар билан нақшланган арка қаносларини тўлдиришда ижронинг мутлақ мукаммал даражасига эришилган²⁹.

Юқори самарали ва маҳорат билан эпиграфик композициялар кўринишидаги битиклар арка тепасидаги қанослари тепасида феруза фонга оқ ва сарғимтир рангдаги ҳарфлар билан жойлаштирилган. Фасаднинг тепа қисмида ҳам мураккаб хандасавий кашталар билан ҳошияланган китобаларда битиклар мавжуд (*куфий* хатида ёзилган)³⁰.



2.5. Расм. Оқ Сарой.Шахрисабз. XIV аср.

Кўк Гумбаз жоме масжиди (1435). Иншоот Дор ут-тиловат мажмуасининг асосий масжиди бўлиб, Мирзо Улуғбек фармони билан

²⁷ Реппел Л.И. Архитектурный орнамент Узбекистана, Ташкент, 1961. 294 бет.

²⁸ O'zbekiston obidalaridagi bitiklar "Qashqadaryo viloyati"/ Uzbekistan today. T-2012. 41-bet

²⁹ O'zbekiston obidalaridagi bitiklar "Qashqadaryo viloyati"/ Uzbekistan today. T-2012. 43-bet

³⁰ O'zbekiston obidalaridagi bitiklar "Qashqadaryo viloyati"/ Uzbekistan today. T-2012. 44-bet

қурилган. Масжид тарҳи квадрат шаклда, гумбази меъморий елкан устида жойлашган. Масжиднинг эскерткер қисмидаги эпиграфик безаклари мозайик услубда ишланган бўлиб, масжид ташқи барабани ва бош пештоқи тепасидан ўрин олган китобадан иборат. Равоқ ичкарасида жойлашган узун китоба эса деярли сақланиб қолмаган.



2.6. Расм. Кўк Гумбаз жоме масжиди.

Шахрисабз. XVI аср.

Ўзининг ажойиб меъморчилик анъаналарига эга бўлган шаҳарларимиздан яна бири Бухоро шаҳридир.

Мир Араб мадрасаси. Бухоронинг Ўрта асрларда қурилган обидалари ичида Мир Араб мадрасаси алоҳида ўринга эга. Мадраса Пойи Калон мажмуаси таркибига киради. Иншоот 1512-1539 йилларда қурилган бўлиб, мадраса пештоқи Масжиди Калон пештоқига қаратиб қурилган. Мадрасанинг бош равоғи пештоқ тепасидан қуфий ва сулс хатида китоба жой олган бўлиб, бундан ташқари равоқнинг ичкари қисмидаги уч пештоқ ва икки ён томонида жойлашган ҳужралар пештоқлари устида ҳам кичик китобалар ёзилган.

Мадраса ҳовлисидаги ҳужралар пештоқлари ҳам худди шундай манзара ҳосил қилган. Мадрасанинг икки гумбази барабан қисмларида сулс хатида асос бўйлаб айлантириб туширилган битиклар мавжуд.



2.7. Расм. Мир Араб мадрасаси.

Бухоро. XVI аср.

Мирзо Улуғбек мадрасаси. Ғиждувон шаҳри (1422). Хожа Абдухолиқ Ғижлувоний мажмуасига кирувчи мазкур мадраса 1422 йилда буюк олим Мирзо Улуғбек томонидан қурдирилган. Ташқи кўриниши билан Самарқанддаги Улуғбек мадрасасидан ажралиб турадиган бу иншоот Самарқанд ва Бухоро меъморчилик мактаблари анъаналари уйғунлигида қурилган. Мадраса ёнида Минораи Калон услубида қурилган калта минора мавжуд. Бош равоқ пештоқлари тепаси ҳамда равоқ ичида сулс хатида бажарилган китобалар жой олган. Мадраса тарҳи икки ёнидаги конуссимон миноралари сатҳида майолик усулда эпиграфик безаклар тасвирланган.



2.8. Расм. Мирзо Улуғбек мадрасаси. Ғиждувон шаҳри.

Бухоро. XV аср.

Мирзо Улуғбек мадрасаси. Бухоро. (1419). Ушбу мадраса экстерьер қисмида ҳам китобаларни учратамиз. Бош равоқнинг икки ёнида пасдан тепага қараб мураккаб композицион ечимли китобалар туширилган. Ичкаридаги равоқлар пештоқлари ҳам китобалар билан тўлдирилган. Самарқанддаги ва Ғиждувондаги мадрасадан фарқли ўлароқ бу иншоотда майолик услубдаги эпиграфик безакларни учратмаймиз.




2.9. Расм. Мирзо Улуғбек мадрасаси.

Бухоро. XV аср.

Бухоро шаҳрида бир-бирига қарама-қарши қурилган яна икки Модарихон (1566-1567) ҳамда Абдулазизхон (1588-1590) мадрасалари ҳам эпиграфик безакларнинг экстерьерда қўлланилиши бўйича Улуғбек мадрасасига ўхшаб кетади. Уларда ҳам Улуғбек мадрасаси каби асосан китобалар қўлланилган бўлиб, майолик безакли эпиграфик композициялардан деярли фойдаланилмаган.

Ўрта асрларда қурилган меъморий ёдгорликлар мамлакатимизнинг жанубий ҳудуди бўлган Сурхондарё вилоятида ҳам етарлича топилади. Темурийлар даврида ушбу ҳудудда ҳам бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилган. 2700 йиллик тарихга эга Термиз шаҳри ўрта асрларда ҳам марказий йирик шаҳарлардан бири бўлган. Мазкур шаҳарда ҳам мадрасалар, масжидлар ва мақбаралар барпо этилган. Ана шундай меъморий иншоотлардан бири Ҳаким ат-Термизий мақбарасидир.

Хаким ат-Термизий мақбараси, Термиз. Хаким ат-Термизий мақбараси, Термиздаги иккита сақланиб қолган мақбаралардан бири ҳисобланади. Мазкур Хаким ат-Термизий комплексидаги кўп асрлар давомида шаклланган мақбара IX асрда Термиз цитаделининг шимолий-ғарбидан узоқроқда жойлашган. Мақбара 1389-1390 йй. қурилган бўлиб, пештоқдаги ёзувларга мос. XIV аср охирида Амир Темур ҳукмдорлиги даврида Хаким ат-Термизий қабри оқ мармар билан қопланган бўлиб, бу Марказий Осиёда тош ўймакорлиги санъатининг дурдонаси ҳисобланади.



2.10. Расм. Хаким ат-Термизий мақбараси.

Термиз. XIV аср.

Меҳроб атрофидаги битик:

Қуръони Карим “Тоҳо” сураси, 132-оятдан парча

XV аср бошларида Темур набираси Халил Султон ҳукмдорлиги даврида, мақбара яқинида дарвишлар учун Хонақоҳ қурилган. Термизий қабристони атрофидаги бинолар комплекси, турли даврларда қурилган, мавжуд бинолар ва хоналарнинг қизиқарли мужассамлашган туркумини ташкил этади. Меҳроб равоғи пишиқ ғиштдан қилинган. Эпиграфик безаклар пишиқ ғиштдан бўртиб чиққан ҳолда ишланган.

Султон Саодат мақбараси: Султон Саодат комплекснинг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган энг қадимги X-XI аа. тегишли иккита бир камерали, квадрат тархли гумбазли Султон Саодат мақбараси ҳисобланади.

Уларни XIV – XV асрлар чегарасида тепага қараб кўтарилган ва сирланган кошинлар билан безатилган ўртада жойлашган чуқур тоқли айвон бирлаштиради.



2.11. Расм. Султон Саодат мақбараси.

Термиз. XIV – XV асрлар.

Қурилманинг ягоналиги пишган ғишт билан белгиланган бўлиб, конструктив ва безак ашёси (“арча”, шаклли ўйма ғиштин камарлар, геометрик ва ўсимлик лахзали қўшимчалар ва чархланган шаклли ғиштин тасмаларлардан териб чиқилган) сифатида хизмат қилган.

2.3. Ўрта асрлар меъморчилигида эпиграфик безакларнинг интерьерда қўлланилиши

Интерьер — ташкил этилган фазовий кенглик сифатида фақатгина архитектуранинг ажралмас қисми бўлиб қолмасдан, балки уни архитектуранинг бошланғич асоси деб ҳам аташади. Тарихий тарзда тўпланган тажриба ва ҳозирги вақтдаги воқеликнинг гувоҳлик беришига кўра интерьернинг ечими аввал ҳам, бундан кейин ҳам архитектуравий фаолиятнинг ажралмас қисми бўлиб қолаверади. Ўзига хос ички муҳитни яратишда турли профилда фаолият юритаётган мутахассислар — технологдан бошлаб rassom ва дизайнерни ўз таркибига бирлаштиришдек

вазифани бажаришда етакчилик қилиш роли интерьерга тегишлидир. Интерьер муҳит сифатида ичкаридан қабул қилинадиган архитектуравий шаклнинг эстетик қонуниятларига асосланган ҳолда ташкил этилади. Интерернинг архитектуравий объект турига (хона, бино ва ҳ.к.) боғлиқ бўлган дифференциаллашган тушунчаси муҳитнинг маълум бир тури кўринишини жойлаштиришнинг аниқ усулини белгилашдан иборатдир.


Темурийлар даври (XIV-XVI асрлар)да амалий безак санъатининг юксак тараққиёти маҳаллий анъаналар билан бир қаторда Ўрта Шарқ бадиий ютуқларига ҳам асосланди. Изланишлар асосан безак нақшлар соҳасида олиб борилди. Безакда ўсимлик ва гул мавзулари, «гириҳ» хандасавий нақшлари, ёзувли намоёнлар етакчилик қилди. Ёғоч устунлар ва шикларнинг нақш мужассамоти майдон, белбоқ, ҳошия кабиларга мутаносиб бўлиниб, ўйма гуллар – эгилувчи новдалар ва гулли буталар билан безатилди. Мармар қабртошлари гилувчан буталар ўрамидаги ўта нафис ёзувлар билан қопланди. «Гириҳ» кўринишидаги хандасавий нақшлар ёғочлардан йиғилган сағаналар, ёғоч ва мармар панжараларда маҳорат билан ишланди. XV аср кулолчилигида «к13 балт» туридаги (кўм-кўк тусдаги) Хитой чинниси таъсирида янги безаш усули шаклланди, кўпроқ оқ-кўк сир ишланди. Танга, глаптика, металл ўймакорлиги (муҳр)да ҳуснихат ҳукмронлик қилган.

Ўрта асрлар меъморчилиги обидаларнинг интерьер қисмлари безаклари ҳақида гап кетар экан, бу ерда ҳар бир шаҳарнинг ўзига хос безак анъаналари бир-биридан яққол фарқланиб туради. Самарқанд интерьер безаклари ўзининг ҳашамдорлиги билан ажралиб турса Бухоро, Хоразм ва Фарғона меъморчилик мактаблари интерьер безаклари ўзининг мураккаб композицион ечимли намоёнлари билан кишини лол қолдиради.

Барча меъморчилик мактабларида иншоотларнинг интерьер қисмида нақш композициялари билан бир қаторда эпиграфик безаклар ҳам қўлланилган. Уларда асосан обида ҳақида маълумотлар (қачон ва ким томонидан қурдирилган, усталарнинг исмлари, турли хил бахшида битиклар), Қуръони Карим оятлари ва турли шеърӣ байтлар ёзилган.

Битиклар асосан насх, настаълик, куфий ҳамда сулс хатларида битилган. Баъзан райҳоний ва ғубор хатларидаги битиклар ҳам қўлланилган.

Ўрта асрларда Самарқандда қурилган обидаларнинг интерьер қисмидаги бадиий безакларга назар ташлайдиган бўлсак, шубҳасиз Гўри Амир мақбараси ички безаклари биринчи ўринни эгаллайди. Тилла суви югуртирилган мукаммал кўринишга эга гирихли нақш композициялари билан бир қаторда эпиграфик композицияларга ҳам алоҳида урғу берилган. Мақбара интерьер қисмидаги эпиграфик безаклар асосан кичик пештоқлари тепасидаги ва изоранинг уст қисмида бутун интерьер бўйлаб айлантириб бажарилган китобалардан иборат. Китобаларда Қуръони карим оятлари ислимий ва ҳандасавий нақшлар билан битилган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, меъморчиликда илк бора нақшинкор ва эпиграфик композициялар кундал техникасида бажарилган. Бунда нақш элементлари ҳамда ҳарфлар девор сатҳидан бўртиб чиқиб туради ва баъзан тиллақоғоз, баъзан эса тилла суви билан ишлов берилади.




2.10. Расм. Тиллакори масжиди. Самарқанд. XVII аср.

Тилла суви билан ишлов берилган кундал услубида безатилган эпиграфик безакларни Тиллакори масжиди интерьер қисмида ҳам учратишимиз мумкин. Масжид инеръери изора қисми тепаси ва шарафа қисмида бутун девор бўйлаб горизонтал тарзда матнлар туширилган бўлиб, ҳарфларга тилла суви билан ишлов берилган. Ички равоқлар ҳамда намоёнлар атрофи нақш ва матнлардан иборат композиция билан безатилган,

бунда матнлар узунчоқ саккиз қиррали қўшюлдуз шакллар ичидан жой олган. Равоқларнинг икки ён томонларида жойлашган намоёнлар ўртасида эса куфий ва сулс хатларида ёзилган китобалар жойлаштирилган. Меҳробнинг ички қисми эса ажойиб эпиграфик композицияларнинг ўзи билан тўлдирилган. Меҳроб равоқлари атрофи бўйлаб олтин ҳарфли матнлар туширилган бўлса, кичик пештоқ тепасида кишини ҳайратга солувчи жуда мукаммал эпиграфик композиция жойлаштирилган.

Шоҳи Зинда меъморий мажмуасида жойлашган иншоотларнинг интерьер қисмлари эса уларнинг экстерьер каби ўйма терракота безаклар билан безатилган. Эпиграфик безакларнинг жойлашуви худди экстерьердагидек кўринишда амалга оширилган. Матнлар мураккаб композицион ечимларда тасвирланган. Мажмуага таркибидаги меъморий обидаларга кирганингизда ўзингизни мовий уммонга тушиб қолгандек ҳис қиласиз. Интерьернинг барча қисмлари қошинар билан безалган.



2.11. Расм. Шоҳи Зинда меъморий мажмуаси. Самарқанд. XI–XV асрлар.

Ўрта асрларда Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарларида барпо этилган иншоотларнинг интерьер қисмлари Самарқанддаги обидалардек безатилмаган бўлса ҳам, уларда ҳам ўзига хос эпиграфик композициялар қўлланилган. Масжид мадрасаларда асосан шарафанинг ост қисмлари, намоёнлар ва кичик пештоқлар ҳамда меҳробнинг ички қисмларида турли матнли композициялар жойлаштирилган. Экстерьердан фарқли равишда интерьердан жой олган эпиграфик композицияларда сулс ва куфий

хатларидан ташқари настаълиқ, насх каби бошқа хат турлари ҳам қўлланилган.



2.12. Расм. Кўк Гумбаз жоме масжиди. Шахрисабз. XV аср.

Бундан ташқари қабртошларда ва баъзи мақбара хилхоналари деворларида сангтарошлар томонидан яратилган тошга ўйиб ишланган эпиграфик композицияларни ҳам учратишимиз мумкин.

Амир Темури хилхонаси ички равоғи атрофида ҳамда деворларида сулс хатидаги матнлар мавжуд бўлиб, уларда Қуръони карим оятлари ва суралари битилган. ғарбий равоқда бошланувчи битик хилхона деворлари бўйлаб давом этган. Уларда Қуръондаги “Мулк”, “Фотиҳа” ҳамда “Бақара” сурасининг 255-оятлари қайд қилинган. Бундан ташқари, дуо ва Аллоҳнинг исмлари, ҳамду санолар битилган.



2.13. Расм. Амир Темури хилхонаси. Шахрисабз. XV аср.

Бухоро меъморчилиги интерьерларида ислимий нақшли композицияларга кўпроқ урғу берилиб, эпиграфик безаклар ана шундай

намоёнларнинг тепа қисмларидан жой олган. баъзи масжидлар интерьерининг фақатгина меҳроб қисмлари сирланган кошинли безаклар билан безалган бўлиб уларда ҳам матнлар ёзилган. Ушбу матнларда асосан, Қуръони карим оятлари битилган. Баъзи обидаларнинг интерьер қисмлари девор сатҳи тўлиқлигича сирланган кошинли безаклар билан қопланган. Қолаверса, деярли барча обидалардаги асосий эшиклари тепа қисмларида қисқа матнлар битилган.



2.14. Расм. Мир Араб мадрасаси. Бухоро. XIV аср.

Чашмаи Айюб мақбараси гўрхона қисмига кираверишда кошин-буруж услубида бинони таъмирлаш ҳақидаги тарихий ёзув туширилган. Мазкур ёзув Амир Темур даврида битилган. Кошинли парчалар бошиданоқ нотўғри ўрнатилган.



2.15. Расм. Чашмаи Айюб мақбараси.

Бухоро. XIV аср.

Хоразм меъморчилиги интерьер қисмларида эса эпиграфик безаклар бироз камроқ қўлланилган бўлиб, бутун девор сатҳини ислимий нақшлардан иборат композициялар эгаллаган. Равоқлар ичида қисқа матнли композициялар жойлаштирилган.

II боб бўйича хулоса

Ўрта асрлар меъморчилиги эпиграфикаси ҳақидаги маълумотлар Ўрта асрларга оид тарихий манбаларда учрайди. Бундан ташқари бизгача етиб келган меъморий ёдгорликлар, шунингдек, бошқа ашёлардаги битиклар намуналарини тадқиқ этар эканмиз, мусулмон эпиграфикаси тараққиёти Амир Темур ва темурийлар даврида, айниқса, ўз даврида улкан марказлашган давлатнинг пойтахти бўлган Самарқанд шаҳрида алоҳида юқори босқичга кўтарилган.

Ўрта асрлар меъморий иншоотларида турли шакл ва услубдаги ёзувларга дуч келар эканмиз, асосан Жоме масжиди ёзувларида кишиларни иймон-эътиқодли бўлишга даъват этилганини кўрамиз. Мисол, усун Бибиҳоним жоме масжиди кириш эшигида - “бу дунё бир лаҳзадир. Уни тоат-ибодат билан ўтказ” иборасида адолатга ҳам чақирилаётганининг гувоҳи бўламиз.

Умуман олганда, Ўрта асрлар Марказий Осиё ҳудудида Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида иншоотларнинг ташқи ва ички безаклари орасида Эпиграфик безакларнинг ўрни ортиб борган. Турли давлатлардан келган уста ва рассомларнинг биргаликдаги меҳнатлари эвазига янгидан-янги эпиграфик композициялар, янгича услублар вужудга келган ва бу Ўрта асрлар меъморчилиги эпиграфикасига ўзининг ижобий таъсирини ўтказмай қолмаган.

III БОБ ЁДГОРЛИКЛАРДАГИ БИТИКЛАРНИНГ БАДИИЙ ТАҲЛИЛИ

3.1 Ўрта асрлар меъморчилиги эпиграфикасининг композицион ечимлари

Ўрта асрлар меъморчилиги эпиграфик композицияларини таҳлил қилишдан аввал архитектурада композиция ва унинг қонун-қоидаларига тўхталиб ўтсак:

Композиция – лотинча сўздан олинган бўлиб, *тўқиш, бирбирига маълум тартибда жойлаштириш, солиштириш* дегани, композиция ишлашда ритм, симметрия, асимметрия, компоновка, даврий такрорланиш, марказ топиш, безакнинг динамиклиги, табиийлиги, чиройлилиги, пардознинг ва рангнинг уйғунлиги каби компонентларни ўз ичига олади. Композиция ҳар қандай мутахассисликда, ҳар қандай санъатда ва ҳар қандай соҳада қўлланилиши мумкин.

Композиция – қисмларнинг асар ғояси, характери ва вазифасига мувофиқ жойлаштирилиши, ўзаро нисбати, реалистик бадиий адабиёт, тасвирий санъат, мусиқа, архитектурада композиция ҳаётни ҳаққоний акс эттиришга, ҳаётдаги ҳақиқатни ифодалашга хизмат қилади.

Композиция категорияларига тектоника – буюм шаклини ташкил қилган хомашё конструкцияси ва шаклнинг моҳияти ҳамда шакл билан фазо муносабатлари; хусусияти ва сифатига маҳсулот шаклининг гармоник яхлитлиги, буюм элементларининг ўзаро бир-бирига бўйсунлиши, мувозанати, динамиклиги, статиклиги ҳамда яхлит шакл яратишда барча элементларнинг бир хил ёндашилиши киради. Рассомчилик, архитектура, дизайнерлик асарларида композиция яратиш учун пропорсия, нюанс, ритм, масштаб каби асосий воситалар қўлланилади. Мазкур воситалар архитектурада ва дизайн буюмларида шаклга бадиий образ беради. Рассом асарида ҳам персонажлар орасидаги муносабатлиқни мувофиқлаштиради, узоқ ва яқинни ўзаро бирлаштиради, соя ва ўта ёруғлиқни уйғунлаштириб акс эттиришда асосий восита бўлиб хизмат қилади. Композициянинг фронтал, ҳажмий ва чуқурлашган – фазовий каби турлари санъат асарининг барча турларида кенг

қўлланилади, хусусан, меъморчилик ва ҳайкалтарошлик санъатида. Фронтал композицияда асар мустақиллигига эришишга ҳаракат қилинади. Уни яратишда ижодий изланиш маълум чегара ичидаги юзада олиб борилади. Ҳажмий композицияда уч ўлчам (уйғунлиги ва баландлиги) ичида ижодий изланиш олиб борилади. Унда композициянинг барча воситаларидан унумли фойдаланилади.

Хусусан, меъморий обиданинг фазо ва муҳит билан ўзаро алоқасини яхшилашда пластика, колорит, фактура, ҳажм оғирлиги, маъно ва ғоянинг аҳамияти катта. Таъкидлаш жоизки, ҳажмий композицияда бадий пластик принциплар ўзгариб туради, янги услублар юзага келади, қўлланиладиган ҳомашёлар ўзгаради, уларни қўллаш усуллари ўзгаради, лекин уйғунлик ва гўзаллик яратувчи композиция қонунлари ўзгармайди.

Симметрия – грекча сўздан олинган бўлиб, ўлчовларнинг бир-бирига мутаносиблигини билдиради. Бу ерда ўқувчиларнинг диққатини шунга қаратиш керакки, улар симметрияни ўрта мактабда ҳам ўтганлар, лекин энди улар мутахассис нуқтайи назаридан бу мавзуга ёндашишлари керак. Бунда ўқувчиларга табиатда, ён-атрофда бўлган бир-бирига симметрик шаклларнинг ўлчамларини мисол келтириш керак, масалан, энг аввал, инсон тузилишидан бошласак, бу ерда ҳам симметрия мавжудлигини кўриш мумкин.


Меъморий-декоратив санъатида ҳам симметриянинг аҳамияти жуда катта ўринни эгаллайди. еган маънони англатади. Маром, даврийлик – табиат ҳавоси ва жараёнларнинг муайян вақт давомида такрорланиб туриши. Ритмнинг муҳим аломатлари – ҳодисаларнинг, элементларнинг ва шаклларнинг қайтарилиши ёки уларнинг такрорланиш қонуниятлари.

Ритм – кўпгина табиат ҳодисалари ва инсон ҳаётига хос органик восита: кун ва тун, йил фасллари, муфассал вақтда турли ҳаёт шакллари ривожланиш ҳодисаларининг кетма-кетлиги, шунингдек, турли меҳнат жараёнларига ҳам хос. Ритм хусусида гап юритиладиган бўлса, табиатда нафас олиш ритми соғлом кишида бир маромда бўлади, агар бу ритм бузилса, киши

саломатлигида нуқсонлар бўлади, баҳор фаслида дарахт шохигаги куртакларнинг жойлашишига разм солсак, улар бир хил масофада жойлашган бўлади, бу ҳам ўзига хос ритм ҳисобланади. Ритм меъморий асарнинг ифодалилиги ва зарурий мувофиқлиги ёрдамида етиштириладиган, меъморий шакл усуллари умумийликка келтирадиган муҳим восита. Ритм узлуксиз такрорланувчи шакллар ва интерваллар кетма-кетлиги ёрдамида яратилади. Ритм оддий битта шаклнинг такрорланиши бўлиб, мураккаб, барокко услуби, готиканинг кўпгина қурилмалари сингари – шакллар гуруҳи қайтарилишига асосланган бўлади. Оддий ритм қонунийлиги – шакллар тенглиги. Тенг миқдорларнинг такрорланишига асосланган тартиб *метр* деб аталади. Мисол тариқасида қадимги юнон эҳромлари колонналарини олишимиз мумкин. Меъморчилик композициясида кенг қўлланилган ритм тури – бу ритмик катори, элементларнинг такрорланиши. У узилган фаол элементлардан тузилган, галма-гал интерваллардан ёки бир-бирига ёндашган элементлардан пайдо бўлиши мумкин. Ритм нақшдаги ҳаракатнинг узлуксиз ва гўзал кўринишини таъминлайди.

Меъморчиликдаги эпиграфик безакларни яратишда ҳам барча композиция қонуниятларига амал қилинган. Араб хаттотлиги хат турларида ифода этилган ҳарфлар меъморий безак даржасига олиб чиқилган. Бунда уста, рассом ва хаттотлар ўз тажрибаларига таянган ҳолда, юқори дид билан матнлар иштирокида янгидан-янги композициялар яратишган. Баъзан матнларнинг ўзидан, баъзида эса турли нақш элементларини ишлатган ҳолда турли услубдаги эпиграфик композициялар ишлаган. Қуйида бир нечта матнли композицияларнинг композицион ечимларини таҳлил қилиб кўрамиз:

Меъморий обидаларнинг экстерьер қисмлари хусусан, девор сатҳларини тўлдириб турган Майолик композицияларда қисқа матнларни учратишимиз мумкин. Бунда матн умумий экстерьер композициясининг ажралмас бир қисмига айланиб кетган.




3.1. Расм. Безак геометрик таҳлили. Улуғбек мадрасаси (1417-1420).

Самарқанд. XV аср.

Композиция марказида айлана шакл ичида топилган саккиз қиррали юлдуз жойлаштирилган бўлиб, юлдуздан тарқалган чизиқларнинг давом этиши асосида турли шакллар юзага келган. Улардан бир тури қирралари марказга қараб юлдуз атрофини ўраб турган квадратлардир. Дастлабки квадрат ичига “Аллоҳ” ва кейингисига “Муҳаммад” сўзлари куфий хатида ёзилган. Мазкур матнли квадратлар кетма-кетликда марказ бўйлаб айланиб бир-бирини такрорлаб келаверган. Ана шу аснода композиция давомли кўриниш олиб, кенгайиб боравергани сари матнли квадратлар қатори ҳам кўпайиб борган.

Шоҳизинда меъморий мажмуаси таркибига кирувчи Али Насафий мақбарасига тегишли қуйидаги безак қисми юқорида келтириб ўтилган майолик матнли композициядан тубдан фарқ қилади. Ушбу безак мақбара бош пештоқи атрофи бўйлаб туширилган бўлиб, гирихли композициядан эпиграфик безаклар кўпроқ ўрин эгаллаган. Марказда жойлашган саккиз қиррали юлдуз ичида айлана шаклда куфий хатида Қуръони карим “Бақара” сурасининг 255-ояти, яъни “Оят ул-курси”, айлана атрофида эса “Имон калимаси” ва “Бисмиллоҳ” ёзилган. Саккиз қиррали юлдузнинг давомий

чизиқлари бўйлаб ҳам матнлар жойлаштирилган. Юлдузнинг 90 градусли тўртта қирраси атрофида ҳосил бўлган геометрик шакллар ичида эса ислимий нақш элементлари туширилган. Композиция пиширилган терракота услубида бажарилган бўлиб, айлана ичида жойлаштирилган матн ҳарфлари тилларангда, саккиз қиррали юлдуз атрофини ўраб турган матнлар эса, оқ рангда тасвирланган.




3.2. Расм. Безак геометрик таҳлили. Али Насафий мақбараси.

Самарқанд. XIV аср.

Олти бурчакли картуш Оқ Сарой пештоқларининг атрофини ўраб турган эпиграфик безакларнинг бир қисми бўлиб, картуш ичида яхлит доиравий композицион ечимга эга сулс хатидаги матн жойлаштирилган. Композицияни яратишда “Эй, абадий зот!” дея таржима қилинадиган қисқа матн айлана ҳолатда олти марта такрор ёзилган. Айлана марказида жойлашган олти япроқдан иборат гул тасвири ичида “ۋ” (Эй) сўзи қарама-қарши томонидаги худди шу сўз билан туташган ҳолда 30 градусли олти илгак шакллари ҳосил қилган. Илгаклар бир-бири билан кесишиб ўтиши натижасида эса композиция марказида олти қиррали юлдуз тасвири ҳосил бўлган. Юлдузнинг қирралари илгакларнинг кесишган нуқталарига тўғри келиб марказдаги гул ҳошияларининг кўринишига умуман ҳалал бермаган.

Натижада деярли ҳарфлардан иборат композиция янада мукаммал кўринишга келган.



3.3. Расм. Безак геометрик таҳлили. Оқ Сарой.

Шахрисабз. XV аср.


Қуйида бадий таҳлили келтирилган эпиграфик композиция юқоридагиларидан фарқли равишда бироз соддароқ ва яхлит кўринишга ега. Квадрат марказида кичик ва катта айлана шакллар мавжуд бўлиб, кичик доиранинг ташқи чизиғи ҳамда катта доиранинг ички чизиклари орасида айлана бўйлаб матн туширилган. Квадрат томонларининг марказларида ҳам кичик айлана шакллар туширилган ва бурчакларида ислимий гул тасвири жойлаштирилган. Матн ҳарфлари ҳамда гул бандлари оқ рангда, доиралар ичи эса ёрқин ҳаворангда ишланган.



3.4. Расм. Безак геометрик таҳлили. Ширинбека Оқо мақбараси.

Самарқанд. XIV аср.

Умуман олганда фақат айлана шаклда ишланган эпиграфик композицияларда мураккаб ечимлар қўлланилмаган, яъни ҳарфлар камдан-кам ҳолларда стилизация қилиниб, шаклий ўзгаришларни қўлламаган ҳолда матн соддароқ кўринишда ушлаб қолишга, ўқиш учун қулай кўринишда бўлишига ҳаракат қилинган.




3.5. Расм. Безак геометрик таҳлили. Ширинбека Оқо мақбараси.

Самарқанд. XIV аср.

Юқоридаги композицияда ҳам, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, айлана композициянинг матнли қисми соддалигича қолдирилган. Матннинг тепа ва пастки қисмлари қалин нақшинкор ҳошиялар билан ўралган. Матн ва нақшлар бир-бирига умуман ҳалал бермаган ҳолда яхлит композицион кўринишни ҳосил қилган. Натижада томошабин айлана ичидаги матнни осонлик билан ўқий олади.

Доиравий шакллар иштирокида бошқачароқ кўринишдаги композицияларни ҳам учратишимиз мумкин. Бунда бир эмас бир нечта доиралар иштирок этган ва матнлар ҳам ҳосил бўлган шаклларга мослаб стилизация қилиган.



3.5. Расм. Безак геометрик таҳлили. Занги Ота мақбараси.

Тошкент. XVI аср.

Расмда таҳлили келтирилган эпиграфик композицияда квадрат томонлари марказидан ўтган чизиқлар тенг иккига бўлиб турган тўртта айлана шакл туширилган бўлиб, мазкур шакл ичига куфий хатида стилизация қилинган матн жойлаштирилган. Тўрт айлананинг марказларида кичик доиралар ичида ҳамда композицияни йиғиб турувчи квадратнинг бурчакларида гул тасвирлари туширилган. Бу ерда ҳам нақш элементлари композициянинг эпиграфик қисмига ҳалал бермаган. Ушбу композиция

ёғоч ашёсида бажарилган бўлиб, матн ва нашқлар ёғоч сатҳидан бўртиб чиқип турган ҳолда ишланган.

Бундан ташқари бошқа геометрик шакллар иштирокида ҳам эпиграфик композициялар ишланган. Тўғритўртбурчак, олти, саккиз қиррали узунчок картушлар, саккиз, ўн икки ҳамда ўн олти бурчакдан иборат тенг томонли ёки узайтирилган кўринишдаги юлдуз шакллари билан ҳам матнли композициялар яратилган. Ҳарфлар мазкур шаклларга мутаносиб равишда шаклан ўзгариб бораверган. Бундай композицияларда матнларни ўқиш бироз мушкуллик келтириб чиқаришига қарамасдан бадиий жиҳатдан мукамал кўринишга эга бўлиб бораверган. Матнлар фақатгина ахборот етказувчи бўлибгина қолмай, балки такрорланмас меъморий безаклар сифатида биноларга ўзгача кўриниш бериб борган.

3.2. Эпиграфик композицияларда ислимий ва геометрик нақш элементларининг қўлланилиши

Ҳар бир композиция ислимий ёки геометрик нақш элементлари иштирокида яратилган бўлиб, иншоотларнинг экстерьер қисмидаги эпиграфик безакларда одатда матнлар орасида ислимий нақшлар қўлланилган бўлса, интерьер қисмидаги композицияларда (ислимий ва геометрик нақшли намоёнлар, кундал ва ҳ.к) эса аксинча, матнлар тўлдирувчи элемент сифатида қўлланилган. Ислимий ва геометрик нақш элементларининг эпиграфик композицияларда қўлланилишини таҳлил қилишдан аввал нақш ва унинг турларига тўхталиб ўтсак:

Нақш – арабча *тасвир*, *гул* деган маънони англатади. Қуш, ҳайвон, ўсимлик, геометрик ва бошқа турдаги элементларни маълум тартибда такрорланишидан ҳосил қилинган безак тури ҳисобланади. Ислом талабларига бўйсуниб оқибатида жониворлар, паррандалар ва одамларни тасвирлаш йўқолиб бориб наққошлик ривож топган. Араб ёзуви ўзлаштирилиши натижасида нақшлар билан унвонли ёзув (эпиграфика)

услуглари пайдо бўлган. Араб ёзуви нақшлар билан бирга чизилган. Араб ёзуви ҳам безак, ҳам дуо афсунлар вазифасини бажарган.

Ислом санъати ва маданияти учун хос нақшлар услуги X-XII асрларда юзага келган. Дастлабки нақш андозалари қўлёзмаларни безаш учун мўлжалланган. Бир вақтнинг ўзида нақш меъморий бинолар текисликларини ҳам забт этган. Ниҳоят, XIV-XVI асрларда янги технологияларнинг қўлланилиши туфайли санъатнинг барча турларида нақшли композициялар ифодалана бошланган. XIV асрдан эътиборан меъморий иншоотларда сирланган ғишт ва камсонли ўйма қисмлар билан бир каторда, девор сатҳини тўла эгаллайдиган мураккаб шаклли ўсимлик шохлари ва гулларини тасвирлашга имкон берадиган янги турдаги сирли сопол мозайика ва гулдор сирли сополлар қўлланила бошланган.

Исломда икки хил нақш услуги мавжуд; хандасавий-гириҳий (гириҳ-арабча —тугунл) ва ўсимликсимон-ислимий. Хандасавий нақшлар асосан меъморий иншоотларда қўлланилган. Бинолар деворларини безашда улар шакл уйғунлиги ва аниқ ҳисобга эришиш имконини берган. Гириҳий нақшнинг мукаммаллашиши математика фани тараққий этиши билан боғлиқдир. Нафис ва жозибador ўсимликсимон нақшлардан санъатнинг деярли барча турларида фойдаланилган. Мусулмон оламида турли даврларда ўсимликсимон нақшлар муҳим ва етакчи ўрин эгаллаган. Дастлабки босқичларда у Европа маданий анъанасида рангтасвир қандай ўрин эгаллаган бўлса, айнан шу аҳамиятни касб этган. Фарқи, шаклу-шамойил ва композициянинг қонунийлигида бўлсада, услубнинг ўзига хослиги, идеал гўзаллик ҳақидаги тасаввурларга ўхшаш эди. Табиатига кўра ислимий нақш Шарқ мусиқаси ва шеърияси синггари Шарққа хос хусусиятларнинг маҳсули бўлган. Нақшларнинг нафис ўйинлари, тўлғонаётган чизиқларнинг осуда ҳаракати мақомларнинг зикрий оҳангларига, ғазал ва рубойлар ҳижоларига ҳамоҳанг бўлиб, улар вазмин ва мушоҳадакор Шарқ ҳаёт тарзининг умумий манзарасини намоён этади.

IX-X асрларда Ўрта Осиёда наққошлик санъати авж олиб ривожланган. Архитектурада ғишт қалаб нақш солиш юксак даражада ривожланган, биноларнинг ички томонига ганч, ёғоч ўймакорлигини қўллаш юксак ривож топди. Айниқса, мақбараларнинг пештоқлари девор ва равоқлар ганч нақшлар билан жуда нафис безатилган. Нақшлар мураккаблашиб боргани сари уларнинг янги нусхаларида рамз, тасвирлар, тимсол, дуо афсунлар, тасбиҳ ва бошқалар нақадар мўллигини кўрамиз. Рамзий нақшлар дунёда содир бўлаётган воқеликлар, тилакларни акс эттирган. Ҳар бир чизилган нақшда ўзига хос маъно бўлган. Чунончи, ўсимликсимон нақш гулсапсарни олайлик, у осойишталик ва умр узоклик тимсоли, «печак ислимий» нақши бойлик ва фаровонликни, новда ва япроқлар эса тўкинчилик ҳамда баҳор чоғида уйғонишни билдиради. Мусаввирнинг тасвирлари бу унинг она табиатга бўлган муҳаббатини билдиради. Унинг ранглари ўзига хос маъно ва характерга эга.

XIV-XV асрларда Ўрта Осиё халқлари тарихида тараққий этган феодализм иқтисодий ижтимоий формацияси даврида феодал ишлаб чиқаришга асосланган ўзига хос бир қатор иқтисодий маданий кўтаринкилик рўй берди. Бу даврни биз ҳозир Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Камолиддин Бехзодга ўхшаш жуда кўп истеъдодли адиблар, олимлар, мутафаккирлар, санъаткорлар номлари билан боғлиқ бўлган уйғониш (Ренессанс) даври деб атаймиз. XIV-XV асрларда Самарқандда тез суръатлар билан турли-туман иншоотлар курила бошлаган. Бу курилишларда Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Закавказье, хуллас Амир Темур ҳукмронлиги остида бўлган барча ўлкалардан келган меъморлар, ҳунармандлар, усталар, санъаткорларни кўриш мумкин эди. Улар ўзлари бунёд этаётган иншоотларга бутун билимлари, ҳунарлари ва санъаткорона маҳоратларини бахш этганлар. Ўша даврда Самарқанд ва Мовароуннахрнинг бошқа жойларида бунёд этилган жуда кўп ҳашаматли тарихий маданий обидаларда Ўрта Осиё халқларидан ташқари бутун яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг ўзига хос бой,

сермазмун, бадий эстетик меросининг синтези қоришиб, уйғунлашиб кетган эди, десак муболаға бўлмаса керак»³¹.

Моҳир усталар деворнинг узун қисмини тоқ сонга бўлиб, деворларда дераза, токча ва тахмонлар учун жой қолдиришган. Токча, тахмон ва деразалар орасида ҳам жой қолдирилиб, улар ўйма намоён билан безатилган. Усталар бинонинг интерйерини безашда уни уч қисмга бўлишган, деворнинг пастги қисмини *изора* (панел) билан беаганлар, ўрта қисмига кўпинча *токча*, *намоён* ва *дахана* ишланган, деворнинг энг тепа қисм *шарафа* билан безатилган, тахмон, токча, дераза четлари *занжира* деб аталадиган нақш билан хошияланган. Бу занжиранинг эни кўпинча 4–5 см бўлган, чуқурлиги бир неча мм.дан ошмаган. Занжирадан каттароқ (12– 20 см) бўлган нақш *ислимий* ёки *рута* (хошия) нақш деб аталган. Булардан ташқари, токча, тахмон, дераза ва ҳ.к.ларнинг четига рахлар қилинган, рута занжиралар кўпинча қуйма асосида ишланган, токча, тахмонларнинг шарафа оралиғида жойлар қолдирилган, бу *китоба* деб аталган. Изора билан токча орасида қолдирилган жой *лаъли* деб юритилган, токчалар ички қисмининг тепасига ёки токча қисмининг тепасига яримшарсимон қилиб шарафа ишланган, ёки токча бир неча кичкина бўлакчаларга бўлиниб, унинг четлари ўйма ганч билан безатилган, буни усталар *токчабанди* деб атаганлар. Усталар токчаларни ҳар хил йўллар билан беаганлар. Лаъли деган жойга ўсимликсимон ёки геометрик нақшлар чизилган. Китобага арабча ёзувлар ёзилиб, чизиб ёки ўйиб безатилган, намоёнларга эса кўпинча гул тувакли гулдастанинг ўйма нақшлари тасвири туширилган³².

Ислимий нақш – ўсимликсимон шаклдаги такрорланувчи қисмлардан иборат асосий нақш тури. Нақш асосини *таноб*, *банд*, *барг*, *куртаклар* ташкил этади. Бир-бирига узлуксиз уланиб, ўралиб кетадиган чирмовиқсимон, ўсимликсимон нақшларнинг таркорланишидан ташкил топади. Шунинг учун ҳам баъзан усталар уни *ўрама* ёки *ўсимликсимон нақш*

³¹ **Naqqoshlik.** Kasb-hunar kollejlari uchun o'quv qo'llanma. /S.S. Bulatov, P.P. Shabaratov, M.A. Rasulov;

³² **Naqqoshlik.** Kasb-hunar kollejlari uchun o'quv qo'llanma. /S.S. Bulatov, P.P. Shabaratov, M.A. Rasulov;

деб ҳам атаганлар нақш қайси шакл билан тўлдирилса унга шу шаклнинг номи берилган³³.

Наққошликда 10 та оддий нақш намуналари мавжуд ва улар қуйидагилар:

1. бодом гули, 2. ислимий як рафтор (бир йўналишли нақш), 3. баргли рафтор ислимий, 4. баргли ислимий, 5. айлана шукуфта ислимий, 6. меҳроб ислимий, 7. ислимий бофта, 8. қўш меҳробли ислимий, 9. ислимий патнисгул, 10. ислимий шукуфта.

Мазкур нақш намуналари асосида бошқа мураккаб ислимий нақш композициялари яратилган. Эпиграфик композицияларда эса юқоридаги намуналардан бир нечтаси қўлланилган. Қуйида ислимий нақш элементларининг қўлланилишини нақш турлари кетма-кетлигида кўриб чиқамиз:



3.6. Расм. Безак фрагменти. Қусам ибн Аббос мақбараси.

Самарқанд. XV аср.

Ушбу эпиграфик композицияда *бодом гули, баргли рафтор ва айлана шукуфта ислимий* нақш элементлари қўлланилган бўлиб, гул новдалари бирига туташган ҳолда учта айлана ҳосил қилган. Новдалар оч хаворангда, бодом гуллари эса ёрқин оловрангда ишланган. Композициянинг пастки қисмидан жой олган нақш элементлари окрангда туширилган матннинг

³³ <https://uz.wikipedia.org/wiki/Islimiy>

ўқилишига ҳалал бермаган ҳолда умумий композицион кўринишдан жой олган. Юқори қисмдаги матн алоҳида тугал жумла бўлгани учун унинг ҳарфлари оловрангда тасвирланган ва нақш элементлари таъсиридан холи равишда жойлаштирилган.



3.7. Расм. Безак фрагменти. Ширинбека Оқо мақбараси.

Самарқанд. XIV аср.

Квадрат шакл ичида топилган ушбу композициянинг марказида айлана ичида матн жойлаштирилган, квадратнинг тўртта бурчагидан эса чиннигуллар жой олган. Чиннигуллар бурчакка қараб ёйилган япроқдан бошланиб, икки томонга қараб очилган икки чиннигул билан якунланган. Матн ва гуллар композициянинг алоҳида қисмларидан жой олгани сабабли ҳам бир хил, оқ рангда тасвирланган, композиция замини эса Самарқанд кошинкорлик мактаби анъаналарига хос равишда мовий рангда ёпилган. Гулларни бир-биридан ажратиб турган кичик айланалар очиқ ҳаворангда ишланган. Композициядаги чиннигуллар тасвири ҳаёт рамзини ифодалайди.

Шайх Занги Ота қабртоши юқори юзасида ишланган ушбу тўрт гулбарг шаклидаги ўрама(картуш) ичида “Буюк Аллоҳбарча айб-гуноҳлардан поклайман”, “Барча нарсаларни билгувчи Аллоҳни барча айб-нуқсонлардан

поклайман” калималари куфий хатида стилизация қилинган ҳолда тасвирланган. Картуш атрофидан яъни композицияни йиғиб турган квадратнинг тўртта бурчагидан бир хил ўлчамда “*гулунг нусха*” яъни, ўрик гуллари шодаси ўрин олган. безаклар ҳамда ёзув услубига кўра мазкур сангтарошлик намунасини Самарқандлик усталар яратишганини билиш қийин эмас. Ўрик гули шодаларини квадрат томонлари марказидан жой олган тўрт кичик айлана ажратиб турибди. Мазкур айланалар ичига ҳам ўрик гуллари тасвири туширилган.



3.8. Расм. Безак фрагменти. Занги Ота мақбараси.

Тошкент. XVI аср.

Ёғоч ўймакорлигида ҳам эпитафик композициялар яратилган бўлиб, асосан жамоат бинолари асосий кириш эшиклари юқори қисмларига кичик матнли композициялар жойлаштирилган. Уларнинг деярли барчасида ислимий нақш элементлари ишлатилган. Бунда гуллар тасвири композиция заминидан бироз баландроқ қилиб ўйилган бўлса, матнли безаклар гуллардан бироз баландроқ яъни, эшик юзаси билан тенг қилиб ўйилган. Бундай композицияларда асосан ёғоч ўймакорлигида кенг қўлланиладиган ислимий нақш элементларидан фойдаланилган.



3.9. Расм. Безак фрагменти. Гўри Амир мақбараси.

Самарқанд. XV аср.

Геометрик нақш – турли хил, бир-бирини кесиб ўтган беҳисоб чизиқлар, ҳар хил бурчакли ва қиррали юлдузлардан ташкил топган геометрик нақш *гириҳ* деб юритилади. *Гириҳ* – форсча, чигал, тугун деган маънони беради. Ҳандасавий нақш – тўртбурчак, учбурчак ва бошқа элементлардан ташкил топган геометрик мураккаб нақш тури. Гириҳ тўғри, эгри ва аралаш чизиқларга бўйсундирилган бўлиб, ўзига хос шартлилиikka эга. Бу нақш турининг кенг тарқалиши безак санъатининг ривожланишига янгидан-янги имкониятлар очиб берди³⁴.

Ўрта асрлар меъморчилигининг ўзига хос жиҳатларидан бири бу сирланган терракотада ишланган эпиграфик композициялардир. Бундай композициялар нафақат матнларнинг кўплиги билан, балки, мураккаб геометрик кўринишлари билан ҳам ажралиб туради. Ҳар бир шакл эпиграфик ҳамда геометрик нақш элементлари билан тўлдирилган. Композиция таркибидаги шакллар ва нақшлар бир-бирини такрорлаб келса, матнлар аксинча давомийлигини сақлаган ҳолда композиция шаклларига мослашиб борган.


³⁴ **Naqqoshlik.** Kasb-hunar kollejlari uchun o'quv qo'llanma. /S.S. Bulatov, P.P. Shabaratov, M.A. Rasulov;



3.10. Расм. Безак фрагменти. Али Насафий мақбараси.

Самарқанд. XIV аср.

Али Насафий мақбараси экстерьер қисмини безаб турган ушбу эпиграфик композиция давомий саккиз қиррали юлдузлардан ташкил топган. Томонлари тенг ҳамда узунчоқ кўринишдаги юлдузнинг ичи тўлиқлигича матнлар билан тўлдирилган. Юлдузларнинг давомий чизиклари асосида ҳосил бўлган геометрик шакллар ичига нақш элементлари жойлаштирилган.



3.11. Расм. Безак фрагменти. Улуғбек мадрасаси (1417-1420).

Самарқанд. XV аср.

Обидалар экстерьер қисмларини тўлдириб турувчи маҳобатли майолик безакли композицияларда ҳам эпитафик ҳам геометрик нақшлар мутаносиблигини кўришимиз мумкин. Расмдаги композиция катта ва кичик ромблардан тузилган бўлиб, композициянинг марказий қисмида ўртача ҳажмдаги ромб шакли жойлашган ва мазкур ромбнинг тўртта бурчагидан кичик ромблар ўрин олган. Кичик ромблар чизиқларининг давом этиши эвазига бурчаклари ўйилган кўринишдаги катта ромблар ҳосил бўлган ва айнан ана шу ромблар ичига матнлар жойлаштирилган. Композициядаги геометрик чизиқлар ҳамда матнни ифодаловчи чизиқлар оч ҳаворанг майолик плиткаларда ишланган бўлиб, барча чизиқлар мовий рангли плиткалар билан ҳошияланган. Марказдан ўрин олган ўрта ҳажмли ромблар ичида гул тасвири туширилган худди шундай шаклдаги кошинлар жойлаштирилган.



3.12. Расм. Безак фрагменти. Улуғбек мадрасаси (1417-1420).

Самарқанд. XV аср.

Девор сатҳини тўлдириб турувчи эпитафик композициялар бино экстерьерининг деярли барча нукталаридан ўрин олган. Равоқлар атрофида,

катта равоқлар ичида, кичик ҳужраларнинг ташқи қисмларида, миноралар юзаси ҳамда гумбазларнинг асос қисмларида геометрик нақшлар уйғунлигида ажойиб композициялар ишланган. Катта равоқлар ичини тўлдириб турган мураккаб кўринишли расмдаги композиция марказида саккиз қиррали юлдуз шакли жойлаштирилган. Юлдуз атрофини қирралар орасида жойлашган томонлари тенг ромблар ўраб турибди. Мазкур ромбларнинг ташқи бурчаклари бўйлаб айлана асосида синдирилган саккизбурчак ўраб олган. Саккизбурчак ва тенгтомонли ромблар ўртасида ҳам чўзиқроқ кўринишли ромблар ҳосил бўлган ва ана шу кичик ромбчалар бурчакларига туташ равишда қўшромблар туширилган. Тенгтомонли ҳамда қўшромблар ичига “Аллоҳ” ва “Муҳаммад” сўзлари кетма-кетликда ёзилган. Худди шу йўсинда композиция давом этиб борган ва бетун равоқ ичини қамраб олган. Бир қарашда оддий кўринадиган ушбу композиция аниқ математик ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда амалга оширилган.



3.13. Расм. Безак фрагменти. Улуғбек мадрасаси (1417-1420).

Самарқанд. XV аср.

Нисбатан соддароқ кўринишга эга ушбу эпиграфик композиция кичик равоқ ичида жойлашган. Марказий қисмда йирикроқ матн туширилган бўлиб, матннинг кўриниши ромб шакл ичида топилган. Матннинг икки ёнидан тўрт япроқли геометрик услубдаги гул тасвири ярим кўринишда жой олган. Мазкур нақш элементи ҳам ромб ичида топилган. Шу аснода композициянинг умумий кўриниши бир-бирини тўлдириб турувчи ромбли шакллардан ташкил топган.

3.3. Ўрта асрлар меъморчилигида эпиграфиканинг ашёларда бажарилиши (мозайка, майолика, терракота, кундал, ёғоч ўймакорлиги)

Ўрта асрлар темурийлар даврига келиб меъморчиликнинг юқори даражада ривожланиши таъсирида эпиграфик композицияларнинг ҳам ранг-баранглиги ошаверган. Яъни эпиграфик безаклар турли хил усулларда, турли ашёларда, турли ўлчамларда бажарила бошланган. Хаттот ва мусаввирлар, кошинкор, ганчкор ва ёғоч ўймакор усталарнинг биргаликдаги самарали меҳнатлари эвазига бутун дунёни лол қолдирган, турли эпиграфик композициялар яратилган. Кошинкорлик санаъти билан биргаликда майолика ва мозайка безаклари вужудга келган.

Йирик иморатларда қурилиш материалларининг турли-туманлиги кўзга ташланади. Тош кенг қўлланилган. Аксарият иншоотларнинг пойдеворлари картурли тошлардан терилган. Тош устунлар, изоралар, тош қопланган белбоғлар ва улоқлар ҳам кам эмас. Айрим меъморий унсурлар - устунларнинг серқирра негизлари, турли кўринишдаги панжаралар, деворларнинг нақшинкор қопламасида ишлатилган нафис безакли парчин-улоқлар мраммрдан тарошланган. Тоштахтасимон сирланган пишган ғишт асосий қурилиш жихозлигича қолган. Асосий қурилиш қоришмаси сифатида: маҳаллий ганчнинг ҳар хил турлари ғиштин иншоотлар тузилмаларида, бинобарин устанинг тузилма танлашига қараб ганч соф ҳолда (тез қотади) ёхуд соф тупроқ аралаштирилиб ишлатилган. Ер остида ғишт терилганда эса кул аралаштирилган оҳак-қирдан фойдаланилган. Безаклаш-пардозлаш

ишларида ложуварли майда сиркор ғиштлар, сирланган сопол, гул безакли сувоқлар, ганч ва кундал уймакорлиги, ёпиштириладиган тошкоғоз зийнатларидан кенг фойдаланилган. Марказий Осиёда кошин асосида йиғма кадама нақшлар XIV асрнинг 70-йилларида кўхна Урганчда қурилган Тўрабика Хоним хонақосида биринчи марта қўллангани қайд этилган. Моҳирона уйилган нақшлар, шубҳасиз, узоқ муддатларда жамланган тажрибалар натижасини ўзида мужассамлаштиради, бинобарин Марказий Осиё сарҳадларида бундай услуб қўлланган янада қадимийроқ намуналар ҳозирча топилгани йўқ.

XIV-XV асрларда кошинкорлик санъати ривожланиши таъсирида биноларни кошин ва парчинлар билан безатиш авж олган. Кошин ва парчинлардан ажойиб нақшлар ҳосил қилишга эришилган.

Майолика – керамиканинг бир тури бўлиб, рангли гилларни қиздириб, глазур қопланиб тайёрланадиган кошинлаш материали ҳисобланади. Майолика майин бўрттирилган ёрқин кўринишдаги, ялтирамайдиган глазур ёки оқиш тусдаги ярим ялтирайдиган кўринишга эга бўлиши мумкин. Майолика сўзи италянча *маиолика* сўзидан олинган бўлиб, испан оролларида бири –Малорка ороли номида юритилади. Биринчи майолика намуналари Миср, Вавилон ва Эрон ҳудудларидан топилган. Кейинчалик майолика Ўрта, Марказий ва Олд Осиё ҳудудларига ҳам тарқалган. Барча турдаги майолика ва Мозайикаларни лойиҳалаш учун энг аввал унинг шакли ва ҳажмини белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Майолика ва Мозайикаларнинг ҳажми у ишланадиган деворнинг катта-кичиклигига боғлиқ бўлади. Агар девор қанча катта бўлса, безакнинг ўлчами ҳам шунча катта бўлиши мумкин. Агар девор қанча кичик бўлса, безак ҳам шунча кичик бўлиши керак. Катта девордаги безакларга катта ҳажмли композиция элементларидан, кичик ҳажмли безакларга кичик ҳажмли композиция элементларидан фойдаланиш керак. Майолика ва Мозайикаларнинг шакл-у шамойили аниқланганидан сўнг, унинг мавзуси танлаб олинади. Бунда хонадан қандай мақсадларда фойдаланиш, бу хона кимлар учун мўлжалланганлигини ҳисобга олиш керак.

Бунда турли мавзулардаги намоён композициялари ва турли шаклларга эга бўлган гириҳ композицияларидан фойдаланиш мумкин.


Ўрта асрларда майоликада кичик керамик плиткалар орқали мураккаб композициялар яратилган. Мазкур безак тури билан асосан бинонинг тарзи, катта ҳажмли деворларнинг юза қисмлари, миноралар ва гумбазларнинг асос қисмларида эпиграфик композициялар яратилган. Майолик безакли композициялар одатда куфий хат турида бажарилган.



3.14. Расм. Безак фрагменти. Гўри амир мақбараси (1401-1405).

Самарқанд. XV аср.

Майолик безаклар нафақат катта ҳажмли юза қисмларни ёпган, балки, бино билан биргаликда маҳобатли композицияни яратган. Катта ҳажмли майоликада бажарилган эпиграфика намуналари меъморий обидани янада саловатли кўрсатишга хизмат қилган. Мазкур безакларда куфий хати ҳарфлари билан биргаликда турли нақш элементлари ҳам қўлланилган. Бунда Майолик нақшлар тўлдирувчи вазифасини бажарган ва шу кўринишдаги композициялар гумбазларнинг асос қисмида кўпроқ қўлланилган бўлиб, матннинг давомийлиги алоҳида эътибор берилган ҳолда жойлаштирилган.



3.15. Расм. Безак фрагменти. Биби-Хоним масжиди.

Самарқанд. XIV-XV асрлар.

Катта ҳажмли девор юзасида эса, аксинча кичик-кичик матнлар Майолик безакли композицияларни тўлдириб турган. Яъни такрорий бажарилган геометрик нақшлар (саккиз қиррали юлдуз ва б.қ.)нинг ички қисмлари кичик матнлар билан тўлдирилган. Матнларда асосан “Муҳаммад (с.а.в)” ва “Аллоҳ” сўзлари ёзилган. Бундай майолик композициялар масжид ва мадрасалар кириш равоқларининг ички қисмларида ҳам қўлланилган.

Бундан ташқари майоликада матнли композициялар ички ва ташқи равоқлар атрофида ҳам давомий тарзда бажарилган. Бунда матн равоқнинг ўнг томон пастки қисмидан бошланиб чап томон пастки қисмида тугатилган. Натижада матнли композиция бутун равоқни қамраб олган ҳолда у билан биргаликда катта ҳажмли мураккаб композиция ҳосил қилган. Бундай композициялардан асосан мадраса ва масжидларда кўпроқ фойдаланилган. Чунки, ҳар иккала турдаги жамоат биноларига ҳам одамлар доимий тарзда ташриф буюриб туришган. Мадрасаларда диний ва дунёвий билимлардан сабоқ олишса, масжидларда иймон келтириб тавба-тазарру қилишган, намоз ўқишган. Мадраса ва масжидлар халққа маърифат улашувчи, иймонли бўлишга, ёлғиз Аллоҳга ишонишга ва итоат этишга ундовчи масканлар

ҳисобланган. Айнан шунинг учун ҳам уларда Қуръони Карим оятлари келтирилган эпиграфик безаклар ишланган.



3.16. Расм. Улуғбек мадрасаси бош тарзи.

Самарқанд. XV аср.

Ўрта асрларда Марказий Осиё меъморчилигида энг кўп қўлланилган безак турларидан яна бири бу мозайикадир. Мазкур безак тури ҳам майолика каби керамик кошинларда бажарилади. Майоликадан фарқли ўлароқ мозайикада ўрта ҳажмли композициялар ҳар хил шаклдаги кичик бўлақлардан йиғилган ҳолда яхлит кўринишга келтирилади. Бунга асосий сабаб, кичик бўлақларни кулолчилик печларида пишириш (одатда адашиб кетмаслик мақсадида бўлақларнинг орқасига кетма-кетликда тартиб рақамлар қўйилади) бирмунча қулайлик келтириб чиқаради. Бундан ташқари мозайикада ишланган композиция (кичик бўлақлардан йиғилганлиги эвазига) ўзига хос ва чиройли кўриниш касб этади.

Мозайика (франсузча *mosaïque* – музаларга бағишланган) – бир хил ёки турли хомашё (кошин, тош, ёғоч, мармар, металл ва башқ.) бўлақлардан ишланган тасвир, нақш. Маҳобатли (монументал) безак санъатининг турларидан биридир. Асосан, бинолар, Асосий элементни ёнма-ён териб чиқиш, амалий санъат асарларини безатишда, дастгоҳ санъат асарларини яратишда қўлланилади. Мозайика йиғишнинг 2 хил усули фарқланади: нақш


(тасвир) мустаҳкамловчи модда (оҳак, семент, мум ва бошқ.) суртилиб безатилаётган юзага майда бўлақлардан тўғридан тўғри териб ҳосил қилинади; тескари теришда расмли қоғоз ёки матога бўлақлар ўнг томони билан ёпиштирилади, сўн тескари томонига мустаҳкамловчи модда суртилиб, безатилаётган юза (девор ёки шифт)га бириктирилади. Мозайиканинг алоҳида тури –*инкрустация* деб йуритилади. Турли рангларга бўялган доиралардан иборат энг қадимий Мозайикалар миллоддан аввалги 3-минг йилликка мансуб. Мозайика Қадимги Шарқ мамлакатларида, антик давр ва Ўрта асрларда Византия, Италия, Грузия, Қадимги Русда ривожланган. Ғарбий Европа санъатида безак Мозайикалар кенг тарқалган. Ислом мамлакатларида XIII–XV асрларда қошинли Мозайикалар ривожланган бўлиб, қолиплар воситасида ишланган бўлақлардан йиғилиб, мураккаб нақш (тасвир) лар ҳосил қилинган. XIV–XV асрларда Самарқанд ва Бухородаги бинолар пештоқларига ишланган Мозайикалар жозибадорлиги билан диққатни тортган.

Мозайикада ишланган эпиграфик композицияларда эса матн билан биргаликда ислимий, ўсимликсимон нақшлар ҳам тасвирланади ва айнан ана шу мутаносиблик оқибатида безак мукамал бадиий кўринишга эга бўлади. Мазкур безак турида асосан сулс, куфий ва сулс, насх, баъзан райҳоний ва ғубор хатларида битилган матнлар акс эттирилади.

XV асрда наққошлик санъати янада ривожланган. Натижада наққошликда кундал техникаси пайдо бўлиб ривож топган. Самарқандда Ашратхона, Оқсарой мақбаралари ва бошқа архитектура ёдгорликларининг ички қисми кундал усулида безалган.

Кундал – архитектурада деворга бўртиб ишланган безак техникаси. Меъморчиликда кенг тарқалган. Мўйқалам билан деворга суртилган қизил кесак бўртма шакл олади, устидан бўёқ ва зарҳал берилади. Замин зарҳалга, асосий бўртма нақш элементлари турли-туман рангларга бўялади ёки аксинча, бўртма нақш зарҳалга, замин эса турли рангга бўялади. XV асрдан бошлаб Самарқанддаги Ашратхона мақбараси, Бухородаги Амир мақбараси

баланд масжидда жозибадор намуналар сақланган. Ўрта ерда кундал техникасидаги безаклар кенг тарқалган. XVI-XVII асрга келиб сюжетларни кундал усулида нақшлар билан безаш ривож топди. Кундал усулида Бухородаги хўжа Зайниддин хонақоси (XVI аср), Баланд масжид (XVI аср), Абдулазизхон мадрасаси (XVI), Самарқанддаги Тиллақори мадрасаси (XVII аср) ва бошқалар безалди. Бу архитектура биноларида безалган нақшлар ўзининг бадиийлиги, ҳаракатчанлиги, ўзига хос оригиналлиги билан кишини ҳайратга солади. Нақшларнинг ҳар бири бир катта асар бўлиб воқеликни наққош тили билан қуйлаётгандек туюлади.



3.17. Расм. Гўри Амир мақбараси интеръери.

Самарқанд. XV аср.

Кундал композициялари силлиқ сувоқ қилинган деворларга темпера билан ишланади. Уларда асосан ўсимликсимон нақшлардан яратилган композициялар ишланади. Баъзи композициялар эса сулс, насх ва настаълиқ хатларида ёзилган матнлар билан тўлдирилади. Кундал композициялари ўзининг ранг-баранглиги билан ҳам кишини ўзига жалб этади. Ўсимлик

таналари жигарранг ва хаворангларда, гуллар ва япроқлар яшил, сариқ, пушти ва шу каби эътиборни тортадиган рангларда бажарилса, матнлар кўпинча оқ рангда тасвирланади. Шунинг учун ҳам матнларни бир карашда ажратиб олиш осонроқ. Бундан ташқари кундал техникасида фақат матндан иборат композициялар ҳам ишланади. Бунда матннинг ўзи давомий узун композицияни ҳосил қилади. Одатда матн фони ёрқин кўк рангда, ҳарфлар эса оқ рангда ишланади. Ўрта асрларда масжид ва мадрасаларда кундалда ишланган эпиграфик композицияларнинг ҳарфларига кўпинча тилла суви билан ишлов берилган ва бу ўз навбатида интерьернинг янада ҳашамдор кўринишда бўлишига сабаб бўлган.

Булардан ташқари Ўрта асрлар меъморчилигида ганчкорлик, сангтарошлик ва ёғоч ўймакорлиги безакларида ҳам эпиграфик композициялар тасвирланган бўлиб, уларда куфий ва сулс хатларидан ташқари бошқа хат турлари ҳам қўлланилган. Ганчкорлик композицияларида матнлар ислимий ва хандасавий нақшлар билан мутаносибликда тасвирланган бўлса, сангтарошликда асосан биноларнинг тарх қисмида яхлит матнли композициянинг ўзи ишланган. Ёғоч ўймакорлигида ёнғоқ ва тут каби пишиқ ашёлар (ёғочлар)дан ясалган эшикларнинг сиртига геометрик ва ўсимликсимон нақшлар солинган, хуснихат билан ишланган ёзувлардан эса кўшимча безак сифатида фойдаланилган. Самарқанддаги Шохи Зинда ва Амир Темури макбараларига ўрнатилган ёғоч эшиклар юксак даражадаги санъат асарлари сифатида қадрланади. Бундай композицияларда қисқа матнлар туширилган ва мазкур матнлар асосан сулс хатида ёзилган.

III боб бўйича хулоса

Юртимизда меъморчилик қадим-қадимдан юқори даражада ривожланган. Бунга тарихий обидаиаримиз масжидлар, мақбараларни мисол қилишимиз мумкин. Бу иморатларда ота-боболаримизнинг диди, дунёқараши, билим савияси, қурилиш маданияти нечоғлик юксак савияда эканлиги кўриниб турибди. Ўзбек диёрида бобокалонларимиз яратган баркамол теран мазмунли ва тарихан бебаҳо санъат асарлари жаҳон маданияти дурдоналари қаторидан ўрин олган. Ёдгорликларда қуёш нурида товланаётган саркор қошинлар нафис нақшу-нигорлар беихтиёр кишиларни ўзига мафтун этади. Бу нақшу-нигорлар бир неча асрлар олдин яратилган бўлсада, ҳозиргача ўз нафосатини кўркини юқотгани йўқ. Тош, сопол, материалларда ўз аксини топган оддий халқ томонидан қашф этиб яратилган бу монументал бинолар ўзининг бежиримлиги ва маҳобатлилиги билан кишиларни ҳайратга солмоқда.

Ўрта асрлар айнан Темур ва темурийлар даврида Марказий Осиё меъморчилигида эпиграфик безаклар ҳар томонлама ривожланиб борган. Ўрта асрларгача бўлган даврларда матнлар асосан ўқиш учун қулай содда кўринишларда кўпинча бир қизиқ устида тасвирланган бўлса, Темур ва темурийлар даврига келиб ҳақиқий безак сифатида янгидан-янги мураккаб композицион кўринишларга кириб борган. Қуфий ва сулс хатларидан ташқари насх, настаълиқ, райҳоний ва ғубор хатларида ҳам матнлар ёзилган. Бундан ташқари баъзи безакларда юқоридаги хат турлари асосида янгича ёзув услублари (масалан, шикасти ғубор хати) қашф қилинган. Эпиграфик безаклар одатий ашёлардан ташқари янгича ашёлар (қундал, ўйма терракота ва ҳ.к) ва усулларда бажарила бошланган. Матнли безаклар бинолар экстерьерининг катта қисмларини егаллаб борган. Бир сўз билан айтганда, Ўрта асрларда эпиграфик безаклар меъморчиликда энг кўп қўлланилган безак турларидан бири бўлган.

ХУЛОСА

Юқорида бериб ўтилган маълумотлар ва ўрганилган тарихий манбаларга тайанган ҳолда шуни таъкидлаб ўтишимиз жоизки, эпиграфиканинг келиб чиқиш тарихи туркий халқлар билан боғлиқ. Яъни битиктошлардаги матнлар ўрганилиб тарихий маълумотлар билан солиштирилганда, айнан тошлар топилган ҳудудларда туркий халқлар яшаганлигига, матнларда ҳам айнан уларга тегишли маълумотлар берилганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Эпиграфиканинг ривожланиши, аста-секин меъморчиликка кириб келиши ва архитектурада ўз ўрнига эга бўлишини ўрганиш жараёнида шуниси маълум бўлдики, айнан Марказий Осиё меъморчилигида битиклар нафақат маълумот манбаи, балки безак сифатида қўлланила бошланган. Қадимги Миср Юнонистон ва Римда меъморий обидаларда шунчаки қисқа маълумотлар (иншоот ким томонидан қачон қурилганлиги ҳақида) тасвирланган бўлса, мусулмон архитектураси, хусусан, Марказий Осиё меъморчилигида араб алифбосида ёзилган битиклар меъморий безак даражасигача кўтарилиб, уларда қисқа маълумотлардан ташқари Қуръони Карим оятлари, шеърӣ байтлар ва тегишли даврларнинг буюк сиймолари сўзлари ҳам тасвирлана бошланган. Меъморчилик ривожланиб боргани сари эпиграфик безаклар ҳам мукаммал кўриниш олиб бораверган. Хаттотлар ва рассомларнинг биргаликда ишлашлари мукаммал композицион ечимли эпиграфик безакларнинг яратилишига сабаб бўлган.

Ўрта асрлар меъморчилиги эпиграфикаси ҳақидаги маълумотлар Ўрта асрларга оид тарихий манбаларда учрайди. Бундан ташқари бизгача етиб келган меъморий ёдгорликлар, шунингдек, бошқа ашёлардаги битиклар намуналарини тадқиқ этар эканмиз, мусулмон эпиграфикаси тараққиёти Амир Темур ва темурийлар даврида, айниқса, ўз даврида улкан марказлашган дақлатнинг пойтахти бўлган Самарқанд шаҳрида алоҳида юқори босқичга кўтарилган.

Ўрта асрлар меъморий иншоотларида турли шакл ва услубдаги ёзувларга дуч келар эканмиз, асосан Жоме масжиди ёзувларида кишиларни

иймон-эътиқодли бўлишга даъват этилганини кўрамиз. Мисол, усун Бибиҳоним жоме масжиди кириш эшигида - “бу дунё бир лаҳзадир. Уни тоат-ибодат билан ўтказ” иборасида адолатга ҳам чақирилаётганининг гувоҳи бўламиз.

Умуман олганда, Ўрта асрлар Марказий Осиё ҳудудида Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида иншоотларнинг ташқи ва ички безаклари орасида эпиграфик безакларнинг ўрни ортиб борган. Турли давлатлардан келган уста ва рассомларнинг биргаликдаги меҳнатлари эвазига янгидан-янги эпиграфик композициялар, янгича услублар вужудга келган ва бу Ўрта асрлар меъморчилиги эпиграфикасига ўзининг ижобий таъсирини ўтказмай қолмаган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта асрлар айнан Темур ва темурийлар даврида Марказий Осиё меъморчилигида эпиграфик безаклар ҳар томонлама ривожланиб борган. Ўрта асрларгача бўлган даврларда матнлар асосан ўқиш учун қулай содда кўринишларда кўпинча бир чизик устида тасвирланган бўлса, Темур ва темурийлар даврига келиб ҳақиқий безак сифатида янгидан-янги мураккаб композицион кўринишларга кириб борган. Қуфий ва сулс хатларидан ташқари насх, настаълиқ, райҳоний ва ғубор хатларида ҳам матнлар ёзилган. Бундан ташқари баъзи безакларда юқоридаги хат турлари асосида янгича ёзув услублари (масалан, шикасти ғубор хати) кашф қилинган. Эпиграфик безаклар одатий ашёлардан ташқари янгича ашёлар (кундал, ўйма терракота ва ҳ.к) ва усулларда бажарила бошланган. Матнли безаклар бинолар экстерьерининг катта қисмларини егаллаб борган. Бир сўз билан айтганда, Ўрта асрларда эпиграфик безаклар меъморчиликда энг кўп қўлланилган безак турларидан бири бўлган.

АТАМАЛАР ЛУҒАТИ

Бўғин ёзуви - Эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликнинг ўрталарида ва биринчи минг йилликнинг бошларида илгариги ёзувга нисбатан қулайроқ ва соддароқ бўлган ёзув шакли шакллана бошлаган. Бу ёзувда сўзлар ҳамда айрим содда жумлалар бўғинларни билдирувчи белгилар ёрдамида ифодаланган.

Геометрик нақш - турли хил, бир-бирини кесиб ўтган беҳисоб чизиқлар, ҳар хил бурчакли ва қиррали юлдузлардан ташкил топган геометрик нақш гириҳ деб юритилади. Гириҳ – форсча, чигал, тугун деган маънони беради.

Гилкор - сувоқчи

Даҳма - 1) қабр устига ўрнатилган ёдгорлик, сағана, мақбара; 2) мажусийлар (зардуштийлар) даврида мурда қўйиб қурилган махсус супа, хона.

Демотика - юнонча —демос| сўзидан олинган бўлиб, халқчил маъносида ёки тезхат. Бу хат белгиларнинг шаклини тобора содда-лаштириш жараёнида мил. авв. VII асрда шаклланган.

Иератика - Китоб ёзуви белгиларининг оддийлиги билан ажарлиб туради; бу ёзув ўзининг расмлик хусусиятни биров йўқотган. Иератика белгилари папирус қоғозига тушириш жараёнида шакланган ва дунёвий китоблар ҳамда хат-хабарлар учун қўлланилган.

Иероглифик ёзув – Мисрда пайдо бўлган ёзув тури. Асосан хашаматли ёдгорликларда қўлланилган.

Интерьер - ташкил этилган фазовий кенглик сифатида фақатгина архитектуранинг ажралмас қисми бўлиб қолмасдан, балки уни архитектуранинг бошланғич асоси.

Ислимий нақш - ўсимликсимон шаклдаги такрорланувчи қисмлардан иборат асосий нақш тури. Нақш асосини таноб, банд, барг, куртаклар ташкил этади. Бир-бирига узлуксиз уланиб, ўралиб кетадиган чирмовиқсимон, ўсимликсимон нақшларнинг тарқорланишидан ташкил топади. Шунинг учун ҳам баъзан усталар уни ўрама ёки ўсимликсимон нақш деб ҳам атаганлар нақш қайси шакл билан тўлдирилса унга шу шаклнинг номи берилган

Композиция - лотинча сўздан олинган бўлиб, тўқиш, бирбирига маълум тартибда жойлаштириш, солиштириш дегани, композиция ишлашда ритм, симметрия, асимметрия, компоновка, даврий такрорланиш, марказ топиш, безакнинг динамиклиги, табиийлиги, чиройлилиги, пардознинг ва рангнинг уйғунлиги каби компонентларни ўз ичига олади.

Кошин - 1) бино беаги учун махсус пиширилган сиркор мўрт сопол бўлаги. Юзаси пирлангандан кейин яна бир марта хумдонда пиширилади. 2) кесма кошин.

Кундал - бўртма безак тури. Усули: елимли ганч шакл устидан бир неча марта суртилади, қизил кесак лойи асосида бўртма гул ясагач, устидан мўйқалам билан ранг ва зарҳал берилади.

Куфий хати - Бу ёзув тури геометрик шаклларга асосланган бўлиб, ёзувида фақат тўғри ва доиравий чизиклар қўлланади. Бу хат туридан асрлар давомида бошқа турли хил араб хатлари вужудга келган.

Логографик ёзув - «логос» - сўз, мантиқ ва «графо» - ёзаман сўзларидан шаклланган. Ёзувнинг бу турида ифодаланган шакл билан ифодаланиши керак бўлган предмет ёки тушунча ўртасида мантикий боғлиқлик мавжуд. Шунинг учун бу ёзув логографик ёзув деб ном олган.

Майолика - керамиканинг бир тури бўлиб, рангли гилларни қиздириб, глазур қопланиб тайёрланадиган кошинлаш материали ҳисобланади. Майолика майин бўрттирилган ёрқин кўринишдаги, ялтирамайдиган глазур ёки оқиш тусдаги ярим ялтирайдиган кўринишга эга бўлиши мумкин. Майолика сўзи италянча маиолиа сўзидан олинган бўлиб, испан оролларида бири –Малорка ороли номида юритилади.

Меъмор - бинокор уста, банно, муҳандис; иморат ва иншоотларнинг лойиҳасини яратувчи ва уларнинг қурилишини назорат қилиб турувчи бош мутахассис.

Меъморчилик - (архитектура), бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва безатиш санъати.

Метр - Тенг миқдорларнинг такрорланишига асосланган тартиб. Узилган фаол элементлардан тузилган, галма-гал интерваллардан ёки бир-бирига ёндашган элементлардан пайдо бўлади.

Мозайика - (франсузча *mosaïque* – музаларга бағишланган) – бир хил ёки турли хомашё (кошин, тош, ёғоч, мрамор, металл ва башқ.) бўлаклардан ишланган тасвир, нақш.

Мусавадда - қораламалар, тарклар ва андозалар

Муҳаққақ хати - Бу ёзув тури аббосийлар ҳукмронлигининг бошланишида - VII асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган. У Ироқ ҳудудида пайдо бўлгани сабабли хатти ироқий деб ҳам аталади. Бу ёзув турида ҳарфлардаги эгри чизиклар билан тўғри чизиклар ўртасидаги пропорция 1,4 ва 3,4 га тўғри келади. Муҳаққақ ёзуви катта ҳарфлар билан ёзиладиган матнларга мўлжалланган.

Насх хати - «Насх» сўзининг луғавий маъноси «йўқ қилиш, бекор қилиш, чизиб ташлаш»дир. Термин сифатида у «бошқа хат турларини бекор қилувчи» маъносида қўлланилган.

Нақш - арабча тасвир, гул деган маънони англатади. Қуш, ҳайвон, ўсимлик, геометрик ва бошқа турдаги элементларни маълум тартибда такрорланишидан ҳосил қилинган безак тури ҳисобланади.

Нақшинкори - безакли, нақш билан безатилган

1. Обида - 1) ёдгорлик, қадимият қолдиғи; 2) қабр устига ўрнатилган ёдгорлик.

Пиктографик ёзув - латинча «пиктус»-расм, сурат; «графо»-ёзаман қисмларидан иборат бўлиб, расм ёзув демакдир. Бу ёзувнинг дастлабки шакллари мезолит ва неолит даврида пайдо бўлган.

Равоқ - бинонинг ичи ёки олдидаги ярим доира қилиб ишланган қисмлари. Тепаси суйри, давра шаклида ясалган токча, йўлак, тахмон.

Райҳоний хати - Ҳозиргача шарқ палеографиясида бу ёзув турига аниқ таъриф берилмаган. Бир хил олимлар райҳоний ёзуви билан муҳаққақ ёзуви ўртасидаги фарқ райҳоний ёзувидаги чизикларнинг фақат ингичкалиги ва

гўзаллигидан иборат, бундан бошқа улар ўртасида фарқ йўқ десалар, бошқаларнинг фикрича, агар муҳаққак ёзувидаги ҳарфларнинг ўзаро мутаносиблиги қонун-қондасига риоя қилган ҳолда насх ёзуви билан бир хил ҳажмда ҳарфлар ёзилса, бу райҳоний ёзуви бўлади.

Ритм - меъморий асарнинг ифодалилиги ва зарурий мувофиқлиги ёрдамида етиштириладиган, меъморий шакл усуллари умумийликка келтирадиган муҳим восита. Ритм узлуксиз такрорланувчи шакллар ва интерваллар кетма-кетлиги ёрдамида яратилади.

Риқоъ хати - Бу ёзув тури тавқиъ ёзувининг кичрайган шакли бўлиб, у ҳам сулс ёзуви базасида вужудга келган. У ҳам ҳукмронларнинг фармон ва ёрлиқларини ёзишда қўлланилган. Риқо ёзуви ўзининг хусусиятлари билан тавқиъ ёзувидан фарқ қилмайди. Фақат риқо тавқиъга қараганда майдароқ ва ингичкароқ ёзилади.

Симметрия - грекча сўздан олинган бўлиб, ўлчовларнинг бир-бирига мутаносиблигини билдиради.

Сулс хати – Ўрта асрларда бу ёзув мусулмон оламининг барча ҳудудларида энг кенг тарқалган ёзув турларидан. Бу ёзувда чизикларнинг учдан бир қисми тўғри чизикдан ва учдан икки қисми эгри чизик ва думалоқ шаклдан иборат бўлгани учун бу ёзув «сулс»- » деб аталган. (арабчада бу сўз «учдан бир» маъносини билдиради).

Тавқеъ хати - Бу ёзув тури хатни тез ёзишга мўлжалланган, ҳарфларнинг шакли думалоқ бўлган ёзувдир. Ўрта аср хаттотларининг фикрича, бу ёзув сулс ёзувидан келиб чиққан ва унинг модификациясидир. Бу ёзув турида элементларнинг олтидан бир қисми тўғри чизикли элементлардан иборатдир.

Тарҳ - мадраса ёки меъморий обида лойиҳаси.

Тектоника - буюм шаклини ташкил қилган хомашё конструкцияси ва шаклнинг моҳияти ҳамда шакл билан фазо муносабатлари; хусусияти ва сифатига маҳсулот шаклининг гармоник яхлитлиги, буюм элементларининг ўзаро бир-бирига бўйсунishi, мувозанати, динамиклиги, статиклиги ҳамда яхлит шакл яратишда барча элементларнинг бир хил ёндашиши киради.

Эпиграфика - (юнонча – ёзув) қаттиқ жисмлар тош, металл, сопол ва бошқалардаги асосан қадимий ва ўрта асрларга оид ёзувлар (битиклар)ни тўплаш, нашр этиш ва шарҳлаш билан шуғулланувчи ёрдамчи тарих фани ҳисобланади. Манбаларда эпиграфик ёдгорликлар деб қадимий битиклар назарда тутилади.

Ғиштинкор - девор, пешток ва гумбазлар ғиштини терувчи уста;

Ҳандасавий нақш - тўртбурчак, учбурчак ва бошқа лементлардан ташкил топган геометрик мураккаб нақш тури.

Ҳарфий ёзув - Ёзувнинг бу турида тилдаги ҳар бир товушга биттадан ҳарф ёки белги тўғри келади. Бу тизимдаги ёзув ҳеч бир истисносиз финикийлар, сурияликлар ва фаластинликлар ижод этган сомий ёзувга бориб тақалади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 30 август 2001 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қонуни. 29 июль 2002 йил.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ бадиий хунармандчиликлари ва амалий санъатни янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 1997 йил 31 мартдаги ПФ-1741-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 июлдаги “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 200-сонли Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари.

1. Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Тошкент ш., 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқи. Остона. 10.09.2017

3. Islom Karimov “Tarixiy xotirasiz – kejalak yo’q” T-1998.

IV. Асосий адабиётлар.

1. Н. Рахмон «Турк хоқонлиги» Тошкент, 1993 йил
2. Ш.С. Ғаффоров, М.А. Юнусов, С.И. Шарипов, М.М. Саидов
“Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари тарихи” Самарқанд-2011.
3. В. Дравчук “Ёзувлар ўтмиш сирлари шоҳиди” Тошкент 1970й.
4. O'zbekiston obidalaridagi bitiklar. Birinchi kitob Toshkent — 2011.
5. O'zbekiston obidalaridagi bitiklar “Samarqand Shohi Zinda me'moriy majmuasi” 3-kitob. T-2012.
6. O'zbekiston obidalaridagi bitiklar “Samarqand Amir Temur va temuriylar davridagi majmua va ziyoratgohlar” uchinchi kitob Toshkent — 2012
7. O'zbekiston obidalaridagi bitiklar „Samarqand Registon me'moriy majmuasi“ birinchi kitob Toshkent — 2011.
8. O'zbekiston obidalaridagi bitiklar “Qashqadaryo viloyati”/ Uzbekistan today. T-2012.
9. O'zbekiston obidalaridagi bitiklar “Surxondaryo viloyati”/ Uzbekistan today. T-2012.
10. O'zbekiston obidalaridagi bitiklar “Buxoro viloyati”/ Uzbekistan today. T-2012.
11. Ремпел Л.И. Архитектурный орнамент Узбекистана, Ташкент, 1961.

V. Қўшимча адабиётлар.

1. Ўзбекистон санъати (1991–2001) – Т.: Шарқ, 2001. - 240 б.
2. Булатов С. Ўзбек халқ амалий санъати. – Т.: Мехнат, 1991. - б.


VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар.

1. Эргашев С. М “Самарқанд меъморий ёдгорликлари (тарихий-манбавий) таҳлили” (Музейшунослик, консерватсия ва бадиий ёдгорликларни сақлаш) диссертация. Самарқанд-2016.
2. ПАЛЕОГРАФИЯ (*маърузалар матни*) . НАМДУ.Наманган. 2004
3. Эпиграфика Востока. 1969 г. Ленинград.


4. **Naqqoshlik.** Kasb-hunar kollejlari uchun o‘quv qo‘llanma. /S.S. Bulatov, P.P. Shabaratov, M.A. Rasulov;
5. ME’MORIY-DEKORATIV SAN’ATINI LOYIHALASH. Kasb-hunar kollejlari uchun o‘quv qo‘llanma. N.R. Qayumov. «ILM ZIYO» nashriyot uyi, 2016-y.

VII. Интернет сайтлари.

1. <http://www.president.uz> (Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти)
2. <http://library.ziyonet.uz/uploads/books/652/5b14d43519f5f.pdf>
3. <https://uz.wikipedia.org/wiki>
4. <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).
5. <http://www.academy.uz> (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси).
6. <http://www.temurid.uz> (Темурийлар тарихи давлат музейи).
7. <http://www.ut.uz> (Uzbekistan Today ахборот агентлиги)
8. <http://www.uztarix.narod.uz>



Планшет № 1




Планшет № 2



Планшет № 3



Планшет № 4



Планшет № 5





Планшет № 6



Планшет № 7



Планшет № 8



харфлар ётиқроқ, “вов”, “мим” ҳарфлари чўзикроқ ёзилади ва ҳарфлар охиридаги қайрилмалар бўлмайди. Райҳоний хатидаги ёзувлар ҳам асосан китобаларда қўлланилган. Баъзи ҳолларда интерер безакларида ҳам учратишимиз мумкин.

Меъморчиликда насталиқ хатида битилган эпиграфик ёзувлар ҳам учраб туради. Ушбу хат турида ҳарфларнинг олтидан тўрт қисми эгри ва қолган икки қисми тўғри чизиклар асосида ёзилади. Насталиқ хатида ёзилган битиклар шакл жиҳатдан бир мунча мураккаб кўриниш касб этади ва бу эса ўз навбатида ёзувга ўзгача гўзаллик беради. Насталиқ хатида асосан шеърий байтлар обидалар ҳақида маълумотлар ёзилган. Бу хат тури кўпроқ интерер безакларида, намоёнларда кўпроқ учратамиз.

Ўзбекистон Ўрта Осиё минтақасида ўз эпиграфик ёдгорликлари миқдори ва ноёблиги билан етакчи бўлса ҳам, бу борада нашр қилинган манбалар етарлича таҳлил қилиниб ўрганилмаган. Бугунги кунда меъморий обидаларимиздаги эпиграфик ёзувларни ўрганишда олимларимиз томонидан улкан ишлар амалга оширилмоқда. “Ўзбекистон обидаларидаги битиклар” лойиҳаси фикримиз исботи бўла олади. Қолаверса, меъморий обидалардаги битиклар ва ёзув мазмунларини ахборотлаштириш ва интернет тизимида маълумотлар базасини яратиш кузатувчиларнинг тарихимиз, меъморий обидаларимиз ҳақида янада чуқурроқ билимга эга бўлишларига катта ёрдам беради. Тарихий обидалар тўғрисида тўлиқ маълумот бериш юртдошларимизда миллий ғурур, ватанга муҳаббат каби муқаддас туйғуларни янада кучайтиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. Тарихий хотирасиз – кезалак йўқ. –Т.: 1998.
2. Ўзбекистон обидаларидаги дурдона битиклар /албом/ Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси. – Т.: 2011.
3. Ғаффоров Ш.С., Юнусов М.А., Шарипов С.И., Саидов М.М. Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари тарихи. – Самарқанд, 2011.

ЗАРДУШТИЗМ ИБОДАТХОНА МЕЪМОРИЙ БЕЗАГИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН АМАЛИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

С.Аҳмедов,

*5A151202-Санъат асарлари ва меъморий ёдгорликларни таъмирлаш,
I-курс*

Археолог олим Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги Ў.Исломов 2006 йили Тошкентда ўтказилган “Буюк ипак йўли. Маданият ва анъаналар. Ўтмиш ва ҳозирги кун”.деб номланган илмий-назарий анжуманда ўзининг “Кавардон ипак йўлидаги шаҳар” номли мақоласида қуйидаги фикрларни келтирган”. “Археологик маълумотларнинг шохидлигича Тошкент



ХАТТОТЛИК САЊАТИНИНГ МЕЪМОРЧИЛИКДА ТУТГАН ҲУНИ

Темур МУРТАЗAEВ,
магистрант

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг, миллий ҳаётнинг барча соҳаларида, айниқса, миллий меъморчилигимизнинг бекиёс намуналарини ўрганишга бўлган эътибор янада кучайди. Аждодларимиз яратган энг қадимги тошёзу ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, ҳозирги пайта кутубхоналаримиз ҳазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмаларга бизнинг бебаҳо маънавий бойлигимиздир. Бундай катта меросга эга халқлар дунёда камдан-кам топиллади.⁴²

Меъморий обидаларимизнинг эпиграфик ёзувлари алоҳида бир соҳа бўлиб, ушбу ёзувларни бадий хаттотлик санъати гулгоҳи дея баҳолаш мумкин. Эпиграфик ёзувларни ўрганишнинг асосий манзил-мақоли бўлган қадим дийримида меъморий обидалар эпиграфик ёзувлари ҳақида катор асарлар ёзилган.⁴³

Шу ўринда айтиш жоизки, меъморчиликда «эпиграфика» (юнонча – битикнинг қўлланилиши тегшли ҳудуд ёки миллатнинг диний эътиқоди ва қарашларидан келиб чиқиб амалга оширилган. Юртимиздаги меъморий обидаларнинг ажралмас қисми бўлиши мана шундай битиклар ўзининг нафис кўриниши ва терең маъно мазмунга эгалиги билан биноларнинг кўрғига кўрқ қўшиб баробарида халқимизнинг маънавий қарашларини юксалтиришга бевоқиф хизмат қилган.

Марказий Осиё меъморчилигида эпиграфиканинг қўлланилиши бевоқиф Ислом динига боғлиқдир. Ислом дини ва мусулмончилик тамойилларининг Ўрта Осиё ҳудудида тарқалиши туфайли ўлкамиз халқлари кенг мусулмон олами билан туташиб, унинг бой диний ва дунёвий маданияти, илм-у урфони билан яқиндан ошно бўлиб борган. Шу боис азалдан илм-у

⁴² Ўзбекистон обидаларидagi дурона битиклар/альбом/ Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси. Т-2011.

⁴³ Гаффаров Ш.С., Юсупов М.А., Шарипов С.Н., Саидов М.М. Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари тарихи. – Самарқанд, 2011.

маърифат ўчоғи бўлиб келган кўҳна юртимиз бағридан бу даврда жаҳонга доғруғ солган, дунё маданияти ва цивилизацияси ҳазинасига салмоқли ҳисса қўшган кўплаб машҳур алломалар, буюк муҳаддис олим уламолар етишиб чиққан. Бу даврларда хаттотлик (араб ҳуснихат ёзуви, китоб кўчириш ҳамда меъморий нишотлар, бадий буюмларнинг китобаларини яратиш касби) халқ санъатининг муҳим ва кенг тарқалган соҳаларидан бирига айланган. Ҳали китоб босиш қашф этилмаганлиги, қўлёзма китоблардан нусхалар хаттотлар томонидан фақат қўлда кўчирилиши туфайли хаттотлик санъати анча ривож топган. Турли услубда ҳуснихат билан битилган хаттотлик намуналари меъморий нақшларда ҳам ҳаётий мазмун ва эстетик завқ берувчи безак сифатида ишлатилган.⁴⁴

Ислом оламида араб хаттоглигининг қуйидаги етти қуфий, муҳаққаж, сулс, насталиқ, райҳоний, тавқеъ, риқо хат тури кенг қўлланилади ва уларнинг ёзилиш услуби жиҳатига кўра бири-биридан фарқланади.

Меъморчиликда эса хаттотлик санъатининг қуфий, сулс, насталиқ ва насх хат тури кенг қўлланилган. Улар меъморий обидалар пештокнинг юқори қисмидаги китобаларда, пешток атрофини ўраб турувчи қисмларда, минораларда, гүмбазларнинг остки қисмида, обидаларнинг интерьерда ва бошқа жойларида қўлланилган ҳамда бино безакларининг композицион ечимларини очиб берган.

Тарихий обидаларимиз эпиграфикасига назар ташлайдиган бўлсак, энг кўп қўлланилган хат тури бу қуфий хатидир. Қуфий хати геометрик шаклларга асосланган бўлиб, ёзув фақат тўғри ва доиравий чизиклар асосида ёзилади. Харфлар катта ҳажмларда тасвирланганида ҳам ўз жойини йўқотмайди ва аксинча маҳаббатли кўриниши олгани сари бинони салобатли кўрсатиб боради.

Ушбу хат тури кўпинча пешток атрофида, обидаларнинг катта ҳажмли юза қисмлари, миноралар, гүмбазларнинг остки қисмларидаги маёлиқа безакларида қўлланилади.

⁴⁴ Эргашев С.М. «Самарқанд меъморий ёдгорликлари (тарихий-маънавий таҳлил» (Музейшунослик, консервация ва бадий ёдгорликлари сақлаш) диссертация. – Самарқанд, 2016.

Меъморчиликда кўп қўлланилган хат турларидан яна бири сулс хатидир. Мазкур хатнинг тўрт баҳраси текис ва икки баҳраси қўмақ шаклда ёзилади. Бу эса ўз навбатида ёзувни поэтик ва янада чиройли қилиб кўрсатади. Тошоабинин нафис кўриниши билан ўзига жалб этади. Сулс хатида кўпроқ китобалар битилган. Китобалар пештоқлар тепасида, баъзан пештоқлар атрофида, катта равоқлар ички қисмида, интерьерда эса асосан, меҳроблар ён-атрофи ва тепа қисмларида жойлашган.

Обидаларнинг ташқи қисмида жойлашган китобаларга назар соладиган бўлсак, улар асосан, керамик қошнлар ва мозаикаларда ифода этилган. Китобаларда кўпинча икки хат тури – қуфий ва сулсий хатлари уйғунлигида яратилган композицияларини ҳам учратамиз. Мазкур китобаларда қуфий хатидаги матн, олатда, китобанинг юқори қисмига, сулс хатидаги матн эса пастки қисмига жойлаштирилган. Китобаларда, ёзувлардан ташқари, исломий нақшлар ҳам қўлланилган. Бундай нақшлар эса ўз навбатида композициянинг янада мукамал ва нафис кўринишга эга бўлишини таъминлаган. Китобалардаги ёзувлар оқ рангда, нақшлар эса ёрқин ҳаво ранг ҳамда олов рангларда ифодаланган.

Шунингдек, меъморчиликдаги кўплаб безакларда насталиқ ва насх хатлари ҳам қўлланилган. Насх сўзи «кўчириш», «бекор қилиш» деган маънони англатади. Ушбу хат турида харфларнинг 4/6 қисми эгри ва 2/6 қисми тўғри чизиклар асосида ёзилади. Насх хати битилган китобаларда асосан рубойлар, шеърини тўртликлар ва бинони қурган усталар номи битилган. Баъзи ҳолларда интерьер безакларида ҳам учратишимиз мумкин.

Насталиқ хатида ҳам харфларнинг олтидан тўрт қисми эгри ва қолган икки қисми тўғри чизиклар асосида ёзилади. Насталиқ хатида ёзилган битиклар шакл жиҳатдан бир мунча мураккаб кўриниш касб этади ва бу эса ўз навбатида ёзувга ўзгача гўзаллик беради. Насталиқ хатида асосан шеърини байтлар обидалар ҳақида маълумотлар ёзилган. Бу хат турини кўпроқ интерьер безакларида, намоёнларда кўпроқ учратамиз.

Ўзбекистон Ўрта Осиё минтақасида ўз эпиграфик ёдгорликлари миқдори ва ноёблиги билан етакчи бўлса ҳам, бу борада нашр қилинган маънавий етарлиқ таҳлил қилиниб ўрганилмаган.

Ҳозирги пайтда меъморий обидаларимиздаги эпиграфик ёзувларни ўрганишда олимларимиз томонидан улкан ишлар амалга оширилмоқда. «Ўзбекистон обидаларидаги битиклар» лойиҳаси фикримизга асос бўлади. Уларда асосан битикларнинг мазмун-моҳияти очиб берилган. Шу билан қаторда эпиграфик битикларни бадий жиҳатдан яъни, бир-биридан композицион ечимлари ва хат турлари билан фарқланишини, турли ашёларда бажарилиш усуллари, тарихий даврларга қараб ривожланиш босқичларини ҳам ўрганиш лозим. Бу каби катта лойиҳаларда реставраторларнинг жалб этилиши обидаларимиз эпиграфикасини ўрганишга янгича ёндашувларни олиб киради ва мазкур битикларни янада мукаммалроқ ўрганишимизга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз – кезалак йўқ» – Т., 1998.
2. Ўзбекистон обидаларидаги дурдона битиклар /альбом/ Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси. – Т., 2011.
3. Ғаффоров Ш.С, Юнусов М.А, Шарипов С.И, Саидов М.М. Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари тарихи. – Самарқанд. 2011.
4. Эргашев С.М. «Самарқанд меъморий ёдгорликлари (тарихий-манбавий) таҳлили» (Музейшунослик, консервация ва бадий ёдгорликларни сақлаш) диссертация. – Самарқанд. 2016.



Ушбу тўплам 2-ноябрь 2018 йил санасида Тошкент архитектура-қурилиш институтида ўтказилган республика анжумани материаллари асосида тайёрланди.

Маъкур тўпламда профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, катта илмий ходим изланувчилар, мустақил тадқиқотчилар, магистрантлар ҳамда талабаларни архитектура, шаҳарсозлик, дизайн, бино ва иншоотлар, Конструкциялари қурилишда муҳандислик коммуникациялари, инфраструктураси муаммолари, шаҳар қурилиши ва ҳўжалиги, қурилиш иктисодиёти ва бошқарув, архитектура ва қурилиш таълим йўналишларидаматематика ва табиий фанларни ўқитишнинг долзарб масалалари, техника йўналишидаги олий ўқув юртларида филологик фанларни ўқитишнинг долзарб муаммолари таълимда илҳор педагогик технологияларини жорий этиш ҳақидаги тезислар ёритилган.

Тахрир хайъати: А.О. Хасанов
Б.И. Иноғомов
М.Т. Абдужабборов
Б.М. Азизова

Нашрга тайёрловчилар: Г.А. Иргашева
Ё.Ё. Мамашаринов

Ушбу тўпламда келтирилган илмий мақолалар ва тезислардаги маълумотларга муаллифлар жавобгар

Мундарижа – Содержание	
АРХИТЕКТУРА ТАЪЛИМИ ВА ИНТЕГРАЦИЯ	
Б.И. Иноғомов Архитектураларнинг лойиҳалаш жараёнида графиканинг ўрни.....	4
А. Сулаймонов Маҳаббатли рангтаъбир бино интеръери бадий-конструктив ечимининг таркибий компоненти сифатида.....	6
К.С. Алъиёров, Ш.Ахмедов. Замонавий архитектурада, курси ва оёстонанинг ўрни.....	9
З. Бобомуродов Тасвирий санъат тарихига оид материалларни замонавий архитектура таълими жараёнига интеграциялаш.....	10
К. Хамидов Стилъ - Эклектики В Архитектуре Узбекистана.....	12
М.К. Рашидова Турмуш эстетикасида- бадийлик ва техникавийлик уйғунлиги.....	14
А.А. Эргашев Узбекистоннинг замонавий архитектура таълимида маҳаббатли рангтаъбирнинг ўрни.....	16
Н.О. Бердиев Тасвирий санъат композицияларини архитектуралар лойиҳаларга татбиқ этиш.....	18
А.М. Умаров Архитектура йўналиши бўйича талабаларни тайёрлашда амалиётнинг ўрни.....	21
Н.В. Габитова Применение проблемных образовательных технологий при проведении занятий по теме «Работа над конструктивными решениями жилых зданий средней этажности».....	23
Р.И. Алижанов, М.Д. Эркинов, Ж.Ж. Шукуров Архитектурада “Олтин кесим”.....	24
Т.У. Муртазоев, З.Ш. Достметова Ўрта Осиё меъморчилигида хаттотлик санъатининг қўлланилиши.....	29
М.Х. Шамаҳмудова, Ш. Раҳимжонов Макетлаш фанининг лойиҳалашдаги ўрни.....	34
АРХИТЕКТУРА ТАЪЛИМИ ВА ИННОВАЦИЯ	
А.О. Хасанов, Ё.Ё. Мамашаринов, Архитектура соҳасидаги магистрларни тайёрлашда инновацион ёндашулар.....	37
Ё.Ё. Мамашаринов Типология жилых домов.....	41
Х.И. Юсунов, А.Р. Холмухамедов Турар жой биноларининг капитал таъмирлаш ва қайта қуришнинг чет эл таърибаси.....	44
С.А. Қолирова Замонавий Диплом Лойиҳаларини Бажаришда Инновацион Усуллар.....	47

ЎРТА ОСИЁ МЕЪМОРЧИЛИГИДА ХАТТОТЛИК САНЪАТИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ	
К.Бекзод номли МДН И курс магистранти Т. У. Муртазоев Илмий раъбар: доц. З.Ш. Достметова	
Ушбу мақола Ўрта Осиё меъморчилигида Хаттотлик санъатининг бадий жиҳатдан қўлланилиши ҳақида ёзилган. Мақолада эпиграфик ёзувларнинг композицион ечимлари, ашёларда бажарилиши, рангларини қўлланилиши ва ўзаро уйғунликлари далиллар асосида келтириб ўтилган. Маъкур мақолани ёритишда Темурлар даври меъморчилигида муржадат этилган.	
Annotation This article describes the use of calligraphy in Central Asian architecture. The article is based on evidence-based solutions of the epigraphic writings, the fulfillment of the objects, the use of colors and their harmony. In the coverage of this article, it was addressed to the Timurid era architecture.	
Аннотация Данная статья описывает о художественной стороны каллиграфии в архитектуре Центральной Азии. В статье приведены на фактологической основе композиционное решение, работу в материале, цветовую гамму применяемые в эпиграфике и гармонической взаимосвязи. В данной статье освещены эпиграфическая архитектура эпохи Тимуридов.	
Тарихий обидаларимизга назар ташлар эканмиз, қалбимизда бир олам хайрат ва аъойиб таассуротлар уйғонади. Мозийдан сазо берувчи миллий меъморчилигимизнинг ноб номуналариде ўлкамизнинг шонли тарихи, аждодаларимиз маданияти, турмуш тарии акс этгандек гўе. Тарихий обидаларимизнинг гўят аниқлик ва муҳаббат геометрик хисоб – китоблар асосида қад қўйилган, ундаги нафис безаклар ва нахшларнинг ўзаро уйғунлашуви, ҳам гўзал, ҳам маҳаббатли, мустақкам ва муҳташам барпо этилгани ҳали ҳануз бизни хайратта солиб келмоқда. Мамлакатимиз ҳудудиде мавжуд бўлган етти мингдан зиёд моддий ва маънавий обидаларнинг тўрт мингтаси жаҳон меросининг ноб номунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киририлган. Аждодаларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёву ва битиклар, ҳалқ оғзаки икоди номуналариди тортиб, бутунги кунда кузубхоналаримиз ҳазинасиде сақланётган минг-минглаб қўлёмаларгача бизнинг буюк маънавий бойлигимиз хисобланади. Бундай катта меросга эга ҳалқ дунёда қамдан-қам топилади ¹ .	
Меъморий обидаларимизнинг эпиграфик ёзувлари алоҳида бир соҳа ва у тадқиқотчи мутахассислар ҳамда олимлардан жуда кўп изланиш ва машаққатларни талаб қилиши шубҳасиз. Бунинг учун тадқиқотчи мутахассислар ва олимлар бир неча тилларни мукаммал билишлари фойдадан холи бўлмайди. Ушбу ёзувларни бадий хаттотлик санъати гулгожи дея баҳолаш мумкин ҳамда бу сабаблар ёзувнинг нақадар муҳимлиги ва унинг ўрганилишини талаб этади. Эпиграфик ёзувларни ўрганишнинг асосий мақсат-мақоли бўлган қадим дёёридада олиб борилаётган ва мамлакатимиз олимлари томонидан амалга оширилаётган катта тадқиқотларни ҳам айтиш жоиз. Тарихчи олимларимиз томонидан бутунги кунга қадар меъморий обидалар эпиграфик ёзувлари ҳақида қатор асарлар ёзиллиб илмий таҳлидан ўтказилганлиги бизга маълум ² .	
¹ Ўзбекистон обидаларимизга дурдона битиклар/олбом/ Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми эълангармаси. Т-2011 ² Ш.С. Гаффаров, М.А. Юнусов, С.И. Шарипов, М.М. Сиднов “Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари тарихи” Самарқанд-2011	

Шу ўрнида айтин жоник, меъморчиликда "эпиграфика" (يونانچа — битик)нинг қўлланилиши тегислиги ҳудуд ёки миллатнинг диний эътиқоди ва қарашларидан келиб чиқиб амалга оширилган. Юртимиздаги меъморий обидаларнинг ажармас қисми чиниб мана шундай битиклар нафис кўриниши ва маъно мазмунга эгалиги билан биноларнинг кўрunga кўрк қўшибгина қолмай халқимизнингнинг маънавий қарашларини юксалтиришга бевоқифа хизмат қилган.

Урта Осиё меъморчилигида эпиграфиканинг қўлланилиши бевоқифа Ислон динига боғлиқ. Ислон дини ва мусулмончилик тамойилларининг Урта Осиё ҳудудига тарқалиши, чўқур идара отини баробарида ўлкамиз халқлари кенг мусулмон олами билан тутаниб, унинг бой диний ва дунёвий маданияти, илм-у урфони билан яқиндан ошно бўлиб борди. Айни чоғда, азалдан илм-у маърифат ўчоғи бўлиб келган кўча юртимиз бағридан бу даврда жаҳонга доғруқ солган, дунё маданияти ва цивилизациясига хазинасига салмоқли ҳисса қўшган қўллаб машхур алломалар, буюк муҳаддис олим-уламолар етишиб чиққан. Бу даврларда Хаттотлик (араб хусниҳат ёзуви, китоб кўчириш ҳамда меъморий ишпошлар, бадий буюмларнинг китобларини яратиш касби) халқ санъатининг муҳим ва кенг тарқалган соҳаларидан бирига айланган. Халқ китоби босиш кашф этилмаганлиги, кўёёма китоблардан нусхалар хаттотлар томонидан фақат қўлда кўчирилиши туфайли хаттотлик санъати анча ривож топган. Турли услубда хусниҳат билан битилган хаттотлик намуналари меъморий нақшларда ҳам ҳайъий маъмури ва эстетик завоқ берувчи бевоқифа сифатида ишлатилган⁴.

Ислон оламида араб хаттотлигининг қуйидаги етти *Куфий, Муҳаққак, Сулс, Насталик, Райхоний, Таовк, Риқо* хат турлари кенг қўлланилади ва ёзилиш услублари билан бир-биридан фарқланади.

Меъморчиликда эса хаттотлик санъатининг асосан *Куфий, Сулс, Райхоний, Насх* ва *Насталик* хат турлари кенг қўлланилган. Улар меъморий обидалар пештоқларининг юқори қисмларидаги китобаларида, пештоқ атрофини ўраб турувчи қисмларида, минораларида, гўмбазларнинг ост қисмида, обидаларнинг интерьерларида ва бошқа қўллаб жоғирларда қўлланилган ҳамда бино безакларининг композицион ечимларини очиб берган.


Тарихий обидаларимиз эпиграфикасига назар ташлайдиган бўлсак, энг қўн қўлланилган хат тури бу *куфий* хатидир. Куфий хати геометрик шаклларга асосланган бўлиб, ёзув фақат тўғри ва доиравий чизиклар асосида ёзилади. Харфлар катта ҳажмларда тасвирланганда ҳам ўз жозибасини йўқотмайди ва аксинча маҳобатли кўриниш олгани сари бинони саловатли кўрсатиб боради. Ушбу хат тури кўпичча пештоқ атрофида, обидаларнинг катта ҳажмли юза қисмларида, минораларида, гўмбазларнинг ост қисмларида маънавий безакларида қўлланилади. Одатда пештоқлар атрофида куфий хатида Қуръони Карим оятлари айлангириб ёзилган. Композицион жиҳатдан метр (давоний)лиги ўзига хос тарзда амалга оширилган ва бинонинг маҳобатини янада улуғвор ифода етган. Обидаларнинг юза қисмларида эпиграфик ёзувлар маънавий нақшлар билан ритмик ва динамик композицион ечимлар асосида ифодаланган. Гўмбазларнинг ост қисмларида ҳам ёзувлар давонийлигига эътибор қаратилган. Тенсурйлар даври меъморчилиги маънавий нақшларига эътибор берадиган бўлсак, битиклар ва нақш элементлари асосан ёрқин ҳаворанг, тўқ зангори ҳамда ёқ рангларда ифодаланган. (1-расм)

Меъморчиликда қўн қўлланилган хат турларидан яна бири *Сулс* хатидир. Мазхур хатнинг тўрт баҳраси текис ва икки баҳраси юмалоқ шаклда ёзилади. Бу эса ўз навбатида

⁴ Эртанев С. М. "Самарқанд меъморий ёдгорликлари (тарихий-маънавий) тасвир" (Музейшуновлик, консервация ва бадий ёдгорликлари шакли) диссертация. Самарқанд-2016.



1-расм. Гўри амир макбараси (1401-1405). Макбара гўмбазидagi ёзув; شاد الحيد / تقوى - الغفور



2-расм. Ок-Сарой (1380-1404). Узунчоқ олтибурчакли картуш ичидagi ёзув: الدالة هي أساس الدولة وشعار الملوك
Таржима: *Адолат - давлатнинг асоси ва подшоҳлар шиоридир!*

ёзуви нозик ва янада чиройли килиб кўрсатади. Томоначини нафис кўриниши билан ўзига жаъб етди. Сулс хатида кўпроқ китоблар битилган. Китоблар пештоқлар тегислиги, баъзан пештоқлар атрофида, катта равоқлар ички қисмида, интерьерда эса асосан меҳроблар ён-атрофлари ва тепа қисмларида жойлашган. (2-расм)

Обидаларнинг ташқи қисмида жойлашган китобларга назар солдиган бўлсак, улар асосан керамик қошиллар ва мозаикаларда ифода этилган. Қўн ҳолларида китобаларида икки хат тури *куфий* ва *сулсий* хатларининг уйғунлигида яратилган композицияларини ҳам учратамиз. Мазхур китобаларида *куфий* хатидagi матн одатда китобнинг юқори қисмига, *сулс* хатидagi матн эса пастки қисмига жойлаштирилган. Китобаларида ёзувлардан ташқари исломий нақшлар ҳам қўлланилган. Бундай нақшлар эса ўз навбатида композициянинг янада мукамал ва нафис кўринишга эга бўлишига хизмат қилади. Китобалардagi ёзувлар ёқ рангда, нақшлар эса ёрқин ҳаворанг ҳамда оловрангларда ифодаланган. (3-расм)

Райхоний хати ҳам меъморчиликда қўллаб безакларда қўлланилган. Райхоний хати – Муҳаққак хати асосида яратилган. Ёзилиш шакли билан райхон гулини эслатиб юборади. Хат гузаллиги ва нозиклиги билан Райхоний номини олган. Сулс хатига қараганда айланма шакли харфлар ётиқроқ, "во", "ميم" харфлари чўзикроқ ёзилади ва харфлар охиридаги қайрилмалар бўлмайдиган. Райхоний хатидagi ёзувлар ҳам асосан китобаларида қўлланилган. Балзи ҳолларида интерьер безакларида ҳам учратишимиз мумкин.

Шунингдек, *насталик* ва *насх* хатлари ҳам меъморчиликда қўллаб безакларда қўлланилган. *Насх* ёзи "Ғуриш", "бевоқ қилиш" деган маънони англатади. Харфларнинг 4/6 қисми ёғри ва 2/6 қисми тўғри чизиклар асосида ёзилади. *Насх* хатида асосан китобаларида рубойлар, шеърй тўғриликлар ва бинони қўрган устлар ҳақида маълумотлар ёзилган. Балзи ҳолларида интерьер безакларида ҳам учратишимиз мумкин.

Насталик хатида ҳам харфларнинг олтидан тўрт қисми ёғри ва қолган икки қисми тўғри чизиклар асосида ёзилади. *Насталик* хатида ёзилган битиклар шакл жиҳатдан бир мунча мураккаб кўриниш касб етди ва бу эса ўз навбатида ёзувга ўзгача гузаллик беради. *Насталик* хатида асосан шеърй байтлар обидалар ҳақида маълумотлар ёзилган. Бу хат турини кўпроқ интерьер безакларида, намоёнларида кўпроқ учратамиз. (4-расм)

Ўзбекистон Урта Осиё минтақасида ўз эпиграфик ёдгорликлари миқдори ва нобилиги билан етакчи бўлса ҳам, бу борада навар қилинган амбалар старлича таҳсил қилиниб ўрганмаган. Бутунги қўнда меъморий обидаларимиздagi эпиграфик ёзувларни ўрганганда олимларимиз томонидан ушанг ишлар амалга оширилмоқда. "Ўзбекистон обидаларидаги битиклар" лойиҳаси фикримиз исботи бўла олади. Уларда асосан битикларнинг мазмун-моҳияти очиб берилган. Шу билан қаторда эпиграфик битикларнинг бадий жиҳатдан яъни, бир-бирдан композицион ечимлари ва хат турлари билан фарқлинишини, турли ашёларда бажарилиш усуллари, тарихий давларга қараб ривожланиш босқичларини ҳам ўргансак фойдалан ҳоли бўлмайди. Шу каби катта лойиҳаларда мутахассис реставраторларнинг ҳам жалб этилиши обидаларимиз эпиграфикасини ўрганганга янгича ёндашувларни олиб киради ва мазхур битикларини янада мукамалроқ ўрганганимизга хизмат қилади. Қолаверса, бутунги қўн Ўзбекистон архитектураида (масжидлар, диний идоралар бинолари, мадраса ва диний билим юртлари бинолари, ёшлар марказлари бинолари, таълим муассасалари ва ҳ.к.) эпиграфиканинг ўрнини янада қучайтира оласак, бу жамиятимизда ёқ ҳолларнинг таъсирини қамайтарганига, ёшларимизнинг турли экстремистик оқимларига кириб кетишларининг олдини олишга ўзининг ижобий таъсирини ўтказмай қолмайди. Зеро, санъат ва дин ҳеч қачон вайронкор ҳолатларни тартиб қилмайди, аксинча кишиларни бўйбодкор гоёларга, ҳалолликка, ниймонли бўлишга ундайди.



3-расм. Шердор Мадрасаси (1618-1636). Катта пештоқдagi бахшида ёзув: بنيت هذه المدرسة الثانوية في عهد الملك الغانسد. قال الله عز وجل في كتابه العظيم: "حقاً، إن الله يامر بالعدل، الأصالح، والعطف على الأسرة" (سورة النحل، الآية التاسعة). تكلم الله الحققة. وعمل مع الإمام محمد مجتد، وبني هذا المبني ببل الجهود والمبادرات لأن السفير الكبير، بالاعتراف بأهيو، كان مهتماً بإنشاء مساحات جديدة. الانتهاء من بناء روضة المنى بتاريخ مع 1042 هـ.

Таржима: Бу олий илм мадрасаси алоҳиддор подшоҳ буюк ҳоким ҳамоноида бунёд етилди. Аллоҳ тоғло улу китобда "Азбағида, Аллоҳ адолатига, эҳу кишиларга ва қариндошига ҳасниҳат қилишига буюрар" (Қуръони Каримнинг Наҳл сураси, тўқсонинчи оят) - дейди. Аллоҳ тоғло тўғри айтди. Ва у Имомқули Муҳаммадхон ҳаракат қилди ва бу бинонинг қўрувчиси буюк амир Язгантўғи Баҳодир ҳасниҳат масканларига асос солишига қизиқиши бўзгани учун сепй ва ташаббус қилди. Бинонинг қўрулиши ва тилинганлигининг тугаллигини 1042 санага мувофиқ келди.



4-расм. Самарқанд. Шердор мадрасаси (1618-1636). Бош пештоқ кичик равоғи ичидagi устанинг исми ёзилган: هذا هو عمل محمد أفندي سمرقندي

Таржима: Бу Муҳаммад Аваз Самарқандийнинг иши.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ислон Каримов “Тарихий хотирасиз – кезалак йўк” Т-1998.
2. Ўзбекистон обидаларидаги дурдона битиклар/албом/ Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми жамғармаси. Т-2011.
3. Ш.С. Ғафоров, М.А. Юнусов, С.И. Шарипов, М.М. Саидов “Ўзбекистон Архитектура ёдгорликлари тарихи” Самарқанд-2011.
4. Эргашев С. М “Самарқанд меъморий ёдгорликлари (тарихий-манбавий) таҳлили” (Музейшунослик, консервация ва бадиий ёдгорликларни сақлаш) диссертация. Самарқанд-2016.

МАКЕТЛАШ ФАНИНИНГ ЛОЙИҲАЛАШДАГИ ЎРНИ

ТАҚИ, ўқитувчи Шамахмудова М.Х.,
3-16 ҚҲАЛТЭ Раҳимжонов Ш.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликга эришгандан сўнг архитектура ва қурилиш соҳаларида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Шаҳарсозлик, турар жой ва бошқа соҳаларда кенг қўламда қурилишлар бошланди. Аҳолини турар жой ва унга хизмат кўрсатувчи иншоотлар сифати яхшиланди. Қурилатган турар жой биноларига, аҳолини истак ва тақлифлари эътиборга олиниб, бинолар ташқи кўринишлари миллий обидалар элементлари қўлланилмоқда. Бу эса шаҳарларимиз кўркига кўрк бағишламоқда. Бизнинг бу соҳадаги ютуқларга эришишимизда, бизгача сакланиб қолган архитектуравий ёдгорликларимизнинг гўзал кўринишлари, кўркемлигини рангларини йўқотмаган бинолари, кўхна шаҳар Самарқанддаги “Регистон” майдони мажмуаси, Бухородаги арк, “Самонийлар” мақбараси, Қўқон шаҳридаги “Худоёрхон арки”, Тошкентдаги ислон цивилизацияси маркази бўлган “Хаста имом” мажмуалари бинолари мисол бўла олади.

Архитектура соҳасида макет ўрни муҳим роль ўйнайди. Агар бино ёки бирор иншоотни лойиҳасини бurtмачига кўрсатсангиз, лойиҳани тушиниш бир мунча қийин бўлиши мумкин. Аммо шу ўринда бинони макетини кўрсатилса, бундай ҳолатда бутунлай бошқа ҳолат юз беради, чунки макет кўрсатилган вақтда бинони ҳар тамонлама ён, устки ва хатто перспектив кўриниши ҳам кузатиш мумкин.

Ўрта Осиё архитектурасини ўрганишда, шу нарса маълум бўлдики, шу соҳа олимлари, жумладан А.Ю. Якубовский 1932 йилда “Зафарнома”нинг бир нусхасида келтирилган Самарқанддаги Темур солдирган Жомеъ масжиднинг қурилишига бағишланган бир мўжаз тасвирдаги меъмор қўлида тутиб турган бино ясамаси (макети)га эътиборни қаратиб, мадомики бўлажак бино ясамада бажарилган экан, бундай меъморий лойиҳалаш мавжуд эди, деган фикр келиб чиқмасмикин? – деган ғояни ўртага суради.

Макет – италянча “*macchitta*” –хомаки лойиҳа маъносини билдиради. У меъморликда лойиҳаланаётган ёки мавжуд иншоот, ансамбль, меъморий мажмуанинг кичрайтирилган ҳажмда тайёрланган нусхаси. Макетлар гипс, ёғоч, пластмасса, картон каби маҳсулотлардан асл кўринишларига ўхшатиб тайёрланади. Макетлар меъморлик лойиҳаларини текшириш, такомиллаштиришга хизмат қилади.

Буларга мисол қилиб Миср эҳромларидан топилган уйлар, храмларни кичик макетлари, Юнонистонда эса антик вақтдан бошлаб ёғоч ашёсидан эҳромларнинг кичик нусхаларидан фойдаланишган.

Италияда Уйғониш даврида макетлардан фойдаланиш кенг ривожланган, унда церковлар, ибодатхоналарни кичик шакллари яшашган.

КАМОЛИДДИН БЕХЗОД ИОМИДАТИ
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

САНЪАТ - ЁШЛАР НИГОҲИДА VI

мавзусидаги магистрларнинг
илмий-амалий конференциясидаги
фаол иштирок учун

Мелиур Муртазаев

СЕРТИФИКАТ

билан тақдирланади

Ректор



X.P. Aminov

Х.Р.Аминов

№ 50

21.05.2018 Тошкент



“МАРКАЗИЙ ОСИЁ КИТОБАТ САНЪАТИ ВА МИНИАТЮРАСИ”

Республика илмий-амалий конференциясида
фаол иштироки учун

Мелиур Муртазаев

СЕРТИФИКАТ

билан тақдирланади

Директор



G. Karshina

Г.Каршиева

№ 035 21.11.2018г.

К. Бехзод номли Миллий Рассомлик ва Дизайн институти
“Амалийсанъат” факультети
“Бадиий кулолчилик ва таъмирлаш” кафедраси
“Санъат асарлари ва меъморий ёдгорликларни таъмирлаш” бўлими
II курс магистранти Муртазаев Темур Уктам ўғлининг
“Ўрта аср меъморчилигида эпиграфика” мавзусидаги магистрлик
диссертациясига билдирилган илмий раҳбар

ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ

Дунё илм-фани ибтидоий даврдан бошлаб тараққий этиб боргани сари ёзувнинг турлари ва кўриниши ҳам мураккаблашиб, кўлланиш миқёси кенгайиб бораверган. Турли иероглиф, шартли белгилардан иборат ёзувлардан аста-секинлик билан нутқни тўлиқ ифодалаб берувчи ҳарфлардан ташкил топган матнларга ўтиб борилган. Дастлаб тошбитикларда учрайдиган турли тарихий воқеийликлардан сўзловчи матнлар секин-асталик билан меъморчиликка ҳам кириб келган. Меъморчиликда дастлаб шунчаки иншоотнинг ўзи ҳамда қурувчи(ҳомий)си ҳақида ахборот етказувчи вазифасини бажарган эпиграфика аста-секинлик билан ривожланиб бориб, бадиий безак даражасигача чиққан.

Ўрта асрларда айнан Темур ва темурийлар даврида Марказий Осиё меъморчилигининг асосий безаклари қаторидан ўрин ўрин олган эпиграфик безаклар ўзининг хилма-хиллиги, жозибадор ва ҳашамдорлиги билан бошқа даврлар меъморчилиги эпиграфикасидан ажралиб туради. Қолаверса, маъно ва мазмун жиҳатдан ҳам инсонларни маънавий баркамолликка, иймонли-эътиқодли бўлишга ундаган.

“Ўрта асрлар меъморчилигида эпиграфика” деб номланган ушбу магистрлик диссертациясида эпиграфиканинг меъморчиликда қўлланилиши бадиий ва амалий томондан тадқиқ этилган бўлиб, мазкур диссертация III бобдан ташкил топган. Диссертацияда тадқиқотчининг изланишлари таҳлили босқичма-босқич келтириб ўтилган. Бундан ташқари диссертация таркибига тадқиқотни амалга ошириш жараёнида баржарилган тажриба, лойиҳа ҳамда чизмалар ҳам киритилган.

Диссертациянинг I боби “Меъморчиликда эпиграфиканинг ривожланиши” деб номланган бўлиб, ушбу бобда эпиграфиканинг келиб чиқиш тарихи, дастлаб меъморчиликка кириб келиши ҳамда Марказий Осиё меъморий анъаналари қаторидан қай тарзда жой олганлиги илмий

асосланган ҳолда ёритиб берилган. Бунда тадқиқотчи дастлабки эпиграфик обидалар ва уларнинг тадқиқ этилиши, меъморчиликка қандай сабаблар билан кириб келишини далиллар келтирган ҳолда ёритиб берган ва бу борада қатор олимлар ва тарихчиларнинг илмий асарларига мурожаат этган

Диссертациянинг II боби “меъморий ёдгорликлар эпиграфикаси классификацияси” номини олган ва ушбу боб Марказий Осиё меъморчилигида эпиграфиканинг тутган ўрни ва аҳамияти, интерьер ва экстерьерда қўлланилиши далиллар асосида ёритиб берилган. Яъни ўрта асрларда Марказий Осиёда барпо этилган иншоотларнинг ички ва ташқи эпиграфик безаклари композицион ва жойлашуви таҳлил қилинган. Таҳлил жараёни Ўрта асрларда Ўрта Осиё ҳудудида бунёд этилган иншоотлар ички ва ташқи меъморий безаклари асосида олиб борилган.


III боб эса “Меъморий ёдгорликлар эпиграфикаси классификацияси” деб номланган бўлиб, мазкур бобда меъморий обидлар эпиграфикаси бадий безаклар сифатида таҳлил қилинган. Эпиграфик безакларнинг композицион ечимлари, матнларнинг услублашуви ҳамда ислимий ва геометрик нақш элементларинг эпиграфик композицияларда қўлланилиши бадий-амалий таҳлил этилган. Бундан ташқари, эпиграфик безакларнинг ашёларда бажарилиши ва техникалари ёритиб берилган.

Тадқиқотчи ҳар бир боб сўнгида тегишли боб бўйича хулосалар бериб борган, якуний хулоса қисмида эса ўз изланишлари натижасида олинган янгиликлар ва таклифларини келтириб ўтган.

Тадқиқотчи илмий тадқиқот ишининг назарий қисмида манбаалар билан ишлаш, уларни илмий таҳлил этиш, шахсий хулосалар чиқариш, мантикий кетма-кетликда баён эта олиш салоҳиятини намоён эта олган. Диссертациянинг амалий қисми учун ишланган безак таҳлилларида тадқиқотчи ўзининг мутахасис сифатида орттирган билим ва қўникмаларини юзага чиқара олган. Умуман олганда, мазкур тадқиқот иши таъмирлаш соҳасида мутахасис ва эркин изланувчилар учун илмий-амалий манба вазифасини бажара олади.



а.ф. н., доцент **З.Ш. Досметова**



**К. Бехзод номли Миллий Рассомлик ва Дизайн институти
“Амалий санъат” факультети
“Бадий кулолчилик ва таъмирлаш” кафедраси
“Санъат асарлари ва меъморий ёдгорликларни таъмирлаш” бўлими
II курс магистранти Муртазаев Темур Уктам ўғлининг
“Ўрта аср меъморчилигида эпиграфика” мавзусидаги магистрлик
диссертациясига**

ТАҚРИЗ

Кишилик жамияти ўз тарихининг кўпроқ қисмини ёзувсиз ўтказган. У ёзувга етиб келгунча узоқ йўлни босиб ўтган ва нутқни ёзиб олиш учун бир неча минг йил илгаригина белгилар қўлланила бошлаган. Бу қарийб олти минг йил илгари, эрамиздан олдинги тўртинчи минг йилликда содир бўлган, деб ҳисобланилади.

Тараққиёт босқичларида ёзувнинг турлари ва кўриниши ҳам мураккаблашиб, қўлланиш миқёси кенгайиб бораверган. Турли иероглиф, шартли белгилардан иборат ёзувлардан аста-секинлик билан нутқни тўлиқ ифодалаб берувчи ҳарфлардан ташкил топган матнларга ўтиб борилган. Дастлаб тошбитикларда учрайдиган турли тарихий воқеийликлардан сўзловчи матнлар секин-асталик билан меъморчиликка ҳам кириб келган.

Меъморчиликда дастлаб шунчаки ахборот этказувчи вазифасини ўтаб келган эпиграфика Ўрта асрларга келиб меъморий безак даражасигача кўтарилган. Мусулмон Шарқи хусусан, Ўрта Осиё меъморчилиги эпиграфикаси – серқирра ва анъаналарга бой. У доимо илоҳий матнлардаги хикматлар, фалсафий фиклар, мавъизвий нақлларинг теран маъноларини ихчам шаклларда ифодалаш имконини берган. Табиийки, мазкур битиклар мазмун-моҳияти - бевосита ёдгорликларнинг ўзи ва унинг вазифаси билан боғлиқ. Агар меъморий обидалар ҳақида гап кетадиган бўлса, унда қурувчи (ҳомий), муҳандис, хаттот, баъзан эса уста номлари, иншоот қурилган йил ёки даврларига бағишланган махсус битиклар (расмий эпиграфика)ни кўришимиз мумкин.


Ўрта асрлар Марказий Осиё меъморчилигида эпиграфиканинг қўлланилиши таҳлил этилган ушбу диссертация 3 бобдан иборат бўлиб, бунда эпиграфиканинг келиб чиқиши, меъморчиликда қўлланилиши ва ифодавий усуллари ёритиб берилган.

Диссертациянинг II боби “меъморий ёдгорликлар эпиграфикаси классификацияси” номини олган ушбу боб Марказий Осиё меъморчилигида эпиграфиканинг тутган ўрни ва аҳамияти, интерьер ва экстерьерда қўлланилиши далиллар асосида ёритиб берилган. Яъни ўрта асрларда Марказий Осиёда барпо этилган иншоотларнинг ички ва ташқи эпиграфик безаклари композицион ва функционал жойлашуви таҳлил қилинган.


III боб эса “Меъморий ёдгорликлар эпиграфикаси классификацияси” деб номланган бўлиб, мазкур бобда меъморий обилар эпиграфикаси бадий безаклар сифатида таҳлил қилинган. Эпиграфик безакларнинг композицион ечимлари, матнларнинг услублашуви ҳамда ислимий ва геометрик нақш элементларнинг эпиграфик композицияларда қўлланилиши бадий-амалий таҳлил этилган. Бундан ташқари, эпиграфик безакларнинг ашёларда бажарилиши ҳам ёритиб берилган.

Тадқиқотчи ҳар бир боб сўнгида якуний хулосалар бериб борган, якуний хулосада эса ўз изланишлари натижасида олинган янгиликлар ва таклифларини келтириб ўтган.

Тадқиқотчи илмий тадқиқот ишининг назарий қисмида манбаалар билан ишлаш, уларни илмий таҳлил этиш, шахсий хулосалар чиқариш, мантикий кетма-кетликда баён эта олиш салоҳиятини намоён этган. Диссертациянинг амалий қисмида ишланган безак таҳлилларида тадқиқотчи ўзининг мутахасис сифатида орттирган билим ва кўникмаларини юзага чиқара олган.



а.ф.и.к. доцент Т.Ш.Маматмусаев



К. Бехзод номли Миллий Рассомлик ва Дизайн институти
“Амалий санъат” факультети
“Бадий кулолчилик ва таъмирлаш” кафедраси
“Санъат асарлари ва меъморий ёдгорликларни таъмирлаш” бўлими
II курс магистранти Муртазаев Темур Уктам ўғлининг
“Ўрта аср меъморчилигида эпиграфика” мавзусидаги магистрлик
диссертациясига

ТАҚРИЗ

Буюк ўтмишдан бизга сўзловчи меъморий обидаларимиз анча мурраккаб тарихни бошидан кечирган. Яқин ўтмишдаги дахрий кучларнинг тажовузкорона хужумлари оқибатида ёдгорликлар замонавий бинолар, мавзелар исканжасида жиддий талофатга юз тутган. Аксарият ҳолларда эса, қадимги иншоотлар, махмуа ва шаҳарлар йўқотиб юборилган. Обидалардаги кўҳна битиклар ҳам бу жараёндан четда қолмаган. Нафакат тарихнинг балки, асрлар хотираси ва қадимги маданиятнинг маълум қисми саналмиш эпиграфика ҳам йўқ қилинган. Уларнинг тарихий қисмати шундай оғир кечдики, бу ёзувлар моҳияти илм аҳли учун ҳамон жумбоқ бўлиб қолмоқда.

Шу билан бир қаторда, эпиграфика ханузгача Шарқ ёзма ёдгорликларининг енг қам ўрганилган соҳаси бўлиб қолмоқда. Бироқ, Марказий Осиёда Ўзбекистон эпиграфик ёдгорликлари миқдори ва ноёблиги билан етакчи бўлиб, бу борада етарлича тадқиқотлар олиб борилмаган. Ваҳоланки, бу ёдгорликларнинг аксарияти аллақачон жаҳон тамаддунининг санъат ва маданият хазинаси сифатида эътироф этилган.

“Ўрта асрлар меъморчилигида эпиграфика” деб номланган ушбу диссертацияда эпиграфиканинг меъморчиликда қўлланилиши тадқиқ этилган бўлиб, мазкур диссертация III бобдан ташкил топган. Диссертацияда тадқиқотчининг изланишлари таҳлили босқичма-босқич келтириб ўтилган.

Мазкур диссертациянинг I боби “Меъморчиликда эпиграфиканинг ривожланиши” дея номланиб, ушбу бобда эпиграфиканинг келиб чиқиш тарихи, дастлаб меъморчиликка кириб келиши ҳамда Марказий Осиё меъморий анъаналари қаторидан қай тарзда жой олганлиги илмий асосланган ҳолда ёритиб берилган.


I боб “Меъморчиликда эпиграфиканинг ривожланиши” деб номланган бўлиб, мазкур бобда эпиграфиканинг келиб чиқиш тарихи, меъморчиликка кириб келиши, Марказий Осиё меъморчилигида қўлланилиши ёритиб берилган. Ислом маданияти ва араб хаттотлигининг Ўрта Осиё меъморчилигига кириб келиши ва босқичма-босқич ривожланиши далиллар асосида келтирилган.

Диссертациянинг II боби “меъморий ёдгорликлар эпиграфикаси классификацияси” номини олган ҳамда мазкур бобда Марказий Осиё меъморчилигида эпиграфиканинг тутган ўрни ва аҳамияти, интерьер ва экстерьерда қай тарзда қўлланилиши кетма-кетликда расмлар билан ёритиб берилган. Яъни Марказий Осиё меъморчилигида масжид, мадраса ва макбараларда акс эттирилган матнлар ва матнли композицияларнинг иншоотнинг қаерида, қай тарзда акс эттирилганлиги келтириб ўтилган.

III боб эса “Меъморий ёдгорликлар эпиграфикаси классификацияси” дея номланган бўлиб, мазкур бобда меъморий обилар эпиграфикасибадий безаклар сифатида таҳлил этилган. Бунда эпиграфик безакларнинг композицион жihatдан қандай тузилганлиги, уларда қўлланилган хат турлари ҳамда нақш элементлари амалий тарзда ифодалаб берилган. Қолаверса, эпиграфик безакларнинг ашёларда бажарилиши, қўлланилган ашёларнинг таркибий таҳлиллари келтириб ўтилган.

Тадқиқотчи ҳар бир бобдан сўнг якуний хулосалар бериб, якуний хулосада ўз изланишлари натижасида олинган янгиликлар ва тақлифларини бериб ўтган.

Тадқиқотчи илмий тадқиқот ишининг назарий қисмида манбаалар билан ишлаш, уларни илмий таҳлил этиш, шахсий хулосалар чиқариш, мантиқий кетма-кетликда баён эта олиш салоҳиятини намоён этган. Диссертациянинг амалий қисмда ишланган безак таҳлилларида тадқиқотчи ўзининг мутахасис сифатида орттирган билим ва кўникмаларини кўрсатиб бера олган.



а.ф.д. доцент Ш.З.Нурмухаммедова

